

«Якши кайфият — кўнгилли меҳнатнинг энг олий мақсули. Зотан кайфиятнинг бароридан келса — кайфиятнинг кўтарилади». Деҳқончилик зверои бошлиги, ягиерлик коммунист Саодат Мамаатованинг медаатга муносабати шундай.

В. ЖИРНОВ фотоси.



Саодат

10 / 1988



Ўзбекистон колхозчиларининг съездида



Саводсизликни тугатиш



Чирчиқстройда

ВИЖДОНАН ҲИСОБ БЕРАМИЗ

«Уртоқ Ленин,
сизга ҳисоб бераман.
Хизмат эмас,
юрак шунга ундайди.
Уртоқ Ленин,
энг зўр, мушкул ишлар ҳам
амалга ошмоқда
ошмай қолмайди...»

Владимир Маяковскийнинг революция алангасидан руҳланиб битган ушбу сатрлари, гўё бугунги революцион қайта қуришнинг улкан ўзгаришларига ҳамоҳанг жаранглаётгандек. У барча йигит ва қизларни буюк Ленин бошлаб берган йўлдан собитқадамлик билан боришга, амалга ошираётган ҳар бир иши учун Ленин хотираси олдида виждонан ҳисоб беришга ундайди.

Комсомол — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг биринчи йиллариданоқ куч-ғайрат билан ишга киришиб ёшларни бир ерга жамлаган. Уларнинг билим ва иқтидорлари йўналишни миқёси улкан мақсад: халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилишга йўналтира олган. Ўз сафида Абдулла Набиев, Нурхон, Мўйна Ҳасанова... каби оташқалб инсонларни тарбиялаган шонли комсомолнинг босиб ўтган йўли ҳамиша ибрат мактабидир. Улар ўзгаларнинг бахтиёр яшashi ва меҳнат қилиши учун қон кечиб курашдилар. Революция туфайли озод бўлган одамлар ўртасида саводсизликни тугатиш йилларида, Бутуниттифоқ Ленинчи ёшлар Союзи аъзолари томонидан республикамизда ҳам жуда катта ишлар амалга оширилди. Маърифат душманларининг ваҳшиёна қаршилигига қарамасдан, улар одамлар қалбига илм зиёсини олиб киришга интилдилар. Уларнинг ҳар бири халқнинг маънавиятини юксалтириш, фаровонлик йўлида ўлимга ҳам тик бордилар ва буни шараф деб билдилар.

Мамлакатни индустрлаштириш ва электрлаштириш даври машаққатлари осон кечмади. Барча ишлар қўл билан бажариладиган бир вақтда, комсомоллар қишнинг қаҳратони, ёзнинг жазирамаси демай қилган астойдил меҳнатлари натижасида улкан завод ва фабрикалар, ГЭСлар қурилди. Уларнинг бу фидойи меҳнатлари мамлакат саноатини катта ривожланиш йўлига олиб чиқди. Ўзлари моддий жиҳатдан тўкин-сочин бўлмасалар-да, кўнгилларида сафарбарлик туйғулари билан яшардилар. Назарларда оғир дамда улар амалга оширолмайдиган иш йўқдек, энг муҳими келажакка ишонч ва қаддини қийинчиликлар ичра тиклаётган қадрдон Ватан билан бирлик туйғуси уларнинг қон-қонига сингиб кетганди. Ана шу буюк туйғу мамлакатимиз бошига тушган ҳар қандай оғир дамда уларни жасоратли бўлишга ундади. Шу ўринда комсомол хотин-қизларимизнинг Улуғ Ватан урушининг суронли йилларида жанг майдонларида, окопларда ва айнақса, фронт ичкарасида кўрсатган матонатларини алоҳида қайд этмасак бўлмас. Биргина қирғин-барот урушининг айна авжига чиққан маҳалида, 45 кун ичида қуриб битказилган Катта Фарғона каналининг ўзиёқ буюк аёл меҳнатининг тимсоли эмасми?! Фронтга кетган ёстиқдошлари,

жону жигарлари учун ҳам улар тунни-тун, кунни-кун демай кетмон чопмадиларми?! Замбилларда тош-тупроқ ташимадиларми, ахир. Ахир урушнинг энг оғир участкаларида шу — ёшлик, комсомол туриб бермадими?! Шу ўққа учган гул ёшлик ҳаққи — бугунги комсомол ўз масъулиятини икки ҳисса фидойилиги билан адо этишга бурчлидир. Шунинг учун ҳам бугунги — мамлакатни иқтисодий ва сиёсий қайта қуриш жараёнида М. С. Горбачевнинг КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг ёпилиш чоғида сўзлаган нутқида ёшларга қарата: «...Биз демократиялаш, иқтисодий ислоҳот ва сиёсий системани ўзгартириш орқали қайта қуришни муқаррар қиламиз; биз революцион қайта қуриш орқали жамиятимизнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига, социализмнинг янги, инсонпарвар ва демократик қиёфасига эришамиз», — деган сўзлари бугун барча комсомолларнинг диққат эътиборидадир.

Ҳа, биз мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши ва янада раванқ топиши йўлида улуғ ишни бошладик. Буни жасоратли комсомолларнинг умум иштирокисиз, ҳар бирининг алоҳида жонбозлигисиз, уларнинг мустаҳкам тақдир бирлигисиз амалга оширишни тасаввур қилиб бўлмайди. Бугун, давр биз комсомоллардан инқилобий йиллар жасоратини талаб қилади. Утмиш комсомоллари хотираси бизни ҳамisha шижоатга ундайди!

Биз шонли комсомолнинг 70 йиллигини нишонлаётган бугунги кунимизда, авлодларимиз босиб ўтган жасоратли йўл олдида бош эгамиз! Қурбон бўлган минг-минг комсомоллар хотирасини кўксимизда сақлаган ҳолда уларнинг энгилмас руҳларидан ҳамisha ўрнак олмоқликка қасамёд этамиз!

Зулхумор СОЛИЕВА.



Тошкент тўқимачилик комбинати 2-тўқув фабрикасининг ип йнгирув цехи қизлари бугунги кун меҳнат муваффақиятларидан мамнунлар.



Зумрад Исоқова тўқимачилик касбини улуғлаётган кенжа авлод вақиласидир.

В. ЖИРНОВ фотолари



— Ешликнинг ўзи — санъат эмасми!! — дейди кўзлари чақнаб талантли раққоса Саида Қурбонова.



Шахло Маҳмудова асли берунийлик. Унинг ашулаларига Амударё тўлқинларининг ўйноқчилиги, Беруний қумриларининг сайроқ саси, Хоразм халқининг жўшқин руҳи сингиб кетгандек гўё. Айни пайтда Шахлохон Фрунзе район 2-маданият уйининг ашулачилар ансамблига раҳбарлик қилмоқда.



Ансамбль раҳбари Аҳмаджон Махсумов қизларга шундай уқтиради: «Муваффақият бу узлуксиз машқ, тер тўкиб қилинадиган меҳнат, меҳнат дегани».

В. МОСИН ва Т. СТЕПАНОВА фотолари

Бундан етти йил бурун Яккабоғ район «Сельхозтехника» бирлашмаси қошида «Ишчи таронаси» ансамбли тузилди. Талантли ёшлардан иборат коллектив тез орада эл оғзига тушди. 1983 йилдаёқ «Халқ ансамбли» деган унвонга сазовор бўлди. Шундан сўнг улар нафақат мамлакатимиз, балки Венгрия, Югославия, Польша сингари қатор Европа мамлакатлари томошабинлари ҳузурда ўзларининг хилма-хил истеъдодли концерт номерларини намойиш этдилар. Раққосалар Замира Пиримова, Мавлуда Қудратова, Сайёра Хуррамова, Дилноза Ашурова, хонандалар Зайниддин Алиев, Феруза Жамолова, ака-ука Абдураззоқ, Абдурашид Исҳоқов ва бошқалар репертуарлари қардош халқлар кўшиқ ва рақслари билан бойиди. Ана шу тажриба туфайли улар «Ўзбекистон куйлаганда», «Марҳабо талантлар», «Дебют» конкурсларида муваффақиятли иштирок этдилар, ансамбль шухратига шухрат қўшган бу коллектив аъзолари, саҳнадаги катта ютуқлар, ғалабаларнинг илдизи — узлуксиз машқлардан зерикмаслик, толиқмасликда, қора терга тушиб меҳнат қилишда эканлигини жуда теран англаб етдилар.

Аммо 1985 йилда «Сельхозтехника» бирлашмаси тугатилиб, район агропром бирлашмасига қўшиб юбо-

рилди. Ансамбль тарқалиб кетди. Бироқ талантлар эл назарига тушиб улгуришган экан. Қайтадан уларни сўроқлай бошладилар.

Район қурилиш трестига қарашли «Ирригатор» маданият саройи уларга ёрдамга келди. Бир ярим йиллик танаффусдан сўнг ансамблнинг тар-

Майданек концлагери музейида кўрган, эшитганларимни ҳеч қачон унутмасам керак. У ердан репертуаримни тинчликка бағишланган сиёсий кўшиқлар билан бойитишни дилимга тугиб қайтдим.

Кейинги йилларда фольклор-этнограф халқ ансамбли тузилиб, уну-

«ИШЧИ ТАРОНАСИ»ГА

ҚЎШИЛИНГ...

қаб кетган коллективи қайта тўпланди. Айни шу кунларда ансамблга таланти санъатшунос Аҳмаджон Махсумов раҳбарлик қилапти. Раққосаларга эса Тожик давлат Маданият институти хореография факультети сиртки бўлимнинг талабаси Саида Қурбонова санъат сирларини ўргатмоқда.

— Миллий рақсларимиз номи ҳар хил бўлгани билан, — дейди Саидахон, — услубда ўхшаш ҳаракатлар кўплаб учрайди. Томошабинлар концертларимизни мажбуран эмас, яйраб томоша қилишларини, ўрни келса биз билан баб-баробар рақс тушиб, кўшиқ айтишларини, тароналаримизга қўшилишларини истаймиз. Шунинг учун ҳам русча «Берёзка», тожикча «Бибисанам», афғонча «Озод қизлар» арабча «Ҳилола» ва бошқа халқлар рақсларини репертуаримизга ўзгача муҳаббат, иштиёқ билан киритганмиз.

Ансамбль таркибини асосан ишчи-ёшлар, ўқув юртлари талабалари ташкил этади. Мамарайим Суонон «Қизил Юлдуз» колхозидида электрик бўлиб ишлайди. Классик кўшиқларни маромига етказиб ижро этади.

— Яқинда ансамблимиз Польша гастротида бўлиб қайтди, — суҳбатга қўшилди у. — Польша Социалистик Ёшлар иттифоқи, Закопане шаҳри ёшлари билан учрашувлар, концертлар, бизларни дўстлаштирди. Қайси тилда янграшидан қатъи назар яхши кўшиқ, яхши куй таржимонга муҳтож эмас.

тилиб бораётган халқ кўшиқлари умри қайта тикланыпти. Онахон, отахонларимиз санъат тарихининг нигоҳимизга ташланмаган саҳифаларини бизга ҳаёда этиптилар. Мусиқа оламида бу ўзига хос кашфиёт бўлди. Маданият саройида ишлаб турган 20 тўгаракнинг яна бир етакчи бўлими фольклор ансамблидир.

— Шу ансамблга қатнашганимдан буён касаллик ҳам мени тарк этгандай. Қизларимга ўргатиб, қизларимдан ўрганиб завқ билан яшайман, — дейди 60 ёшли Қахрамон она Санамхон ая Азманбетова. — Бу учун бизнинг — санъатсевар кексаларнинг бошимизни қовуштирган Аҳмаджон боламга раҳмат. Санъат омон бўлсин! Санъат қалбларга ҳузур-ҳаловат бағишлаб, меҳнат зафарларига зафарлар қўшиб яшайверсин.

Ҳар куни мамлакатимизнинг юзлаб саҳналарида минглаб санъаткорлар халқ олдида ҳисоб берадилар. Уларнинг мақсадлари битта: у ҳам бўлса томошабинларга янги кўшиқ, жозибали рақс, янги талқин ва маромига етган ижро ҳаёда этиш. Халқни завқланиш, фикрлашга чорлаш, катта эзгу мақсадлар сари сафарбар этиш. Ана шулар қаторида Қашқадарёнинг Яккабоғ районидаги область Ленин комсомоли мукофоти лауреати «Ишчи таронаси» ансамбли ҳам бор. Барча санъатсеварлар қатори уларга парвозингиз юксак бўлсин деймиз!

Бутун дунё пролетарлари,

бирлашингиз!



Саодат



1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ
ОЙЛИК ИЖТИМОЙ-СИЁСIIЙ,
АДАБИЙ-БАДИИЙ ХОТИН-ҚИЗЛАР
ЖУРНАЛИ

ОКТАБРЬ 10 [640] 1988 йил

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети нашриёти

— Намунча шошилмасангиз, ҳозир уйимизни меҳмонлар босади, — дея Ҳанифани қайтармоқчи бўлди Одилжон.

— Шундай тигиз паллада аъзолар ишни ташлаб, бу ерга келиб юришмасин, ҳар қанча меҳмон бўлса, ишдан кейин кутармиз.

— Қизим тўғри айтдилар, — деди ичкаридан чиқиб келган қайнонаси Уминахон хола.

Ҳанифа ўйлаганича бор экан. Бригада аъзолари унинг Москвадан қайтганини эшитиб, боришга тараддудланиб туришган экан. Бир зумда колхозчилар ўраб олишди, қизларнинг бири қўйиб, бири саволга туттишди.

Ҳанифа қарасаки, ҳамкасбларининг саволи тугамайдиган. Шунинг учун ҳаммани шийпон айвонига таклиф қилди. Таассуротларини, дилида туғилган эзгу ниятларини ҳозирнинг ўзидаёқ айтиб беришни маъқул топди.

— Биласизларми, — гап бошлади Ҳанифа, — конференцияда сирдарёлик машҳур пахтакор, СССР Олий Советининг депутаты Тўхтаҳон опа Қирғизбоева билан танишдим. Гапимиз айланиб, барчамизни ўйлатиб юрган пахта қимматига тақалди. Чунки шундан бир кун аввал Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Рафиқ Нишонов сўзга чиқиб, ўз нутқида ана шу масалага алоҳида тўхталганди. Республикамиздагина эмас, Туркманистон, Тожикистон, Озарбайжондан борган пахтакорлар ўртасида ҳам шу нутқ муҳокамаси бўлди.

— **Пахтанинг нархи кўтариларканми!** — сўради бригада комсомоллари етакчиси Мавлуда Раҳимова.

— Ҳали аниқ кўрсатма йўқ. Лекин истакларимиз инobatга олинадди, яқин орада бу муаммо ечилишидан умидвормиз. Шунда моддий манфаатдорлигимиз ортади. Унгача ўз имкониятимиздан илsoжи борича кўпроқ фойдаланишимиз керак. Ноўрин харажатларга йўл қўймасак, таннархни пасайтирсак, қўшимча ҳақ кўпаяверади. Чек системасида ишлаяпмиз. Ярим йилликнинг ўзида иш ҳақидан 1600 сўм, материал харажатидан 3600 сўм атрофида тежабмиз. Бу пулларнинг бир қисми йил якунида қўлимизга тегади.

— **Кўпроқ пахтаи биринчи сортга топшириб олишимиз керак...**

— Мўътабар тўғри айтади, — маъқуллади Ҳанифа. — Утган йили ҳам ҳосил яхши эди-ю, қутилмаганда қор ёғиб, пахтага зарари тегди-да. Планни бажардиг-у, натижа кутганимиздай бўлмади. Ҳосилнинг атиги 65 процентини биринчи ва иккинчи навларга сотдик. Бунда ҳам биринчи сорт салмоғи жуда оз. Оқибатда бир сўм асосий иш ҳақиға 28 тийиндан қўшимча ҳақ олинди, холос. Бошқа бригадаларга буям насиб бўлмади...

— Бу йил пахтаи бултургидан икки ҳафта илгари, — деди Зухраҳон Турғунова.

— Қаердан билдингиз? — ўсмоқчилади бригадир.

— Аввалги куни уйда китобларни тартибга солаётгандим, «Вафодор»нинг ичидан бир варақ қоғоз чиқиб қолди. Очсам, ўтган йилнинг шу даврдаги хомчўти экан. Кеча солиштириб кўрдим, учтадан кўсак ортиқ чиқди.

Ҳанифа қувониб кетди. Москвага жўнаётган кунлари олди гўзада бир-иккитадан кўсак санаганди. Келгунича яна иккитадан қўшилибди.

— Гул ҳам, шона ҳам кўпайиб қолгандир? — севинчини яширолмай савол ташлади Ҳанифа.

— Ҳа, 7—8 тадан гул, йигирматагача шона, ўндан ортиқ шоҳ бор, — жавоб қилди Зухра.

Конференциядан таърифсиз ҳаяжон, янги режалар билан қайтган Ҳанифа Мингбоевани бригадасида ана шундай қувончлар кутиб олганди. Уша куни у кўнглида айтадиган сўзлари жуда кўп бўлсада, вақтдан қизганди. Ахир аъзолари ҳар куни ёнида-ку. Конференцияда белгиланган вазифаларни ҳамжиҳат меҳнат билан уддалаймиз, деб суҳбатга яқун ясаганди.

...Ҳанифа эгат оралар экан, қўшни пайкалдан кулги кўтарилди. «Бағрини тўлдириб кулаётган Шоҳида-ку! Дарвоқе, уйи битдимикан? Илгарироқ сўраганимда, пойдеворини қўйиб қўйдик, деганди. Карима, Ҳумайри, Адҳамжон, Иброҳимжонлар нима қилишдидейкин? Синчдан чиқаришган бўлса, ҳашар уюштириб юборсак бўлармиди? Арғамчиға қил қувват, деган гап бор, коллектив қараб турмас. Тезроқ тиклаб олишса, қишни хотиржам ўтказишарди. Уларга ер участкаси осонликча ажратилгани йўқ-ку, шароитларини правление аъзоларига, уй-жой комиссиясига тушунтиргунча, бригадага меҳнатлари бундан кейин ҳам кўпроқ сингишига ишонтиргунча, озмунча тортишганмидим?» — дея ўйларкан, саволларига жавоб олиш учун қизлар томон одимлади...

Ҳамиша коллективга таяниб иш юритишга одатланган бригадир, принципиал коммунист Ҳанифа Мингбоева учун 1988 йил жуда қутлуғ келди. Ҳаёт дафтарига ўчмас лавҳалар битди.



ОЧЕРК

- Пахтанинг нархи кўтариларканми!
- Кўпроқ пахтаи биринчи сортларга топшириб олишимиз керак.
- ...раҳбарнинг коллективга, коллективнинг раҳбарга талабчанлиги ошди.

Делегат бошлиқ бригаданинг дала шийпонидамиз. Хирмонда пахта қуритувчи ҳосилни қуёш қизиғида тоблаб, намини қочиряпти. Нарироқда ошпаз куйманиб юрибди. У помидор тергани полизга кирди. Шийпон атрофи шинам. Қишлоқ ҳовлиларига ўхшайди. Айвон олди гулзор. Ишқомларда узумлар. Улар колхозчилар дастурхонига қўйилаётганидан анча сийраклаб қолган. Кунчиқар томонга помидор, ловия, сабзи экишибди. Икки-уч эгатда кўкатлар. Ҳаммаси меҳр, иштиёқ билан парваришланган. Ариқлар бўйида мевали дарахтлар: ўрик, шафтоли, ёнғоқ, олча, олма... Толлар тагига кроватлар қўйилган. Атроф супириб-сидирилган, сўлим қилиб сув сепилган. Шунинг ўзиёқ аёл раҳбарлигидаги жойда саранжом-саришталик бўлишини, инсон қадрияти юқори тутилишини кўрсатиб турибди.

— Ҳанифани фақат тушликка чиққанида учратасиз, унғача теримчилар ёнидан жилмайди, — дейди мавсумий боғча тарбиячиси Муқаддас Аҳмедова.

Боғча. Олди тўлиқ ойнаванд, типовой боғчага ўхшайди. Оппоқ чойшаблар, тоза сочиқлар. Қўшни хонада эса темир беланчаклар. Деворларда болалар ҳаётидан ҳикоя қилувчи қувноқ расмлар, фото-монтажлар. Учта хонанинг бири кичкинтойларга, иккинчиси оналар учун, учинчиси оммавий-сиёсий ишларга ажратилган. Ҳамма хона полига шолчалар тўшалган. Хуллас, колхозчиларнинг уйларидагидан ҳам афзал шароит яратилган.

Ниҳоят, тушликка занг урилди. Бир пиёла кўк чой устида бригадир билан яқинроқдан танишдик:

— Асли Учқўрғоннинг Яшиқ қишлоғиданман, — сўз бошлади Ҳанифа. — Норинга келин бўлиб тушганимга ҳам ўн саккиз йил бўлди. Шундан бери пахта ичидаман. Ун йил оддий колхозчи, звено бошлиғи бўлиб ишладим. «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотландим. Ўзбекистон Компартияси XXI съездида делегат бўлдим. Саккиз йилдирки, бригадирман. Беш йилликнинг икки йили планини ўн процент ошириб бажардик. Ҳосилдорлик 36 центнердан ортди.

— Биринчи бўлиб бригадирлар сайлови Норинда тажрибадан ўтказилганини эшитганмиз. — Ҳанифа Мингбоевнинг бригадирликка сайланиши воқеасини эсладим.

— Ушанда сайловда Онахон Дастамова билан менинг номзодим овозга қўйилганди. Анча ҳаяжонлангандим. Аввалдан бригадир бўлиб ишлаётганим билан, колхозчилар ишончини қай даражада оқлаётганим қоронғу эди. Киши ўз камчилигини атрофидегилардек пайқамаслиги мумкин-да. Сайловда саксон фоиз колхозчи мени ёқлаганини билдим-у, ўйлаиб қолдим: йигирма фоиз колхозчига қайси хислатларим маъқул эмас экан? Бу саволга икки йилдан бери жавоб излайман. Менимча, бригадир коллективни тўғри етаклай олсагина, колхозчиларнинг юзи ёруғ бўлади, чўнтакларига кўпроқ пул тушади. Фақат пахта илмини билиш эндиликда камлик қилади. Ҳисоб-китобни пухта юрийтиш, одамлар қалбидагини сезирлик билан илғаб олиш, пировард натижани аввалдан мўлжаллай билиш лозим.

— Сиз бошлиқ бўлгандан буён бригадангиз планини сурункасига октябрнинг биринчи ўн кунлигида ўринлатаркан, бунга қандай эришасизлар?

— Экканингни ўрасан, деган нақл бор, — мамнун жилмаяди бригадир пахтазорига ишора қилганича. — Қаранглар, пахтаминсан, пахта бўлди-да. Планини, мажбуриятни ҳам яқинда удалаймиз. Ҳаммаси халқимизнинг аҳиллиги самараси. Энг муҳими, аъзоларим мени ўзлари танлаганликлари учунми, қўллашгани-қўллашган. Очиги, раҳбарнинг коллективга, коллективнинг раҳбарга талабчанлиги ошди, масъулияти ҳам. Барча масалаларда ошқора фикр юритамиз, ишнинг муваффақияти йўлида мурсасозликка ўрин йўқ. Инсоннинг қадри баланд. Шулар натижасида ҳосил эрта етишяпти, терим жадаллашяпти.

Оддий қишлоқ аёли ўз зиммасида қайта қуришнинг иккинчи босқичи талаблари — социалистик демократияни чуқурлаштириш, иқтисодий ислохотни рўёбга чиқаришдек умумхалқ, умумдавлат аҳамиятига молик вазифаларни чуқур ҳис этади. У одамлар ташвишида яшайдан бир олам завқ олади. Коллектив ишига жонкуярлигининг, фақат бригадасининггина эмас, бир вақтлар доврўқли бўлган Калинин номли колхознинг аввалги шухратини тиклашга тўғаноқ бўлаётган муаммоларни юқори ташкилотлар олдида дадил кўндаланг қўяётганлигининг, қолаверса, беш фарзандни тарбиялаб вояга етказиш билан бирга, Андижон пахтачилик институтида сирдан ўқиётганининг, пахтачилик илмини тажриба билан ўйғунлаштираётганининг боиси Ҳанифа Мингбоева қалбида одамларга эзгулик, яхшилик қилиш истагининг юксалигида...

Содиқ ТОЖИБОВ,
Латиф ТОЖИБОВ,
Наманган области.

Суратда: Ҳанифа МИНГБОВЕВА.

Б. СОЛИЕВ фотоси.



Ўтган икки йил мобайнида планини бажаролмаган «Ҳурмат белгиси» орденли Қўқон нон комбинати ҳозирда ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида авж олдирилган социалистик мусобақада пешқадам.

Бугунги кунда комбинат суткасига 50 тонна нон, 60 тонна кондитерли ва 25 тонна макарон маҳсулотлари тайёрламоқда.

Комбинат коллективининг бундан кейинги режалари ҳам улкан. Улар келгуси йилдан бошлаб тўлалигича хўжалик ҳисобига ўтиб ишлай бошлайдилар.

Сиз суратда комбинат жонкуяри, ташаббускор бригада бошлиғи, коммунист Моҳира Ғафуровани кўриб турибсиз.

Ш. АЛИМОВ фотоси.
ЎзТАГ.

АЁЛНИ УЙГА ҚАЙТАРИШ КЕРАКМИ?

● ...хотин-қизларни эҳтиёт қилмаслик... ҳеч тузатиб бўлмас оқибатлар келтиради...

● ...қишлоқ аёллари эрта қаримоқдалар.

● Улуғ Ватан уруши аскарлари беваларининг пенсиялари жуда оз...

Партия XIX Бутуниттифоқ конференциясида ҳаётимиз равнақиға тўсиқ бўлиб турган, ечимини кутаётган ўткир муаммолар ошкор айтилди. Уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилди.

Совет хотин-қизлари Комитетининг раиси З. П. Пухованинг конференциядаги нутқида меҳнаткаш аёллар, оналарнинг яшаш ва ишлаш шароитлари, бу шароитларни тез мудатда яхшилаш зарурлиги ҳаётий далиллар асосида баён этилди.

Республикамиз хотин-қизлари ҳаётининг ўткир муаммолари ҳам ўз ифодасини топган шу нутқни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Халқ ичида совет хотин-қизлар Комитети қандай ном билан аталаётганлигини биласизларми? Хотин-қизларни ҳимоя қилувчи Комитет дейилмоқда. Кимдан? Қандай ҳимоя? Аёллар қандай ёрдам сўрамоқдалар?

Бир қарашда совет давлати ташкил топгандан буён имтиёзларнинг сертармоқ системаси вужудга келганга ўхшайди. Ҳар беш йилликда аёллар учун янги имтиёзлар қайд этилди. Оналик ва болаликни ҳимоя этишни давлатимиз сиёсий аҳамиятга молик вазифа деб билади. Лекин шуларнинг ҳаммаси ҳаётга татбиқ этилдимиди? Ҳаммаси эмас. В. И. Ленин таъкидлаганидек, аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги иқтисодий, ижтимоийгина эмас, сиёсий категория ҳамдир.

Ҳа, бугун аёлларнинг аҳволи докладда айтилганидек, давлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий-сиёсий муаммо эканлигини ошкор тан олиш керак. Бу муаммонинг ечими қайта қуришнинг ютуқларига, ўз навбатида қайта қуриш ҳам аёлларнинг унда нечоғлик актив иштирок этишига боғлиқ.

1917 йилда шундай бўлган эди, ҳозир ҳам шундай бўлиши керак. В. И. Лениннинг хотин-қизларни ижтимоий меҳнатга тортиш ҳақидаги вазифаси жуда қисқа муддатда амалга оширилганди. Бу борада биз ер юзидеги барча мамлакатлардан ўзиб кетдик. 70 йил ичида ишчи-деҳқон, она, граждон — совет хотин-қизларининг янги қиёфаси шаклланди. Аёллар бу масъулият-

ларни уйғун олиб боришлари учун шароит қандай? Бу муаммонинг кескинлиги, афсуски, жамятимиз томонидан ҳали тан олинмаётир.

Биз Байкал кўлининг ифлослини мамлакатимиз экологиясига офат эканлигини тушунишга ҳаракат қиламиз. Лекин хотин-қизларни эҳтиёт қилмаслик ҳозирги ва келажак авлод учун ҳеч тузатиб бўлмас оқибатлар келтириши ҳақида ўз-ўзимизга савол бермаймиз. Жуда кўп аёллар жисмонан қийин, қисман механизациялаштирилган соҳаларда ишламоқдалар. Қарийб уч ярим миллион хотин-қиз меҳнатни муҳофаза қилиш норма ва қоидаларига жавоб бермайдиган, шунингдек, газ ва чангланлиш даражаси юқори бўлган шовқинли, режимга номутаносиб ёқимсиз ҳароратли шароитларда ишламоқдалар. Қуёш чиққандан ботгунича дам олиш кунларисиз, отпускасиз, медицина ёрдамининг оддий социал-манший қулайликлари ҳам бўлмаган шароитларда ишлаётган қишлоқ аёллари эрта қаримоқдалар. Оғриқли ва аянчли ҳақиқат бу.

Ишловчиларнинг 80 фоизини ташкил қиладиган тўқимачиликдан ҳам меҳнатталаб соҳа борми? Мен ўзим 30 йил тўқимачилик корхонасида ишлаганман. Шовқин, намлик, доимий зўриқиш, бошқа соҳалардан кўра тунги сменалари кўп бўлган тўқувчилик меҳнати яхши биламан. Тўқувчининг юрак уриши, буни сизга айтишим керак, минутига 90 мартадан ортади. Темирчида шундай бўлармиди? Шу-

нинг учун ҳам аёллар меҳнатига тенг ҳақ тўлаш шароитида, амалда нотенглик сақланаётганлиги ҳақида индамаслик мумкин эмас. Нотенглик малакалилик даражаси ва шу билан боғлиқ ҳолда ойлик маошларида кўринади. Мамлакатимизда эса яшаш учун ягона даромади ойлик иш ҳақи бўлган миллионлаб ёлғиз хотин-қизлар бор.

Ҳозир мамлакатимизда 4 миллион хотин-қиз тунги сменаларда ишлайди. Меҳнат ҳақидаги қонун Асосларида тунги сменаларда ишлаши таъқиқланиши, алоҳида зарурият бўлган ҳоллардагина улар меҳнатидан тунги сменаларда вақтинча фойдаланиш мумкинлиги аниқ баён этилган. Бу вақтинчалик тадбир чўзилиб кетмадими? Кемасозлик, оғир саноат, химиявий машиналар министрликлари ва яна бошқалар аёлларни тунги меҳнатдан шунчалар сусткашлик билан олиб чиқаяптиларки, бунақада мақсадга эришолмаймиз. Қонунга қатъий амал қилинишини талаб этиш пайти келмадими? Қонунларнинг тез-тез бузилаётгани ҳақида бизнинг Комитетга ҳақиқат сўраб мурожаат этаётган ўн минглаб хотин-қизлар гувоҳлик беради. Улар ҳомиладорлик отпусказидаги аёлларни ишдан бўшатилаётгани, ҳомиладорларнинг енгил ишга ўтказилмаётгани, ёш болали оналарни ишга қабул қилмасликка уринаётганликларидан шикоят қиладилар. Конституция аёлга тенг ҳуқуқлар беради. Бу ҳуқуқларнинг бузилмаслигини ҳимоя қилиш — бугуннинг муҳим вазифаси. Бизда



ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этадиган, қонунларнинг бузилмаслигини назорат қиладиган ташкилот йўқ. Кўп мамлакатларда ана шундай ташкилот бор. СССР Министрлар Советининг социал тараққиёт бўйича бюросидан шу масалани ўрганиб чиқиши, комплекс социал программаларни тайёрлашда хотин-қизларга муносабат соҳасида алоҳида программа қабул қилинишини тақлиф этамиз.

Ҳўжалик, жамоат, давлат ташкилотларининг қарорлар қабул қилувчи раҳбарлик идораларига аёлларни кўтариш мумкинми ҳам янгича ёндошишни талаб қилади. Биз хотин-қизларнинг эркаклар билан алмаштирилишини ҳам, аёлларни юқоридан келган кўрсатма билан ҳисоботлар учун лавозимларга кўтарилишини ҳам ёқламаймиз. Талаб ҳаммага бир хил бўлиши керак. Социологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган эркакларнинг ҳар иккитасидан биттаси, яъни 48 фоизи, аёлларнинг эса 7 фоизигина турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида ишлашларини қандай изоҳлаш мумкин? Иттифоқ миқёсидаги министрликларда хотин-қизлардан раҳбар ходимлар умуман йўқ, иттифоқдош республикаларда эса улар саноклигина.

Яқиндагина республикалардаги 15 социал таъминот министрларининг ўнтаси аёллар эди, ҳозир улар тўртта. Область, ўлка партия комитетлари секретарлари орасида хотин-қизлар 7 фоиз, ҳолбуки, партия аъзоларининг 29 фоизи аёллардир. Олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларнинг 61 проценти хотин-қизлар бўлган ҳозирги даврда уларни раҳбарлик ишларига кўтармаслик адолатданми?

Уртоқлар! Яна бир масалага диққатингизни қаратмоқчиман. Кейинги пайтларда вақтли матбуот, радио ва телевидениеда аёллар иш жойида ва уйда меъёридан ортиқ ишлаётгани туфайли аёллик қиёфасини йўқотмоқда, унинг бола тарбияси учун вақти етишмаётир, шу туфайли оилада ноҳуш келишмовчиликлар келиб чиқмоқда, ажралишлар сони кўпаймоқда, деган фикр тез-тез айтилмоқда. Юқоридагилардан аёлни уйга қайтариш керак, деган хулоса чиқарилади. Бу хулоса тўғрими? Аёлларга амалда тенглик берган муҳим социал ютуқлардан кечиш керакми?

Ишловчиларнинг ярмидан кўпини хотин-қизлар ташкил этадиган халқ ҳўжалигини ҳам уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Агар оила тўлиғича таъминланса, ишдан бўшаб уйда ўтиришга розимисиз, деган саволга аксарият кўпчилик (80 процент) йўқ, деб жавоб қайтарганлар. Ҳамма бахтсизликлар сабабини аёлдан ахтаравермаслик керак. Ҳақиқий сабаблар анча чуқур ва уларнинг илдизи экономиканинг, илмий техника тараққиётининг оқсаётгани, социал муҳитнинг назоратсизлиги, қонунларнинг бузилаётганлиги билан боғлиқ. Хотин-қизлар навбатларда туришдан, озиқ-овқат ва халқ истеъмоли маҳсулотларининг етишмаслигидан толиқдилар. Транспорт ёмон ишлайди, айниқса, катта шаҳарлар йўлларида ишга бориб қайтиш жуда чарчатади.

Амалдаги маиший хизмат бугунги кунда оилага кўнгилдагидек ёрдам берол-

майди, унинг тармоқлари тараққий этмаган, хизмат турлари жуда кам; қолаверса, бу хизматлар ҳамманинг ҳам чўнтагига тўғри келавермайди.

Уй, оила, болалар тарбиясини фақат аёллар билан боғлаш одат бўлиб қолди. Ҳа, оналик — муқаддас, бетакрор туйғу. Онанинг ўрни ва масъулияти юксак, лекин ота ҳам худди шундай масъулдир. Оталик ва оиланинг уйғун қадриятини кўтариш керак. Оила учун социал-иқтисодий гарантияларни сезиларли даражада кенгайтириш керак. Биз бугун аёл учун бериладиган имтиёзлар оилага тааллуқли бўлиши ҳақида ўйлашимиз керак. Бу имтиёзлардан ким фойдаланишини оиланинг ўзи хал қилади.

Жамият томонидан аёлларни ҳимоя қилиш ҳақида гап кетганда, оз бўлса-да, ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этишдан кўра уй меҳнатини, болалар тарбиясини афзал кўрган хотин-қизларни ҳам унутмаслик керак. Улар ишловчи аёллар каби қариллик пенсияси, касаллик пайтида нафақа олиш каби ҳуқуқларга эга эмаслар. Фикримизча, ишламайдиган оналар учун социал гарантиялар бериш ҳақида ўйлаш вақти етди. **Улуғ Ватан урушининг бор оғирликларини елкасига олган аскарлар бевалари ҳақида ҳам айтмоқчиман. Уларнинг пенсиялари жуда оз, биз янги пенсиялар бўйича янги қонунлар тайёрланаётганини биламиз, аммо аскар бевалари уларгача етмасликлари мумкин. Бу аёллар учун ҳозирнинг ўзида нимадир қилиш мумкин эмасми!**

Уртоқлар, қайта қуриш жамиятимиз олдида кўплаб муҳим ҳаётий вазифалар қўяди. КПСС XXVII съезидан сўнг қайта тузилган ва тузилган хотин-қизлар советлари бу вазифаларни амалга оширишда актив қатнашмоқдалар. Хотин-қизлар советлари ишлаб чиқариш ташкилотлари ва яшаш жойларида деярли бошланғич асосларда фаолият кўрсатмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги ташаббускорлик, изланувчанлик, қатъият билан ишламоқда, айниқса, жамият ва оилада соғлом вазият вужудга келтиришда кўп муаммоларни ҳал этишга эришмоқдалар.

Шу билан бирга, аниқ социал масалаларни ечишда хотин-қизлар советларининг таъсири етарли эмас. Янги шароитда жамиятдаги ўз роли ва ўрнини уларнинг ҳаммаси ҳам англаб етгани йўқ. Ишончсизлик билан юқоридан кўрсатмалар кутиб ишламоқдалар. Партия ташкилотлари ҳар доим ҳам бу янги жамоат ташкилотига жиддий муносабатда бўлаётганлари йўқ, хотин-қизлар советларини қўллаб-қувватламаётирлар. Биз докладда ва музокараларда айтилгандек, мамлакат сиёсий ҳаётида жамоат ташкилотлари родини ошириш, давлат органларида уларнинг вакили бўлиши, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаш кераклиги ҳақидаги фикрларга қўшилиамиз.

Совет хотин-қизлари комитети номидан айтаманки, совет хотин-қизлари ўз мамлакатлари олдидаги масъулиятларини англайдилар, партиянинг қайта қуриш сиёсатини қўллаб-қувватлайдилар, бутун куч-ғайратларини жамиятимизнинг янгилиниши, революцион қайта қуришга қаратдилар.



Тикувчилик шундай бир санъатки, уни эгаллаш учун ҳар бир оддий чокни ҳам юксак дид ва қўнт билан тикиш керак.

Комсомол аъзоси Раҳима Абдуллаева ана шундай тадбиркор тикувчилардан. У ўрта мактабни битиргандан сўнг — бундан беш йил аввал Советободадаги «Тарандубитель» ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга келди. Тез орада касбини мукамал ўрганиб, цехнинг илғор ишчиларидан бири бўлиб етишди.

Кишиларнинг ишончини оқлаётган Раҳима Абдуллаева халқ депутатлари Андижон область Советига депутат бўлиб сайланди.

Р. АШУРОВ фотоси,
ЎзТАГ.



Бу цех гулзорга ўхшайди. Мўъжазгина прессловчи станокларда гулбарглр тахтакачланади. Унинг ёнида эса — барглр. Тайёрланган барг ва гулбарг йиғувчилар қўлида гулларга айланади.

Қўшни бино ичида ҳам баҳор ва ёзнинг ёрқин ранглари ҳукмрон. Бу ерда дарахтлар... тайёрланади.

Ана шундай, республикада биринчи марта ташкил этилган «Совпластитал» совет-итальян заводиди тўрт фасл бирдек кўзларни қувонтирғувчи «гуллар», «дарахтлар» яратилади.

Завод бу йил мамлакатимиз савдо тармоқларига 27 миллион сўмлик, чет элга 4,5 миллион долларлик маҳсулот чиқаришни режалаштирган.

Комсомол қиз Дилбар Саидмуродова шу заводнинг сунъий гуллар тайёрлаш участкасида ишлайди.

С. ВЕЛИЧКИН фотоси.
ЎзТАГ.



Жаббор РАЗЗОҚОВ,
«Ёш ленинчи» газетасининг редактори

СЎНМАС

● Қуруқ ташаббуслардан воз кечилди.

● ...Ёшлар ўз ўй-ташвишлари билан комсомол кўчасининг бу томонидан боришар, комсомол ходимлари эса ўз қоғозу қарорлари билан кўчанинг нариги томонидан ўтиб кетишмоқда эди.

«Комсомол менга нима берди?» Нега энди бу савол орадан 70 йил ўтиб, доҳиймиз В. И. Ленин асос солган Коммунистик Ёшлар Союзи катта юбилей арафасида турганда кўндаланг бўлди? Буни қандай тушуниш керак? Нима, ҳозирги ёшларнинг сиёсий саводхонлиги масаласи «чатоқ»ми? Еки чиндан ҳам...

Ҳа, чиндан ҳам комсомол ўзининг кейинги йиллардаги фаолиятида ёшлар томонидан бу саволнинг берилишига сабабчи бўлди. У Ленин уқтириб ўтган ўзининг энг асосий вазифасини — ёшларни тарбиялашни, бу ишни эса улар билан биргаликда яшабгина уддалаш мумкинлигини унутиб қўйди. Турғунлик йилларида юзага келган вазиятни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ВЛКСМ XX съездида жуда тўғри баҳолаб берганди. Чиндан ҳам, ёшлар ўз ўй-ташвишлари билан комсомол кўчасининг бу томонида боришар, комсомол ходимлари эса ўз қоғозу қарорлари билан кўчанинг нариги томонидан ўтиб кетишмоқда эди.

Лекин сирасини айтганда, бу фақат комсомол кўчасидаги иллатмиди? Жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасида, ҳаётимизнинг ҳар бир кунда, ишимизнинг ҳар бир соатида бу иллат кўриниб турар эди. Ҳаётимиз таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик, кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишлар домига тушиб қолган бир пайтда бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Бу исканжадан комсомол ўзи қутилиб чиқиб кета олмасди ҳам. Қолаверса, бунга йўл ҳам кўйишмасди.

Комсомол югурдак бўлиб қолди. У бир қарасанг пахтакор, бир қарасанг чорвадор, ишчи, бунёдкор, олим... Буйруқбозликнинг домига тушганди. Авваллари шундай бўлиши керакдир, деб ўйлардик. Бу ўйларимизнинг, бу иш услубимизнинг нотўғрилигига энди тушуниб етјямиз. Биз комсомолнинг асосий вазифаси — ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдек муҳим ишни унутганимизни, афсуски, кеч билдик. Балки шунинг учундир гулгун қизларимиз, ўсмирларимиз ўзларини нобуд этишаётгани. Балки шунинг учундир комсомол бўла туриб, кўксига ВЛКСМ нишонини тақийшни ор билишимиз. Балки шунинг учундир бюрократларга, камчиликларга, ахлоқий бузуқликларга нисбатан бефарқлигимиз.

Биз жуда ҳам бефарқ бўлиб қолдик. Бизда 20—30-йилларнинг комсомолларидаги ўт-оловлик, шиддатлик, жасурилик қолмади. Биз осойишталикка, ўзини ўйлаб ўзгани ўйламасликка, мансабпарастликка ўрганиб қолдик. Кўплар учун комсомол юқори лавозимни эгаллаш учун «учиш майдончаси» бўлиб қолди. Афсуски...

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми ҳаётимизга янгиланиш, покланиш нафасини олиб кирди. Ҳамма

қатори комсомол ҳам энди бундай яшаб бўлмаслигини англаб етди. Шуни ҳам айтиш керакки, у биринчилардан бўлиб қайта қуришнинг асл моҳиятига тушунди. Қайта қуриш талабларига, демократия ва ошкоралик миқёсларига чиқиш, таъбир жоиз бўлса, дастлаб комсомолда бошланди. Улар биринчи бўлиб мажлисларда «эркин микрофон»лар ташкил қилишди. Мамлакатимиз тарихида янги бир жараённи демократик асосда — бир неча номзодлардан раҳбарлар сайлашни ҳам биринчи бўлиб комсомоллар бошлаб беришди. Нафақат бутун мамлакат, балки жаҳон миқёсида РАФ заводи бош директорлигига комсомол томонидан ўтказилган демократик тарзда раҳбар сайлаш катта шов-шувга сабаб бўлди. Одамлар кунба-кун «Комсомольская правда» газетасининг Эстониянинг Елгава шаҳридан бериб борган бу сайлов ҳақидаги ҳисоботларини ўқиб боришди. Мен ўзим гувоҳи бўлганман, сайловнинг энг охириги босқичида учта номзод қолганда, ҳатто тошкентлик газетхонлар Москвага қўнғироқ қилиб, эрталаб газетанинг янги сони чиққунча ҳам сабрлари чидамай, ким директор бўлишини суриштиришганди.

Мана, ўша сайловга ҳам бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Омскилик инженер Боссерт бошлаг заводидаги янги раҳбарлари уни кўп йиллик иқтисодий «ўтириб қолишлар»дан олиб чиқилди. Ишчиларнинг меҳнат ва яшаш шароитлари, дам олиш масалалари сезиларли даражада яхшиланди. Боссерт биринчи марта «юқорида» номзоди тасдиқланмаган «қуйида» оддий ишчилар томонидан сайланган раҳбар эди. Унинг ҳозирги ишлари, ташвишлари, қилмоқчи бўлган юмушларининг миқёслари комсомол ўз мавқеини тиклаш учун астойдил ҳаракат қилаётганлигининг мисолидир. Шундан сўнг комсомолнинг барча миқёсдаги ташилотларида ёшлар етакчиларини сайлаш истисносиз демократик асосда ўтказилмоқда. Ҳозирги комсомол етакчиларининг катта қисми ана шу тарзда сайланган кишилардир. Уларга ёшлар ишонч билдиришди. Уларнинг асосий вазифаси эса ана шу ишончни суистеъмол қилмасликдир.

Гарчи қайта қуришдек инқилобий жараён ҳамма қатори комсомолда ҳам қийинчилик билан ўзига хос йўл очаётган бўлсада, унинг шу кунгача амалга оширган ишлари, охир-оқибат комсомол ўз мавқеини тўла тиклай олади, деган умид уйғотади.

АЛАНГА

Бундан бир неча йил олдин свердловсклик комсомол ёшлар турар-жой комплекси (МЖК) бунёд этиш йўли билан ёшларнинг уй-жой, маданий-маиший муаммоларини ҳал қилиш ташаббуси билан чиқишганди. Кўплар ўшанда бу ҳам комсомолнинг навбатдаги натижасиз ташаббусларидан бири, деб қўя қолишганди. Лекин ўтган давр комсомолнинг бу ташаббуси аввалгиларига мутлақо ўхшамаслигини кўрсатди.

Шу ўринда бир нарсани айтиб кетмоқчиман. Умуман, ташаббус масаласида комсомол анчайин эҳтиёткорроқ бўлиб қолди. Қуруқ ташаббуслардан воз кечилди. Мабодо, ташаббус кўтарилса, уни охирига етказишга ҳаракат қилинмоқда. Бунга мисол деб, интернационал бурчин адо этишда ҳалок бўлганларга ҳайкал ўрнатиш борасида тошкентлик комсомоллар ташаббусини эслайлик. У республикамиздаги деярли барча комсомол ташкилотларида ақдиллик билан кутиб олинди. Чунки бу ташаббус юқоридан эмас, қуйидан чиққан эди. Республикадаги барча комсомол ташкилотларида шанбаликлар, яқшанбаликлар ўтказилди. Ундан тушган маблағ ёдгорлик фондига тушди. Ҳозир ана шу ёдгорликнинг лойиҳаси учун республика миқёсида конкурс эълон қилинган. Тез кунда улардан бири маъқул топилиб, пойтахтда ҳайкал қурилиши бошлаб юборилади.

Яна ёшлар турар-жой комплексига қайтасак. Ҳозир Свердловскда бир неча минг комсомол оилалари ҳамма шарт-шароитлари бор шинам уйларда яшашмоқда. Бу уйларни комсомолларнинг ўзлари шанба-яқшанбалар, меҳнат отпускарлари ҳисобидан бунёд этишди. Қолаверса, бу уйлар шунчаки «бошпана» эмас, балки барча маданий-маиший шахобчалари, ясли ва болалар боғчалари, маиший хизмат уйлари, умумий овқатланиш идоралари комплексини ўз ичига олган бутун бир ёшлар шахарчасидир. Калининград, Волгоград, Горький, Кострома шахарларида ҳам мана шундай комплекслар бунёд этилди. Утган йили Москва шахрининг ўзида мингта комсомол оила уй тўйлари қилишди. Яқиндагина Душанбе шахрида учта тўққиз қаватли комсомол уйлари қад кўтарди. Ахир мана шу эмасми, комсомолнинг қўлидан ҳам иш келишлиги, унинг мавқеи! Ҳайриятки, бу масала республикамизда ҳам «ўлик нуқта»дан қўзғалди. Зарафшон шахар комсомоллари бу ишда ибрат бўлишмоқда. Қўриқ «Оқ олтин» районида эса биринчи қишлоқ ёшлар турар-жой комплекси иш бошлади.

Комсомол ҳозир ҳаётнинг барча қатламларига дадиллик билан кириб бормоқда. Ҳар қадамда, ҳар жойда ёшлар манфаатлари ҳимоя қилинмоқда, уларнинг хоҳиш истакларини қондириш йўллари ўйланмоқда. Комсомол кооперативлар тузмоқда, бирлашмалар ташкил қилмоқда. Ҳўжалик ҳисобига ўтмоқда. Бир сўз билан айтганда, ўз мавқеини тикламоқда. Ҳозир ҳатто айрим бошланғич комсомол ташкилотла-



рининг ҳам банкда ўз счёти, пули бор.

...Комсомол фарзандлари ҳақида ўйланганимизда, кўз олдимишга даставвал граждандлар уруши қаҳрамони, жасур ўғлон Виталий Банивур келади. У озодлик учун курашда босқинчиларга даҳшат солган мард комсомол эди. Виталийнинг букилмас иродаси, ботирлиги, халқпарварлиги, душманларга нисбатан бешафқатлиги ва чин инсонийлиги ҳамон кўплар учун ибрат бўлиб қолади. Душманлар Банивурни бениҳоя қийноқлар остига охсалар ҳам, унинг қалбидаги туганмас инқилоб алангасини сўндира олмадилар. У ўзига, халқига, инқилобга содиқ комсомол эди. Шунда япон босқинчилари Виталийнинг юрагини сугуриб олдилар ва ўзини паровознинг ўтхонасига солиб куйдирдилар. Шу билан душманларга даҳшат солган комсомоллар қалбидаги алангани сўндирмоқчи бўлдилар. Йўқ. Бу аланга сўнмади. Доҳий В. И. Ленин ёки кетган мангу машъала ўчмади. Миллионлаб қалбларни аланга олдириди.

Бу аланга узоқ Туркистон ўлкасига ҳам етиб келди. Ҳамма инқилоб ҳимоясига отланди. Озодлик, ҳуррият учун кураш жанггоҳларида ёшлар, комсомоллар турдилар. Абдулла Набиев, Абдувоҳид Увайсов, Майна Ҳасанова, Анзура Жўраева, Фотима Сиддиқова сингари ёш инқилобчиларнинг жасорати ҳамон тилларда достон. Улар шу ҳур замон учун, келажак учун, озод Ватан учун жон бердилар.

Улкада босмачиларнинг талончилиги давом этар, оддий халқ бошига оғир кулфатлар ёғиларди. Ҳамма ёқдан ташвишли хабарлар селдай ёғилиб турган кунларнинг бирида ревкомга ёш йигит кириб келди. Унинг сўзлари қатъий ва шиддатли эди: «Мен комсомол аъзосиман. Отрядга нима учун олмайсизлар? Отишни, жанг қилишни, ҳаммасини биламан».

Бу оддий комсомол аъзоси Абдулла Набиев эди. Унга тез-тез топшириқлар бера бошлашди. Уша кунларда маҳаллий бойлар, босмачилар ва диндорлар билан тил бириктиришиб, комсомол активларини, муаллимларни ўлдиршарди. Ревкомга шу яқиндаги мачит босмачиларнинг учрашув жойи бўлиб қолганлиги ҳақида хабар беришди. Ревком бу хабарнинг ҳақиқий эканлигини аниқлаш ҳақида Абдулла Набиевга топшириқ берди. У мачитга усталик билан кириб олди ва душманларнинг

ёвуз ниятларини фош қилиб ташлади. Шундан сўнг у ((ЧОН) махсус топшириқлар учун қисмлар)нинг фаолларидан бири бўлиб қолди.

Кейин уни комсомол ишларига кўтаришди. Улкада комсомол ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш, активларни тайёрлаш, инқилоб душманларига қарши курашишда активлик кўрсатди. Унга энг қийин топшириқларни беришарди. Узбекистон комсомоллари Марказий Комитетининг инструктори сифатида ўлка комсомол ташкилотларига амалий ёрдам бериш учун Сурхондарёга йўл олди. Бу ерларда босмачилар изғиб юришарди. Босмачилар ёш комсомол ходимининг изига тушдилар. Бир кунги Бойсунга кетаётганда, Салом калта бошлиқ босмачилар тўдасига дуч келдилар. Кучлар тенг бўлмаган олишувда Абдулла Набиев мардларча ҳалок бўлди. Узбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев Фарғона комсомолларига хат йўллаб, жасур комсомол етакчисининг фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилди. Унда шундай сўзлар ёзилганди: «Абдий ёдимиздасан, Абдулла! Сенинг қисқа умринг Узбекистон меҳнаткашлари учун намуна бўлиб қолгусидир. Биз сенинг қабринг устида кўз ёши тўкмаймиз, бироқ сен ҳаётингни бахш этган гоёларни амалга ошириш учун ўз сафаримизни яна ҳам жипслаштирамиз».

Комсомол активлари — комсомол юраги, дарди, алами, кучи қўдрати. Уларсиз ёшлар союзини тасаввур қилиш қийин. Даствлаб ташкил топганда комсомол сафида бир неча минг ёш бор эди, холос. Ҳозир улар 300 мингга яқин. Лекин ҳамма гап юракда комсомол алангаси борлигида. Жасурлик. Агар юракда бундай кўр бўлмаса, унда бу сафнинг улканлигидан фойда йўқ. Муҳими, сафимиз ҳақиқий эътиқодчилар ва фидойилар сафи бўлсин. А. Набиев ана шундайлардан бири эди. Мен бу мисолни бекорга келтираётганим йўқ. Гап бу ерда қаҳрамонликда ва шароитда эмас, гап комсомолга бўлган эътиқодда. Эътиқодчилар ҳамма замонларда ҳам қаҳрамонлар саналади. Зотан, бизнинг қайта қуриш давримизда бу хислат янада муҳимроқ аҳамият касб этади.

— Мен йигит ва қизлардан тез-тез хатлар олиб тураман, — деб ёзган эди ўз эсдаликларида 1899 йилдан буён КПСС аъзоси Елена Стасова.

— Улар: «Ҳақиқий ленинчи, революционер, курашчи бўлиш учун нима қилиш керак? Тинч вақтларда қаҳрамонлик, жасорат кўрсатиш мумкинми?» — деб сўрайдилар.

Мен уларга шундай жавоб қиламан: «Менинг ёш дўстларим. Ҳаётимизда жасорат кўрсатиш мумкин бўлган соҳалар кўп. Булар — қўриқ ерлар, янги қурилишлар, жамоат тартибини муҳофаза қилиш дружиналари. Булар — сизларнинг кундалик ишини, Ватан фаровонлигини ошириш йўлидаги меҳнатингиздир. Чинакам ленинчи бўлиш — ҳаммиса шижоат кўрсатиш, олға бориш, ҳар қандай камчиликка муро-сасиз бўлиш, Ленин каби яшаш, ўқиш, Ленин каби курашиб, галабага эришиш демакдир».

Кекса коммунистнинг ҳаёт синовидан ўтган бу сўзлари ҳар бир комсомолга тегишли. Ҳали комсомол қалбидаги аланга сўнмаган, у яна ловуллаб ёниши муқаррар. Ҳамма шунга ишонади.

Қамбарнисо жафоқаш

Қамбарнисо чачвон ортидан байтни ўқир экан уни кузатиб турган шоирнинг вужуди титраб кетди.

Қамбарнисо қоғозга шундай жавоб битди:

«Кокулга қўл узатма, эй Ошиқи балоқаш, Ишқ аҳлига бу кокул гўёки аждаҳодур»:

Қамбарнисо шу байтларни ёзди-ю хатни хонтахта устига қўйиб тезда қозихонадан чиқди. Дуторини омонатга топширган жувон гириллаб унинг олдида келди.

— Ишингиз битдимми? Худога шукур. Қани, юринг, хешларингиз билан бир-бир қўришиб, уларникида меҳмон бўлинг. Қани юринг, тезроқ.

Аёлнинг унга қилаётган меҳрибонлигидан кўнгли юмшаб, Қамбарнисонинг кўзида ёш қалқди. Чачвонини юзига тортиб, тезда жувонга эргашди. Жувон файтуннинг адрас яккандоз солинган орқа ўриндиғига ўтирди. Сўнг Қамбарнисога ёнидан жой кўрсатди. Файтун қозихона олдида бурилиб, кенг тош кўчага ўтаётганда Қамбарнисонинг кўзи файтунга тикилиб турган Сулаймон Ошиққа тушди. Файтун узоқ юрди. Гавжум шаҳар бозори ёнидан ўтишгач, тезда торгина кўчага бурилдилар. Энди аёл паранжи чачвонини йиғиштириб ёнига ташлади. Шунда Қамбарнисо унинг ниҳоятда бўянганини ва безанганини яққол кўрди. Бўйнида шода-шода дуру марваридлар, қўлоғида катта қашқар балдоғ. Билагида қўша-қўша билакузук. Ўсмадан қошлар таранг, сурмадан кўзлар сузук. Икки яноғидаги лоларанг бўёқ ловиллайди. Улама солинган сочлари қамчиндек пишиқ, мумдек қоғ-қора... Қамбарнисо гунгу лол бўлиб борарди.

Мана беш йилдирки, эри Қўқондан олиб келгандан буён остона ҳатлаб кўчага чиқмайди. Овозини, фарёдини, дуторининг ноласини фақат тўрт девор тинглайди. Лекин бу аёл, «Таърифингиз бутун музофотда» деди-ку. Хай, майли, бу аёл ким бўлса ҳам унинг энг оғир дамларида ҳамдард бўлди. Аммо жувоннинг серишва ҳаракатларига, таранг пайваста қошларига, жангур-жангур тақинчоқларига қайта-қайта тикилиб, юрагига ғулғула тушди. Нима қилиб қўйдинг, Қамбарнисо жафоқаш? Кимга эргашдинг? Жувон Қамбарнисонинг кўнглидан кечган хаёлларни уққандек унга тасалли берди:

— Тангрига шукур қилинг. Энди яллангизни баралла айтиб, айшингизни қилиб, дуторингизни чалиб юраберинг. Ашъорларингизни ҳам битаберинг.

Қамбарнисо кўнглидаги айқаш-уйқаш фикрлар билан хаёли банд бўлиб файтун икки табақали дарвоза олдида тўхтаганини ҳам сезмай қолибди.

— Ма, ол, энди даф бўл! — деди жувон файтунчига пул узатиб.

— Яна қачон келай, Зайнаб опа? — дея файтунчи тиржайди.

— Узим айтаман, — Зайнабнинг қошлари чимирилди.

Файтун бурилиб изига қайтди.

Паранжи чачвонини билагида солиб олган Зайнаб дарвозани «гурс-гурс» ура бошлади. Бир оздан сўнг дарвоза очилиб, беқасам мурсак кийган бир қиз кўк саллачасини дол қўйганча эшикни очди.

Қизни кўриб Қамбарнисо ич-ичидан қувонди: «Қизи бор экан, дардқашим бўлар».

Зайнаб Қамбарнисони ҳовли тўридаги катта ёруғ уйга бошлаб кирди. Хонага қипқизил чўдек, ял-ял ёнган катта гилам тўшалган, тоқчаларда хумдек-хумдек хитойи кўрпалар. Аллақандай илону аждаҳоларнинг суратлари тасвирланган катта-катта барқашдек лаганлар. Нафис шафтоли гулли пиёлалар. Тахмон тўла беқасам, шоҳи, адрас кўрпа ва якандозлар. Қатор-қатор шокилалли лўла болишлар. Уй ўртасида пастак нақшин хонтахта устида ноз-неъматлар муҳайё. Тақсимчаларда ғалвирак бодомлар, хандон писталар, ликопчаларда тол-тол, қўмоқ-қўмоқ оппоқ қордек пашмаклар. Кичкина зарҳал пиёлада қаҳрабо тусли асал. Атроф кунгараси тарам-тарам кесма ширмой нонлар, катта-катта рапидадек келадиган патир-нонлар. Зайнаб Қамбарнисони дастурхонга таклиф қилди. Бояги нозик навниҳол қиз фариштадек бир-бир босиб кирди-да, чойнакда чой қўйиб кетди. Зайнаб чой қўйиб Қамбарнисога узатди.

* * *

Шоир Сулаймон мана бир неча бозорким рад-рад расталарни кезади. Ширмойхонаю новвойхоналарда бўлади, қашқарлик машхур пазандаларнинг хўрақхоналарига бош суқади. Упа-элик, сурмаю сулаймон, хинаю ачиққ тош ёйган ёймачилар олдида ўтади. Ғавҳар кўзли балдоқлар, зумрад кўзли узуклар, дур қадалган билакузугу марварид ўрнатилган зебигардон ва тиллақошлар терилган заргарлик дўконларини кезади. Нақшинкор мис барқаш, офтоба ва обдасталарни кўз-кўз қилаётган мисгару чилангарларга синчков кўз ташлайди. Дўппи, қийиқ, жияк бозорига киради. Уни, кўк бахмал паранжилик Зайнаб отлиқ жувонни излайди.

Уша кун қозихонадан талоқ хатини олиб чиққан Қамбарнисони Зайнаб файтунга ўтқазиб, олиб кетаётганини шоир ўз кўзи билан кўрди. У Зайнабни ўтган баҳор бир бойнинг ҳовлисини ўзига хатлатиб олиш учун қозихонага келганда илк бор кўрган эди. Унинг қўлида: «Ҳовлимни Зайнаб Ашурмат қизига туҳфа этдим», деган ўша бойнинг тилхати бор эди. Ушанда Зайнаб кўп шов-шувларга сабаб бўлган ва қозини ҳам илондек авраб, бойни бақрайтириб ҳовлисини хатлатиб, васиқасини чўнтакка урган эди. Бой бу тилхатни кайф устида бир санам эвазига Зайнабга ёзиб берган эди.

Ушанда Сулаймон Ошиқ қози ва муфти аъламлардан Зайнабнинг таърифини

эшитган. Наҳотки Қамбарнисо ўша Зайнабнинг тузоғига ўз ихтиёри билан илинган бўлса, йўқ бундай ноёб байтлар битувчи, чашмадек мусаффо қалб соҳиби Зайнабдек муртадининг этагини тутмас, йўқ, йўқ асло мумкин эмас! Ахир бу оқиланинг икки мисрагина байтининг ўзидан нафосат уфуриб турибди-ку! Эргашбойдан ҳазар қилиб, етти иқлим ганжига тенг бойлигига этак қоқиб, Боғи Эрамдек ҳовли жойидан бош олиб кетган фаришта бундай нопок йўлга кирмас. Наҳотки кеча кун байт тагига «Қамбарнисо жафоқаш» деб қалб муҳрини босган оқилаю фозила Зайнаб аждаҳонинг комидан нўш айламакни ихтиёр этса.

Сулаймон Ошиқ Зайнабни қидира-қидира бир бозор мушки анбар ва ҳар хил зирворлар билан савдо қиладиган хитой дўқондорнинг дўқонига кириб келлаётган кўк бахмал паранжилик аёлга кўзи тушди. «Бу — ўша! Зайнаб!» Сулаймон Ошиқ том оралаб ўтиб, дўқонга кирди. У кирганда кўса дўқондор харидорга харидни тутқазаётган эди. Зайнабнинг юзи очик, чачвони орқага ташланган. Угирилиб шоирга қаради-ю, чимирилди. Чачвонини тезгина тортиб дўқондан чиқа бошлади.

— Зайнаб биби, бироз сабр этсинлар! — деди қўлини кўксига қўйиб шоир.

— Шоир Ошиқ не истайдилар менадан? — чачвонини бироз очиб қия боққанча ноз ила сўради Зайнаб. Унинг ўсмадан таранг қошлари чимирилган, сурма тортилган кўзлари катта-катта, лаблари таҳликадан бўлса керак қаттиқ қимтилган эди.

— Олий хотираларига ҳасанот. Биздек бир ғариб қўлни хотирангиздан улоқтирмаган кўринасиз, — деди шоир қўлини кўксига қўйиб.

— Сизни унутиб бўлурми, — деди Зайнаб карашма билан. Йўқса, баъзи қозизодаларни «кал» дея ғазал битиб ҳажв этгандек биз ғарибу-ғурабони ҳам ҳажвия этмасангиз деб қўрқаман.

Бир оз сукутдан сўнг Зайнаб шоир томон шартта ўгирилди. Унинг чеҳрасини, бўй басти, кўкракларини тўлдириб турган зебу-зийнатлар силкиниб, ожизгина, шикаста садо бердилар.

— Юринг, шоир, холирок жойда суҳбатлашайлик, — деди-да, Зайнаб дўқондан чиқиб, чорбурчак-чорбурчак обиғишлар ётқизилган йўлакдан илдам юриб кетди. Шоир унга эргашди. Улар заргарлик дўқонининг орқа томонига ўтгач, Зайнаб кичкинагина ҳужрачанинг эшигини очди. Ним қоронғи хонага кирдилар.

— Утирсинлар, — деди Зайнаб эски курсини кўрсатиб, ўзи паранжи-чачвонини олиб йиғиштирди-да, нозик-нафис рўмолча билан елпинди.

— Қулоғим сизда.

— Қамбарнисони қаерга яширдингиз? «Қамбарнисо» сўзини эшитиш билан Зайнаб бир қалқиб тушди. Аммо, тезда



Рассом Темур САЪДУЛЛАЕВ.

ўзини йиғштириб олиб, яна қош-кўзларини сузиб сўзлай кетди:

— Бизнинг ишда мажбур этиш, яшириш деган номаъқбул иш бўлмас.

— Бўлмаса сўйланг, қаерда? Сиз уни фойтунга солиб олиб кетаётганингизни камина ўз кўзим билан кўрган эдим.

Бир оз жимликдан сўнг Зайнаб истеҳзо билан сўзлай бошлади:

— Бу булбул сифат шоира шундай боғи эрамдаким, унинг деворларидан ҳатлаш учун тақсиримнинг на шоирлик ила, на хаттотлик ила орттирган ақчалари бакор келмас деб ўйлайман.

— Уша боғи эрамнинг деворларини ҳатлаб ўтишга шоирлигим, хаттотлигим бакор келмаса, отамдан қолган чорбоғ бор!

Чорбоғни эшитиб, Зайнаб бироз юмшадди. Бояги кибор билан сўзлашлар зумда йўқолди.

— Майли, юрингиз, — деди Зайнаб паранжини ёпиниб. — Аммо шунга таъкидлашим лозим. Ул паризод ҳеч кимни яқинига йўлатмайди. Бир ҳужрага кириб олиб, емай, ичмай, дуторини бағрига босганича ётур. Аммо шоир йигит унинг сўзи гавҳарларини сочишга, дил дафтариини ёзишга қодирмикинлар?

Шоир сўзлаётган кимса эр киши бўлганда бир уриб ерга чаллак қилиб ташлаши аниқ эди. «Эй нодон, тушунсангчи. У — оқила, фозила шоира! У — покиза, покизалигича қолиши керак». Шоир дилидан кечган фикрларини баён қилишга ожиз эди. Чунки қаршисига турган бу жувон бундай покиза туйғулардан, бундай мусаффо фикрлардан анча йироқ. Улар фойтунга тушиб узоқ юрдилар. Ниҳоят фойтун ўша қўш табақали дарвоза олдида тўхтади. Эшикни занжисифат бир йигит очди. Зайнаб шоирни ташқари ҳовлидан олиб ўтиб, боғ қўйнига бошлади. Боғ қўй-

ни гулга тўла, сердарахт экан. «Уша-бойдан ундирган боғи шу бўлса керак», де' ўйлади шоир. Зайнаб шоирни ҳашамдор баланд равонли уй олдидан олиб ўтиб, боғ бурчагидаги кўримсизгина ҳужра ёнида тўхтади:

— Ана булбулсифат шоирангиз, — деди Зайнаб ҳужрага имо қилиб, ўзи нари кетаркан.

Шоир ҳужрага тикилиб узоқ ўйга толди. Номаҳрам бир жувонга у нима дейди? Нима ҳаққи бор унинг номини айтишга? Уша куни қозихонада Қамбарнисонинг чачвинини очиб, қиё боққан пайтдаги чеҳраси кўз олдига келди. Моҳтоб юзлар унга кулиб қараб, порлаб тургандек.

Шоир ҳужра эшигига эмас, дарчасига яқинлашиб аста, шивирлаб ғазал бошлади:

Ошиқнинг муддаоси Қамбар пари
нисодир,
Оразлари қизил гул, кокуллари қародир.

Дарчадан Қамбарнисонинг ҳарир пардага ўралган оппоқ маъсум юзи кўринди. Шоир ҳозиргина боғдан ўтаётганда узиб олган бир донагина тилла ранг гулни Қамбарнисога дарчадан узатди. Ошиқнинг гули титраганича қўлида қолди. Ичкаридан шундай байт эшитилди:

Кокулга қўл узатма, эй Ошиқи балоқаш,
Ишқ аҳлига бу кокул гўёки аждаҳодур.

Сулаймон шоир гулни дарчадан ичкарига ташлади-да, сўнг байт ўқиди:

Зулфинг қаролиғидан касб этди лайли
ялдо,
Зулфинг ҳавоси бирлан тандин бу жон
бородур.

Узоқ сукунатдан сўнг дарча қия очилди. Қамбарнисонинг гул тутган бежирим қўли кўринди.

Қуёш шуъласида тилларанг гул нур сочиб товланди.

— Мавлоно, сафро гул баайни айрилиқ сиймосидир.

Қамбарнисо гулни кўзига суртиб, лабига босди-да, Сулаймон Ошиққа узатди ва шундай байт ўқиди:

Кокулларим «Аналҳақ» дорини
риштасидур
Мансур осилса анга қайди аро адодур...

Сулаймон Ошиқ атрофга назар ташлаб ҳужра ёнида томга ўрмалаб ўсган қирқ оғайни қирмиз гулга кўзи тушди. Бир чеҳрагини юлиб, Қамбарнисога узатди ва лабларидан шундай ғазал кўчди:

Сояндин истироҳат олмоқ умид этармен,
Фурқат ўтида, жоно, жоним куйиб
бородур.

— Бону, қирмиз гул бу оразингиз рамзидир. Баайни висол сиймосидир, олинг. Қамбарнисо дарчадан рўйи рост кўринди. Қирмиз гулни олиб, ҳарир парда орқасидан аста шивирлади:

— Ҳа, қирмиз гул, қалбим каби таҳбатаҳ қондур.

Унинг ғунча лабларидан шундай дурижавоҳир байт учди:

Соямдин истироҳат олмоқ умид қилма,
Уммидим истироҳат Ошукга нораводур.

Қамбарнисо қирмиз гулни олиб бўйлади. Шу пайт яқинда, жуда яқинда булбул фиғону нола чекди. Бундан сабо кўзғалди. Турфа чечаклар атри уфурди. Шоира сабога юзини тутди. Сабо кокилларини, ҳалқасини паришон этди. Гулзорини сийпа-лаб, мужгонларидаги марварид доналарини қирмиз гулга индирди. Шоира гулгул вужудининг анбар иси Ошиқ қалбини қалқитди...

Жон бирла мол ҳадя бўлсун сенга нигора,
Хоки раҳинг кўзимга бас бўлса тутиёдир.

Қамбарнисо шаффоф нурдек балқиди ва
шундай жавоб этди:

Мол ила жонни неткум, ҳалсиз эрса
мақсад,
Кечдим алар баридин, бу барча
бебақодур.

Шоир жунбушга келган қалб тугёнини
таскин пардасига ўрамоқ истаб, узоқ жим
қолди. Лекин тугёни ғалаёни дашкар тортиб,
уни аста ичкарига бошлади. Шоирни кў-
риб, Қамбарнисо ҳужра бурчагига чекин-
ди. Шунда шоир тиз чўкиб, унинг пойига
бош қўйди. Унинг лабларидан шундай байт
кўчди:

Ошиққа раҳм қилғил, эй раҳмсиз, жафожў,
Қолма вуболимизга, ишқинг бизга
балодур.

Қамбарнисо гулчеҳрасидан ҳарир пар-
дасини аста кўтарди. Гўё булут орасидан
ой балқди. Гамнок оҳу кўзларини шоирга
тикиб шундай деди:

— Урнингиздан туринг, пойимга бош
урманг. Тақдири азал бизни, бир-биримиз-
га раво кўрмаган экан... — деди ва қирмиз
гулни шоирга қайтариб берди. Сўнг ўги-
рилиб кетар экан, ушбу байтлар лабидан
дурдек тўкилди:

Алломаи замонга андиша зийнат эрмиш;
Беҳуда ҳарза айтмоқ, бил, таври
норасодур.

Очилса ғунча келмиш — сочилмоғи
муқаррар
Ортиқ лаб очмоқ энди, Қамбарнисо,
хатодир.

Шундай деб Қамбарнисо мушоирага
нуқта чекди. Шоир аста боқини кўтарди.
Илтижо тўла кўзлари билан Қамбарнисога
боқди. Шоир англадики, шу топда, шу он-
да, унинг рад этилган ишқи бир ёну, парку
булутдек мусаффо, бокира шоирнинг
қалб тугёни, чашмигирёнларидан сочи-
лаётган дуру жавоҳирлар бир ён эди.

— Наҳот қалбингиз тўрида армонингиз
йўқ, ўлса? — сўради шоир оҳистагина.

— Бор, бор, мавлоно, — деди шоира
шикаста овозда, — бирдан-бир орзум —
армоним, киндек қоним тўкилган она
шаҳри азим Хўқандни кўриб ўлмоқ!

— Улим! Улимдан сўзламанг, ҳали ўн
гулингиздан бир гулингиз очилмаган, Бо-
ну!

— Дардим оғир. Бедаво дардга муф-
таломен. Эргашбой эшигидан сил балосига
гирифтор бўлдим. Ҳоким она юрт турфо-
ғига етурмикин?

Шоир Қамбарнисонинг пойига бош уриб,
унинг дардини юрак малҳами билан даво-
лажага, битган ашъорларни кўзларига
тўтиёдек суртажага ҳақида сўзлади. Қам-
барнисо яна тош ҳайкалчага айландию рад
жавобини айтди.

Шоир Сулаймон Ошиқ «оҳ» дея тин
олди-да, ўрнидан туриб Қамбарнисони
ташқарига бошлади. У гунгу лол эди.
Ёнидан нурдан яралгандек покиза, бир кафт
кумуш нуқрадек шоира.

Шоир на бу эркинлик эвазига Зайнабга
хатлаб берилажак чорбоғи ҳақида, на
кўксидан лов-лов ёнган муҳаббат гулхани
ҳақида, на рад этилган севгиси ҳақида лаб
очди.

Эртасига шоир Сулаймон Ошиқ Карвон-
саройга бориб, ишончли карвон билан
Қамбарнисони Қўқонга кузатди. Карвон
Жалолобод сарҳадларидан узоқлашиб
борар экан, шоир унинг ортидан олам-
олам армон, туганмас ранж-алам билан қа-
раб қолди...

РУС ТИЛИ МУАЛЛИМИ

ЛАВҲА

...Бундан 33 йил муқаддам
чуваш қизи Ольга Помуққа
келганида, бир умр Ўзбекистон-
нинг шу чекка қишлоғида
яшаб қолишни хаёлига ҳам
келтирмаганди. Ушанда 1955
йилнинг ёзи эди. Чувашистон
Давлат педогогика институти-
нинг филология факультети-
ни тугаллаган йигирма на-
фар қиз йўлланма билан Қаш-
қа воҳасига келишди. Икки
дугона — Ольга ва Аннани
ҳозирги Баҳористон райони-
даги Маҳтумқули номидаги
мактабга ишга юборишди.

— Бу ерда иш бошлаган
дастлабки кезлар ҳамон кўз
ўнгимда, — дейди Ольга Ефре-
мовна. — Помуқ қишлоғи
мен туғилиб ўсган Сюрбеево
қишлоғига ўхшар, одамларин-
нинг меҳри қишлоқдошлар-
римникидек иссиқ экан. Шу
боис бу ердаги ҳаёт менинг
турмуш тарзимни у қадар ўз-
гартирмади. Тўғри, дастлаб
маҳаллий тилни билмаганим
туфайли қийналдим. Дарс
конспектларини тўлиқ рус тил-
ида ёзардим. Ҳамкасб-
ларим уларни маҳаллий тилга
ўғиритишга ёрдам беришарди.

Уша йиллари мактабларда
махсус маълумотли муал-
лимлар, айниқса, рус тили
ўқитувчилари етишмасди. Ёш
муаллима ҳар куни беш-олти
соатлаб дарс ўтарди. Бир ку-
ни Ольга дарсдан йиғлаб чиқ-
ди, мактаб илмий бўлим му-
дирини ҳузурига келди:

— Бўлди. Ортиқ чидай ол-
майман. Қишлоғимга кета-
ман.

— Нима бўлди, тушунти-
риброк гапирсангизчи, — де-
ди илмий бўлим мудирини,
тажрибали педагог Сафар
Атаков.

— Ҳамкасбларим билан қулоқ
солишмайоти. Айримлари ка-
лака қиладилар...

Сафар ака ёш ҳамкасбини
тингларкан, кулимсиради. У
дарс давомида Ольга нуқул
русча гапиришини биларди,
бу эса тил билмаган ўқувчи-
ларни зериктириб қўярди,
шуни Ольгага ётиги билан ту-
шунтирди:

— Синглим, иложи бори-
ча маҳаллий тилни ўрганинг.
Билмаганларингизни тортин-
май ҳаммадан сўранг. Ти-
ришқоқлигингиз менга ёқади.
Ҳали сиз ўқувчиларнинг энг
севимли устозига айланиб қо-
ласиз.

Шундан сўнг Ольга тил ўр-
ганишга жиддий киришди.
Она тили ўқитувчиларидан
ўрганди, одамлар билан гап-
лашди. Шу йўл билан ўзбек
ва туркман тилларини ўрганди.
Кўп ўтмай ўқувчилар
билан мулоқот яхшилана
борди. Энди улғур рус тилини
ўрганишга чанқоқ ўқувчилар
Ольгани кўчада, мактабда са-
воллар билан тинч қўйишмас-
ди. Ольга рус тили тўғрисида
раҳбарлик қилди. Унинг аъзо-
лари кун сайин ортди. Ольга
помуқлик йигит Чўян Султо-
нов билан танишди. Улар
ўртасидаги муносабатлар му-
ҳаббатга айлангач, Ольга энди
бутунлай шу қишлоққа
боғлиниб қолаётганини ҳис
қилди.

Умр — оқар дарё. Туркман
йигити Чўян билан чуваш қизи
Ольга ҳаётнинг қувонч ва
ташвишларини бирга тотиб,
тинч-тотув турмуш кечириб,
ҳавас қилса арзийдиган катта
оила яратишди. Беш ўғил,
икки қизни тарбиялаб, вояга
етказишди. Уларни ёшлик-
ларидан меҳнатсевар, кам-
тар, ватанпарвар қилиб тар-
биялашга ҳаракат қилдилар.

Фарзандлар камоли —
ота-она муроди. Тўнғич ўғил-
лари Сергей — олий маълум-
отли инженер. Бобоқул —
шофёр, Уктам педагогика
институтини тамомлаб, онаси
билан бир мактабда ишляпти.
Рустам — савдо ходими,
Али яқинда ҳарбий хизматдан
қайтди. Дилбар ўғил-жойли
бўлган. Клара ўрта мактабни
битириш арафасида. У ҳам
педагог бўлмоқчи.

1982—1983 ўқув йили бо-
шида коллектив Ольга опани
тантанали суратда пенсияга
кузатишди. Лекин қувонч бо-
ларига, қадрдон мактабга,
меҳнатга ўрганиб қолган опа

уйда ўтира олмади, яна мак-
табга қайтди.

— Ольга опанинг тажри-
балари ёш педагоглар учун
сабоқ вазифасини ўтайди.
Ҳозирда бу ерда ишлаётган
ўқитувчиларнинг кўпчилиги
опа таълимини олган; мен
ҳам уларнинг ўқувчиларидан-
ман, — дейди Ниёз Сафаров
фахрли раис.

Дарҳақиқат, Ольга Ефре-
мовна Зимцова — Султонова
кўпчиликка мураббий, ёш
ҳамкасбларининг дилини
оғритмайди, қўлидан келган-
нича ёрдам беради. Рус тили
ни ўқитиш бўйича районда бў-
ладиган семинарларнинг би-
ронтаси Ольга опа иштироки-
сиз ўтмайди.

Меҳнат қилган элда азиз.
О. Султонованинг халқ ма-
орифини юксалтиришга қў-
шаётган ҳиссаси «Шавкатли
меҳнати учун» медали, Ўзбе-
кистон ССР Олий Советининг
«Фахрий ёрлиғи» билан тақ-
дирланган.

Сентябрь кўнғироғи Ольга
Султонова соғиниб қолган
болаларни синфларга чорла-
ди. Синф хонасида ўқитувчи-
нинг майингизга овози тарал-
ади. Ўқувчиларнинг нигоҳи
қилимли, меҳрли муаллимага
бартилган. Улар Ольгага
опанинг ҳар бир сўзини
диққат қилиб тинглашади.
Ўзларига берилган саволлар-
га бурро жавоб қайтариша-
ди.

— Эндиликда Помуқнинг
ўз қизи бўлиб қолдим. Қайси
хонадонга бормай, менга уй-
нинг тўридан жой беришади.
Фарзандларим камолга етиб,
набираларим кўпайди. Ишдан
чарчаб қайтганимда, набираларим
истиқболимга «Момо-
жон»лашиб чопганларида,
бутун чарчоғим ёзилади... —
дейди толедан мамнун бў-
либ Ольга Ефремовна.

Абдунаби АБДИЕВ,
Қашқадарё области.

Хурматли редакция!
Кооперативчилар ойлигимиз 500—600 сўмдан кам тушмаяпти, дейишмоқда. Ахир бу баъзи кишиларнинг бойиб кетишига замин яратмайдими?
Бизга кооперативлар ҳақида тушунтирсангиз?

Уғилжон ҚОДИРОВА,
Хоразм.

Бир жиҳатдан қараганда савол мантиқан тўғридек. Сиз ҳам эртадан кечгача меҳнат қилсангиз-у ойлигингиз ўша-ўша, кооперативчи қўшинингизнинг моддий турмуш тарзи эса кундан-кунга яхшиланиб унинг меҳнатга қизиқиши, ғайрати ҳам ортяпти. Ишдан мамнун, кайфияти ҳам баланд. Демак, кўз олдингизда янги «капиталист» шаклланаётгандек туюляпти. Йўқ, бу нотўғри тушунча. Биз бу ўринда ўзимизнинг чегараланиб қолган имкониятларимиз, ишчанлигимизни юзага чиқариш зарурлигини қўшнимизнинг унумли меҳнатидан одамлар ҳам, давлат ҳам, қолаверса кооперативчининг ўзи ҳам манфаатдорлигини ўйласак тўғри бўлмасмикан?

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, хусусан 1918 йилнинг декабрида доҳиймиз В. И. Ленин «Кооперативлар, капиталистик тузумда яратилган ва биз фойдаланишимиз зарур бўлган, ягона аппаратдир» деган эди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши коллективлаштирилди. Якка деҳқонлар кооперативларга, яъни колхозларга бирлашди. Шунингдек, кооперациянинг яна бошқа турлари: матлубот кооперацияси, турар-жой, гараж қурилиши, боғдорчилик каби кооперативлар ҳам муваффақият билан фаолият кўрсатиб келмоқда.

Хўш, нима учун орадан шунча вақт ўтиб, биз кооперативнинг ҳозирги формаларига мурожаат қилдик?

Кооперативлар аҳоли талаби ўзгаришига нисбатан тез жавоб бера олади: ҳозирги кунда қайси истеъмол буюмига ёки хизматга эҳтиёж кучли бўлса, дарҳол шу буюмни ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади. Бу ўзгаришлар учун кооперативларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқёслари давлат корхонасиникига нисбатан кичик бўлгани учун кўп харажат сарфламайдилар.

Давлат корхоналари ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар баҳосини аҳоли талабига қараб оператив равишда ўзгартира олмаганлари ҳолда кооперативлар бундай имкониятга маълум чегарада эгадилар.

Иккинчидан, ориқча ишчи кучларини, меҳнатга яроқли пенсионерлар, уй бекалари, студентларни (ўқишдан бўш пайтларида) иш билан таъминлашда кооперативлар муҳим роль ўйнайди.

Учинчидан, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида жуда кўплаб моддий ресурслар объектив сабабларга кўра чиқиндига чиқиб кетмоқда. Ишлаб чиқаришнинг кооператив формаси эса моддий ресурслардан тўлароқ фойдаланиш имконини яратади.

Тўртинчидан, кооперативлар даромадларидан олинадиган солиқ маҳаллий бюджетларнинг кирим қисмига баҳоли қудрат



қўшимча булиб, кооперативлар жойлашган регионнинг социал соҳасини: турар-жой ва маданий-маиший объектлар қурилиши ва соғлиқни сақлаш каби соҳаларни ривожлантиришда ҳисса бўлади.

Ана шу юқорида кўрсатилган сабабларга кўра мамлакатимизда кооперативларнинг янги формаларига нисбатан эҳтиёж сезилди.

Кооперативлар ишлаб чиқараётган буюмларнинг баҳосини ва кўрсатаётган хизматининг ҳақини истеъмолчи ва мижозлар билан келишган ҳолда ёки мустақил равишда белгилайдилар. Кооперативлар тўлиқ хўжалик ҳисобидаги ва ўз-ўзини маблағ билан таъминловчи ташкилотдир. Шунинг учун улар белгилайдиган баҳо ҳеч қачон ишлаб чиқарилган буюм ёки кўрсатилган хизматнинг таннари ҳамда олина-

жак фойданинг йиғиндисидан кам бўлмайди. Бу баҳонинг қуйи чегараси бўлиб ҳисобланади.

Баҳонинг юқори чегараси муайян буюмга ёки хизматга бўлган аҳолининг эҳтиёжи билан белгиланади. Яъни кооператив ишлаб чиқараётган буюм ёки кўрсатаётган хизматга талаб қанча катта бўлса уларнинг баҳоси шунча баланд бўлади ва аксинча.

Қатъий баҳо белгилаш эса кооператив ҳаракатининг сўнишига олиб келиши мумкин. Баҳо белгиланиши ҳақида 1988 йилнинг 1 июлидан кучга кирган «СССРда кооперация ҳақидаги қонун»нинг 19-моддасида аниқ айtilган. Мазкур моддада кўзда тутилишича кооператив маҳсулотининг баҳоси марказлашган тартибда фақат қуйидаги ҳолларда белгиланиши мумкин: агар кооператив, тузилган шартнома асосида давлат буюртмасини бажараётган бўлса, агар маҳсулотни давлат томонидан кооператив учун ажратилган давлат ресурсларидан фойдаланиб ишлаб чиқараётган бўлса.

Кўпчилик, кооператив ҳаракати айрим кишилар учун пул тўплаш манбаига айланмаяптими, деган тушунчаларнинг юзага келишига эса айрим кооперативлар маҳсулотларининг ҳаддан зиёд қимматлиги ва вақтли матбуот саҳифаларида кооператорларнинг ҳамда якка тартибда меҳнат қилувчиларнинг юқори даромадлари ҳақидаги хабарлар сабаб бўлмоқда, деб ўйлайман. Яқинда марказий журналлардан бири хусусий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи бир киши ҳақида ёзиб, унинг олти ой мобайнида 400 минг сўмга яқин соф даромад олганини хабар қилади. Мақолада яна шу нарса таъкидланадики, бу шахс трикотаж фабрикасида эскиргани туфайли ҳисобдан чиқарилган станокни қонуний асосда сотиб олган, уни ремонтлаган ва рационализация қилиш асосида тақомиллаштириб станокнинг иш унумдорлигини оширган. Хом ашёни ҳам қонуний асосда харид қилган. Энг асосийси у ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини жуда камёб бўлишига қарамасдан давлат баҳосида истеъмолчиларга сотган ва юқорида кўрсатилган даромадни олишга муваффақ бўлган.

Бу ерда ғайри қонуний ҳеч нарса йўқ. Бундай тажрибаларни давлат корхоналарига ҳам жорий қилиб у ерда ҳам меҳнат унумдорлигини оширишга эришмоғимиз керак.

Айрим кишилар эса бошқа бировларнинг даромади кўпайса дарров айюҳаннос солиб, биз социалистик принциплардан чекинапмиз, — дейишади. Улар бу қўшимча даромаднинг ўша кооператор томонидан кенг фикр юритиш, тежамкорлик, кўпроқ пешона тери тўкиш эвазига келаётганини ё тушунмайдилар ёки тушунишни истамайдилар.

Демак, бундай даромадга, давлат мулкига ўз мулкидай қараб жон-дили билан ҳалол меҳнат қилган одам эга бўлиши табиий. Бугунги қайта қуриш даврининг асл мақсади ҳам шу.

Биз гаплашган тикувчи аёл — М. Йўлдошева эндигина кооперативга аъзо бўлди. У ишни тажриба учун ўсмирлар трусиги тикишдан бошлади.

Ҳар ҳафтада 100 тадан тикяпман, — дей-

ди Мунаввара, — шунга 25 сўм нақд тўлашади. Ойига 100 сўм ишлайман. Бу мен учун жуда қулай. Кун бўйи уйда, болаларим ёнидаман. Уйим ҳам саранжом, кўнглим ҳам. Шуниси қувончлики бизнинг маҳсулотимиз магазинниқидан 8—10 процент арзонлиги учунми пештахтада туриб қолмаяпти.

Аммо, шу ўринда айтиб ўтишимиз керак, ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг камёблиги ва унга бўлган аҳоли эҳтиёжининг катталиги ҳисобига маҳсулотларини асоссиз юқори баҳода сотаётган кооперативлар ҳам йўқ эмас.

Савол туғилади. Кооперативчилар ойлик даромадининг 500 сўмдан ошиб кетишидан фақат кооперативчи манфаатдорми? Йўқ. Чунки даромад қанча ошса кооператив солиқларидан давлат кўрадиган манфаат ҳам ошади.

Амалдаги қонун-қоидаларга асосан кооперативчилар тегишли молия органларига белгиланган муддатларда маълум даврда (ой, квартал, йил) олган даромадларининг миқдори ҳақида декларация тақдим этадилар ва шу асосда улардан даромад солиғи ундирилади.

— Декларация тақдим қилаётганда улар олган даромадларининг миқдорини атайлаб бекитишса ёки камайитиришса-чи?

— Молия органлари улардан даромад миқдори ҳақида декларацияни қабул қилиб олгандан кейин «СССРда кооперация ҳақидаги қонун»нинг 32-модда, 5-бандига асосан кооператорларнинг олган ҳақиқий даромади декларацияда тўғри ёки нотўғри кўрсатилганини ўз ваколатлари доирасида текшириб кўришга ҳақлидирлар.

Умуман айтганда кооператив тармоқларининг кенгайиб бориши кишилар турмуш тарзининг яхшиланиши, иқтисодимизнинг мустақамланиши демакдир. Лекин кооператив ҳаракатлари қишлоқ аҳолиси орасида кенг қулоч ёймаяпти.

Масалан, सबзавот ва мевалардан қиш учун хушхўр ва ширин консервалар тайёрлашни биладиган қўли гул хотин-қизларимиз ўз меҳнатлари билан шаҳарликларни мамнун этишни хоҳламайдими? Усталар, дурадгорлар, ҳунармандлар, тикувчи, тўқувчи каби халқдан етишган касб-кор эгалари, халқ билимдонлари ўз маҳоратларини кенг намойиш қилишлари учун бизнингча уларга шароит яратиш ва тушунтириш зарур.

«Саодат»нинг 8-сонида босилган «Колхозчининг иш кийими» мақоласи бугуннинг айна долзарб муаммоларидан бири экани кўриниб турибди. Кооператив ҳаракатлари бу каби муаммоларни ҳал қилишда ҳозиржавоблик билан иш қила оладилар.

Қишлоқда кооператив ҳаракатларини оммалаштиришда хотин-қизлар кенгашлари, халқ депутатлари район совети ижроия комитетлари, колхоз-совхоз раҳбарлари ташаббускорлик кўрсатишлари зарур бўлади.

Сиз тўқувчисиз, чеварсиз, пазандасиз... Ҳунарингизни ишга солиб, одамларни хурсанд қилишни ўйлайсизу, кимга мурожаат қилишни билмаётгандирсиз? Бу ишда сизга Советлар — халқ депутатлари ижроия комитетларининг кооперативлар билан ишлаш бўлимлари ёрдам беради.

А. ИШНИЕЗОВ,
экономист, Тошкент халқ ҳўжалик
институту аспиранти.



Раҳмат Файзий турмуш ўртоғи Манзура опа билан Баҳри Акрамова ва Шоаҳмад Шомаҳмудовлар ўз тарбиясига олган саккизинчи фарзанд — Федор Кульчиковскийга унинг 45 йиллик айрилиқдан сўнг топишган бувиси Дарья Алексеевна учун ҳозирлаган совғаларини топширмақда.

КЎНГИЛ — КЎНГИЛДАН

Адиб Раҳмат Файзий бир мақоласини «Инсонга таъзим» деб сарлавҳалаган эди. «Башариёт тарихида, — дейди ёзувчи, — ривоятлар, ҳикоятлар, афсоналарда ҳам, халқ донишмандлиги — ҳикматларда ҳам, мана шу удумларнинг бариси замирида, табиат марҳамати, инсон мўъжизаси, унинг шукроналиги замирида буюк бир ҳаётбахш куч борки, ҳаёт булоғи Қуёш ҳам унга тан беради. Бу Инсон меҳри оқибадир.

Асрлар оша яшаб, пишиб, чиниққан, тиниқиб бизгача етиб келган ва давримиз, замонамиз, жамиятимиз, эътиқодимизнинг талаб-эҳтиёжиндан туғилган, яратилган янги расм, удумларининг бариди, унинг мағзи-мағзида кўнги-кўнгиладан сув ичади деган ҳикмат, меҳр товланиши, оқиба ётади.

Инсон меҳри! Зоти башар меҳри! Уҳ-ҳў, не-не алломалар ёзмаган, фикр юритмаган меҳр ҳақида. Меҳрнинг ёши муҳаббат ёшидан катта бўлса бордири, зинҳор кичикмас. Зероки меҳр муҳаббатнинг онаси бўлғусидир. Бинобарин, меҳр қанчалик кекса бўлса, шунчалик ҳамisha навқирон. Ҳамиша товланиб туради».

Раҳмат Файзий ўз инқодини, борлигини ана шу меҳрни кўйлашга бахшида этган ёзувчилардан бири. Бу муқаддас ва боқий мавзунини ўз тажрибаси, таланти мезони билан талқин қилди ва ўзбек совет адабиётига ҳисса бўлиб қўшилувчи «Ҳазрати Инсон» романини яратди. Бу роман, шунингдек ундан аввалроқ Раҳмат Файзий сценарийси асосида майдонга келган «Сен етим эмассан» бадиий фильми ўзбек халқининг олийҳимматлигини мамлакат бўйлаб, ўнлаб хорижий мамлакат халқлари орасида намойиш қилди. Бу асарни рус тилига машҳур совет ёзувчиси Георгий Марков қизи Ольга Маркова билан ҳам-

корликда таржима қилган ва бу ажойиб дўстона фаолияти орқали ўзбек адабиёти шукратининг ёйилишига муносиб ҳиссасини кўшди. Г. Марков романга баҳо бериб, ёзган эдики: «Ҳамма гап шундаки, бу китоб талант, муваффақиятли чиққан, бу китоб — кўп миллатли бутун совет адабиётининг улкан ютуғидир. Раҳмат Файзий ҳаққоний китоб ёзган, у ҳаёт оқимининг ўзидан ҳаётий материални йиғиб олишга мушарраф бўлган ва бу улкан материални қалб кўри ва ҳарорати билан иситган. У бу материални салмоқли мазмун билан, ўзининг ҳақиқий ёзувчилик зўр туйғуси билан бойитган».

Улуғ Ватан урушида фашизм устидан қозонилган тарихий ғалабамизни таъминлаган бош омиллардан бири ҳам кўп миллатли совет халқларининг бир оиланинг фарзандларидек бир ёқадан бош чиқариб жанг қилишлари, бир-бирига бўлган чексиз меҳр-оқибатлари эди. Ўзбек халқи бу даҳшатли йилларда минг-минглаб фарзандларини фронтга — она-Ватан ҳимоясига жўнатибгина қолмади, фронт учун қурол-яроқ, хомашё, озиқ-овқат, кийим-кечак тайёрлабгина қолмади, балки шу билан бирга эвакуация қилинган минг-минглаб одамлар, болаларни ҳам ўз бағрига олдилар. Шоаҳмад ака ва Баҳри опа турли миллатга мансуб ўн тўрт боланинг бошини силади, бундай онлалар ўлкамизда жуда кўп эди. Шунинг учун ҳам «Правда» газетаси 1942 йил 4 февралдаги сонидида «бу муқаддас, олижаноб, ҳақиқий ватанпарварлик иши» деб ёзди. Уша йиллари машҳур рус ёзувчиси К. Чуковский Тошкентда яшаган эди ва халқимизнинг мана шу инсонийлигини кузатар экан, лол бўлди ва ич-ичидан қувонади. «Ўзбекистон ва болалар» деган китобчасида халқимизнинг бу фазилатини ота-оналик туйғусидан

ҳам юқорироқ турувчи туйғудир, деб таърифлади. Бу инсонга буюк меҳр туйғуси, ҳақиқий интернационал туйғу шеърларда, мақолалар, очеркларда куйлана бошланди. Фафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеъри мамлакат бўйлаб қанот қоқди, жангчиларга, фарзандларидан йироқда яшайтган ота-оналарга, уларнинг қариндош-уруғларига, болаларига мададкор бўлди.

Бироқ бу улуғ воқеа йирик, эпик кўламадаги асарда ўз бадиий талқинини кутар эди. Ўзбек носирлари, драматурглари, киночилари бу мавзу олдида, халқ олдида қарздор эдилар. Раҳмат Файзий бу қарзни узишга бел боғлади. У ўша ота-онасидан жудо бўлган болаларнинг Ўзбекистонга келтирилишининг гувоҳи эди, Шоаҳмад ака ва Баҳри опаларниқига доим бориб турди, йирикроқ асар ёзиш ниятида уларнинг, болаларнинг ҳаёти, руҳиятини ўрганиб борди. Устози Фафур Ғуломнинг машҳур шеъри ва амалий маслаҳатлари унга илҳом, далда берди. «Меҳр» деган ҳужжатли қиссасини бошлади, кейин у «Сен етим эмассан» деган киноқиссасига айланди ва ниҳоят «Ҳазрати Инсон» деган романи майдонга келди. Ёзувчи оддий темирчи ва унинг хотинида беркиниб ётган буюк инсонийлик туйғусини ишонарли тарзда кўр-

ҲАЗРАТИ ИНСОН

ИККИНЧИ РОМАНДАН ПАРЧА

Галина янги модани ўзлаштираётган бичкичлар ёнида ҳийла қолиб кетди. Андозаларни синчиклаб кўздан кечириб, кўнгли жойига тушгандан кейингина кабинетига кириб келди. Столи устида янги ҳужжатлар турарди. Ҳойнаҳой директорнинг секретари ташлаб кетгандир. Креслога ўтириб бир чеккадан кўра бошлади-да, бирдан телефон станциясининг телефонда гаплашиш учун таклиф қоғозига кўзи тушди. Кечқурун соат олтида телефонга чақиришибди. Ким чақиргани ёзилмаган, Новосибирск дейилган холос. Бутун фикри-ўйи бояги бичиқда, қўлтиқ ўмровидан кетадиган чизикда бўлган Галина туш кўриб туриб уйғониб кетгандек, кўзларини очиб-юмиб кўрди, қоғозга тикилди. У яшайдиган шаҳардан, демак, ўша, бошқа ким бўларди? У томонларда бошқа бирон таниши ҳам, қариндошлари ҳам йўқ. Юраги дукуллаб уриб кетганича сира босилмади, ҳаяжонланаверди. Дирекциядан келган қоғозлар орасида зудлик билан ижро этилиши зарурлари ҳам бўлиши мумкин, кўриб олақолай деб, уларни ўқий бошлади, барибир миясига ҳеч нима кирмасди. Нима бўлаётганига тушунолмасди. Қилгани — сейфдан дори олиб ичди. Барибир юрагининг дукуллаб уриши жиндек ҳам босилмади. Қани энди шу топда ҳеч ким кирмаса, халақит бермаса-да, яқка ўзи анави диванга ўтириб ўй сурса. Бунинг сира иложи йўқ. Ҳозир кириб келишади. Овқат вақтига ҳали анча бор, ёки дирекцияга чиққан киши бўлиб... йўқ, бу ҳам бўлмайди, кириб қолишади. Ана, олдинма-кейин жанжаллашиб кириб келишди.

— Уртоқ бошлик, — дерди бўйнига ташланган метрни икки қўллаб узиб юборгудай тортиглаб бош мастер, — яна ўз билганича қилган. Артикулни бузган. Устидан рапорт ёзиб беришдан бошқа чорам қолмади.

— Ким бузди ҳой, ким бузибди? Ахир... Галина уларга тикилганча индамай турарди, ранги оқариб кетган эди. Бош мастер ҳам, бичиқчи ҳам гапларини таққа тўхтатишди.

— Сизга нима бўлди Галина Трофимовна? — хижолат бўлиб сўради бош мастер.

— Қайдам. Сал бошим оғриб турибди... Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади, қани...

— Йўқ, йўқ, — деди бош мастер ордан ҳеч гап ўтмагандек бичиқчининг биллагидан ушлаб ташқарига бошларкан, — биз кейинроқ кирамиз, зарари йўқ.

Мана шунақани нозик пайтларингда жонга оро кирадиган одамларнинг садафаси кетсанг арзийди. Бош мастер ҳам ба-

мисоли Ксения хола — кўз қарашингдан ичингдагини билиб олади. Ҳозир майор бўлса, у ҳам бу сезгирликка қойил қолган бўларди. «Ҳой, қойилвой, қани ўйланг энди, тагин одам кириб қолади. Ким бўлди бу? Ким бўларди, ўша... — этлари жириллаб кетди, бўшашгандек бўлди. — Ҳа, ўша... — бирдан лаблари титраб, қизий бошлади, ёниб кетди. Унинг яллиғи юзларига ҳам урилди, қўлларини қўйиб кўрди, қизиб турибди. — Тавба... Илк муҳаббат, илк севгининг кучи шунақа бўладими-а? Ҳарорати шунча йил ўтсаям сақланадими? Муз бўлиб кетган эмасми? Е ёниб, адо-йи тамом бўлиб, куллари совурилиб кетмаганми? Умри шунақа узун, тафти ҳамisha бирдай турадимиз? — Ўзига ўзи ишонмай иккала кафтини юзларига босди. — Куйдираман дейди». Е бетоб бўлиб қолдию, иситма хуруж қилаётпими?... Бундай ҳолат умрида фақат бир марта бўлганди... Ўша илк бор қандай қилиб лаблари унинг лабларига ёпишиб қолганини сезмагани, ўзи эса унинг бағрида тургани, ордан қанча ўтди, билмайди, эсига тушиб, ёпишиб қолган лабларини кўчириб, бағридан сапчиб чиқиб уйга чопиб кетгани... Ҳа, ёдида—шундан кейин маст одамдай диванда чўзилиб ётгани, лаблари титраб, олов бўлиб ёнгани, юзларидан анчагача ялғи чиқиб тургани, қўллари билан ушлаганида худди ҳозиргидай куйдиргани... Ушанинги ўзи, худди ўзгинаси бўлаётди ҳозир. Стол ёнида ўтирган ҳам каттақон цехнинг бошлиғи Галина Трофимовнамас, билим юрти толибаси, муҳаббат тузоғига илиниб, илк бўса оловида ёнаётган Алочка эди. Фақат у шундай деб эркарларди, Галяга бу жуда ҳам ёқарди. Галина лабларидеги титроқ бутун танасига тарқалганини сезди, аммо юзларидаги оловдан қутулолмасди. Бу фикрни хаёлидан улоқтириб ташламоқчи бўлди, эпломлади. Бунга на кучи етди, на иродаси. Эшик очилиб, хаёли бўлинди, ўрнидан сакраб турди, шкаф ёнига борди, ниманидир қидирган бўлиб, ҳийла ойна олдида турди, кейин сал ўзига келгандай бўлиб, жойига ўтирди.

Овқат вақтигача хонадан одамлар аримади, неча марта цехга чиқиб кирди, лекин барибир ўзини бу хаёлдан қутқара олмади. Гапларида ҳам, ҳаракатларида ҳам шу хаёл қомига тортиб, ҳокимлик қилиб турарди. Сўзлаётганида бир неча бор чалғиб кетди, баъзи нарсаларни қайта-қайта сўраб олди, буларнинг барини ўзи ҳам сезиб турарди-ю, ўзини эпломлади, асабга зўр берарди. Аксига олиб овқат ҳозирлаш ҳам бугун чўзилиб кетгани, деб кўнглидан ўтказиб кўярди.

СУВ ИЧАДИ

сатиб беради. Улар фарзанд кўришмаган ва тақдирига тан бериб юрган эдилар. Уруш келтирган катта кулфатни кўргандан кейин «тамом бошқа одамга айланади»лар. Улар қалбининг ич-ичида ётган халққа ва Ватанга бўлган чексиз муҳаббат барча оғирлики матонат билан енгиб ўтишларига олиб келади. [Бир бурда нон топиш амри маҳол эди, ўн тўрт боланинги ўн тўрт хил характери бор эди, миллати турли хил эди...] Асардаги бир қахрамон «Уруш фронтдаям, мамлакат ичкарисидаям одамларни синавдан ўтказаяпти» дейди. Ёзувчи масалага худди шу позициядан ёндашади ва ўз қахрамонларини, инсонини шу мезон билан ўлчайди. Маҳкам ака «Ҳамма миллат боласи бир... Ҳаммаси одам боласи. Одам боласини оқ-қорага ажратманг» дейди. Бу — чин инсонпарварлик туйғусидир. Романининг сиёсий, ижтимоий ва ахлоқий кучини белгилайдиган нуқта худди шу ерда.

Ёзувчи яратган деярли барча асарлар кучли интернационализм руҳи кўнгли-кўнглидан сув ичган халқ — ўзбекларнинг бошқа миллат халқлари билан боғловчи муштаҳкам тала сифатида хизмат қилади.

Раҳмат Файзий ўнлаб публицистик мақолалар, ҳикоя, очерклар китобини нашр қилди. «Чўлга баҳор келди» повестини ёзди, уни романига айлантирди, «Ёр-ёр» киноқиссасини яратди. Буларнинг ҳаммасида ёзувчининг ўз сўзлари билан айтганда, «бундай қараганда хонаки ва жўн кўринган воқеа, ҳодиса орқали эл-юрт дардини, жамият қалбини, инсоният меҳрини акс эттириш»га уринди. Энг қувонарлиси ҳозир табаррук 70 ёшида ҳам эзгу ният билан яшамоқда, изланмоқда.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
филология фанлари доктори

Хайрият кўнғироқ бўлди, кабинет эшигини қулфлайдию, бир нафас ўзига эрк беради. Одамларни кузатиб, эшик тўткичини ушлаган ҳам эди, цехнинг нариги бошидан «ойи»лаб бақириб келаётган қизига кўзи тушди, қайтиб ўрнига ўтирди. Нимадандир жуда хурсанд чопиб келган Зоя нафаси оғзига тикилиб, гап бошламоқчи бўлди-ю, онасининг хомуш авзойига разм солиб тўхтаб қолди.

— Ойи, тинчликми?

Галина тортмасидан телефонда гаплашиш учун таклиф қоғозини олиб узатди.

— Вой, ўшамми? — қувнаб турган қиз бирдан сўлиб, ҳам ачиниб, ҳам бепарво қоғозни стол устига ташлади.

Галина ялт этиб қизига қараганча, тикилиб қолди. Нигоҳида ич-ичидан отилиб чиқаётган нидоми, газабми, меҳрми — нималигини билиб олиш қийин бўлган бир ифода чақнарди. Лекин бир нарса аниқ эди, онаси қаттиқ изтиробда, қалбида нималарнингдир туғғени, кураши. Бунга Зоянинг ақли етди ва кескин жавоб бериб қўйганини фаҳмлаб, шошиб қолди, ними деб юпатишини билмай қолди.

— Ойижон...

— Қизим, ўшамас, даданг бўлади!

— Кечиринг, ойижон.

Зоя шу ёшга кириб, онасининг бунақа вазоҳатда кўрмаган эди, бунақа кескин, тигдек қадаладиган сўзларини ҳам эшитганини эслаб олмайди. Эсини танибдики, онаси бирор марта эрим деганини, номини айтиб тилга олганини ҳам билмайди, доим «ўша» деб гапирарди, Зоя ҳам шунга ўрганиб кетган эдику, нега энди «ўша»деб аташи ёқмай қолди, нега бу сўз уни қаттиқ ранжитди? Яхшиямки, ёшлигига бориб, дилидаги борини тилига чиқармади. «Ҳо, ойивой, қўлга тушдингизми, нега бечора майор амакининг шунча ялинишларига парво ҳам қилмайсиз деб, у кишига жудаям ачиниб юрсам, Сиз дадамни кутаётган экансиз-да. Билдим, билдим... ўшанга жаҳлиз чиқаётипти, билдим, ойивой», деб эркаланиб шўхлик қилишига сал қолувди-я. Унда жудаям қаттиқ ранжитган бўларкан-да. «Ўзингча ҳар нарса деб валдирайверма, — ўзига ўзи дакки бера бошлади Зоя, — тўғрида, кичкина боламисан, туғишган отангни «ўша» дейишинг энди ярамайди. Онаннинг авзойи бўлса — бу ҳам табиий. Шунча йил на хат, на телефон, на телеграмма бериш хаёлига келган эри бирдан телефонда гаплашаман деса ҳаяжонланмайди? Ахир биринчи муҳаббатти, сен касофат деб-ку, бутун умрини ўтказди... Елгон, мен дебмас, ўшанинг муҳаббатти деб, шундай экан, албатта ҳаяжонга тушади, изтироб чекади, турмада ётган ўзингники бир парча хат юбормаса бир ҳафта уйқунг келмайди-ку, тагин? Уял-ей, онанга раҳминг келганими бу?»

— Зоя, бор, овқатингдан кечикма. Қайтишда менга бир шиша кефир олакел, мен чиқолмайман, ишим кўп.

Зоя гап қайтаришининг, юпатишга уринишининг фойдаси йўқлигини билиб, хўп деб чиқиб кетди.

Галина қанча ўйлабмасин, ҳар томонлама торозига солиб кўрмасин, ҳаммаси бир нуқтага бориб тақалаверди. Ташлаб кетганига ўн олти йил бўлган бўлса, икки марта ўйлаб, шунча йил яшаган бўлса ҳам унинг, Галинанинг муҳаббатидек муҳаббат тополмаган. Энди ўкинчга тушиб, узр сўрайди, қайтиб келишга ижозат сўрайди. Галина ўзига савол берарди «Хўш, сен нима дейсан? Бордию келаман деса...» Бирон марта бу тўғрида ўйлаб кўрмаган Галина ҳозир ўз қалбига қулоқ солса, ўша муҳаббат оловнинг учқунлари у ер бу ердан милтиллаб кўрина бошлагандай, кўриниш-



Раҳмат Файзий ўз қаҳрамонлари — Баҳри ая ва унинг фарзандлари даврасида.

Р. ШАГАЕВ фотолари. [ЎзТАГ]

гинамас, пуфласа ўт оладигандай. Ўзича кўнглим шунчалик муз бўлиб кетганки, иситиб олишининг сира иложи йўқ деб биларди. Унчалик эмас экан. Рост-да, ахир ўртада фарзанд бор. Кўнгли қоладиган гап ўтмаган... Мана ҳозир якка қолиб ўйлагани сари, ҳалиги учқунлар ёрқинроқ кўриниб, қалбида талпиниш сеза бошлади. Ҳаётда нималар бўлмайди, балки аввалига кўнгли-хушликка берилиб, кейинчалик азобда қолгандир, буни тушунадиган меҳрибон топилмагандир... Яхшиям Аширметовга розилик бериб қўймагани. Ўзи кўнгли бир нима сезгандай бўларди-я. «Кел энди, ёмон одаммас, шунча вақтдан буён, ҳа-я уч йил бўляпти, икки боласи билан шўппайиб ўтпаяти, хўп деб қўяқолай, қизимга қилганларинику отасиям қилолмасди, у бўлмаганда умри қамоқда ўтарди, шундай одамга тегмай кимга тегаман» деб хўп деб юборишга неча марта отланди, бўёқда Ксения хола худонинг зорини қилди, нима ваздандир юраги дов бермай келарди. Бундан чиқди биринчи муҳаббатнинг кучи ғойибдан уни ушлаб турган экан-да.

Бир шиша қатик, икки кесим ноининг устига япроқланган пишлоқ қўйиб Зоя кириб келди. Овқат вақти бўлишига қарамай Галинанинг кўнгли ҳеч нима тусамасди-ю, томоғи қақраб, чанқаб турарди, қаттиқ жуда яхши бўлди, муздаккина экан, бир стаканни тўлатиб ичиб, танаси яйради. Зоя онасининг авзойига разм солиб турди-да, «Менга ишингиз йўқми?» деб сўраш фикридан қайтди, шуям оғир ботадиган, бир ўртоғида зарур иши борлигини айтиб, цехига чиқиб кетди.

Ҳадемай кўнғироқ чалиниб, жимиб қолган катта зал — бичиқчилик цехи олаговур бўлди-қолди, Галинанинг кабинетидан-ку ҳамма вақтдагидек одам аримасди.

Галина соатга умрида бунчалик кўп қарганини эслолмайди. Қўлидагига ҳам, девордагига ҳам, ташқарига чиққанида цехнинг ўртасидаги соатга ҳам дамба-дам қараб қўяр, аммо булар ҳаммаси имиллаётгандек эди. Ҳамма вақт шунақа юрадими ё

бугун шундай бўляптими? Назарида минутлар соат бўлиб, соатлар кунга айланиб кетаётганга ўхшарди. «Ўзингни бос, мунча ҳовлиқмасанг. Ҳовлиқмаётганим йўқ, нима қилай ўзимни ўзим босолмасам...» Кабинетга кирди дегунча сал холи қолиб, ўзига ўзи дакки беради.

Одатда уйга эран-қаран йўл оладиган Галина бугун иш тугаши билан кабинетни бекитди-да, жадал уйига жўнади. Йўл-йўлакай Ксения холаи ўйлаб борди, айтсинми ё ҳозирча... Айтишга қарор қилди, балки маслаҳат чиқиб қолар. Еки ўзининг кечинмаларини сездирмай, ундан нима гап чиқишини билиб олса-чи? Шу фикр ўзига жуда маъқул тушди, агар юрагидагини топиб айтса, унда... Унда нима бўларди, бўладигани бўлади-да... Ўзидан ўзи кулиб қўйди.

Уйига хомуш, ҳеч нарса бўлмагандай кириб борди, даҳлиз хонадаёқ қолага дуч келди. Шу ерининг ўзида ҳаммасини айтиб қўя қолди. Ксения хола худди ўзи ўйлагандек «Болам, худонинг бандаси янглишмай иложи йўқ. Кўз очиб кўрганнинг, бўёқда фарзандларинг бор... Қаттиқ гапирма. Ўзига солма, фойдаси йўқ...»деди.

Галина ҳеч гап айтмай хонасига кириб кетди. Ечинди. Бошқа кийимларини кийди. Ўзига оро бериб, ойнага қараб турди-да, бирдан кулиб юборди. «Жинни бўлиб қолдингми ҳой эси паст, нима қилаяпсан, сен у билан ҳозир учрашармидингки, ясениб борасан? Қизингга ҳам, Ксения холага ҳам кулги бўласан-а, овсар...» Дарров ечиб ташлаб, коржомасини кийиб олди. Соатга қаради, вақт ўтпаяти. Зояни йўлдан олиб кетаман деб турганида коридордан унинг ўзи овоз берди.

— Зоя, борасанми? — сўради кириб келган қизидан.

— Қаёққа?

— Гаплашишга.

— Ойижон, нима дейман? Шу гапингиздаёқ титраб кетдим.

— Ахир отанг бўлади, овозингни эшитса...

— Ойижон кечиринг, гаплашолмайман. Барибир йиғлаб юбораман. Узингиз айтурсиз.

— Майли, мен кетдим.

Галина коридордан чиқиши билан Зоя кетидан чопди.

— Ойи, дорингизни ола кетинг, — дея тутмача дорини идиши билан қўлига берди.

Йўлқадан бораркан уни қандай қилиб гаплашиш ташвиши босарди. Нима дейди? Гапира олармикин? Қизи тўғрисида эшитганмикин? Ҳеч бир игга чизиб ололмасди фикрларини. Тўғри-да. Ун олти йиллик ҳаёт азоби, жудолик, оёқ ости қилинган муҳаббат, унутилган фарзанд, фарзанд бўлгандаям қанақаси бўлди ахир. Уху, ўн бешга тўлмага она бўлди, қамалиб кетишига сал қолди, яхшиям майор, отасининг ҳарбий қисми... булар бўлмаганда ҳоли нима кечарди. Яхшиям ишхонаси, дўстлари, коллектив бор экан. Болалик бўлиб, ўқишни ташлаб қўйган қизини ҳам бағрига олган, одам қаторига қўшган шу коллектив-ку, мана бинойидек тикувчилик қилаяпти. Шунча гапни телефонда айтиб бўлармиди. «Буларнинг кераги йўқ, — дерди ўзига ўзи, — Ксения хола айтди-ку: Эскини ковлама, деб...»

Шаҳарлараро телефонда гаплашиш залида одамлар кўп, олағовур эди. Галина қўлидаги қоғозини диспетчерга бериб, залнинг нариги бошидаги холироқ стулга бориб ўтирди. Утириши билан юраги дучиллаб ура бошлади. Доридан оғзига солатуриб, қизи кўз олдига келди, «Ҳа, уям шу ташвишда» кўнглидан ўтказиб қўйди.

Ҳар шаҳарни эълон қилганда бир орзиқиб тушади, яна ўзини босиб хаёлга толларди. Ишхонадаги соатнинг имиллаши бу ердагининг олдида ип ечолмай қолди. Назариде эрталабдан буён шу ерда ўтиргандек.

— Новосибирск, иккинчи хона, Новосибирск, иккинчи хонага кириш.

Галина бурчакдаги хонага кириб трубкани қўлига олдию, дағ-дағ титрай бошлади. Лоақал саломига алик олсачи. Қаёқда, бўғилди кўзларидан дув ёш оқди. Нималар деяпти ҳеч нарсани тушуниб ололмасди. Ҳамма гапларини, ўша таниш овозни яхши

эшитиб турибди-ю, фақат нималигини англолмайди. Бу орада телефонистка қиз ўртага тушиб, «Абонент нега жавоб бермайсиз» деб бақирарди. Галина бўғилиб, «Ҳа, ҳа» дейишдан нарига ўтолмасди, бу ёқда кўз ёши тинмай оқиб, халақит берар, чўнтагини қидириб дастрўмолчасини тополмасди. Шу алпозда эшитиб туриб, гапини охириги марта такрорлаганда нималигини тушунди: «Зоянинг туғилгани ҳақидаги гувоҳномадан нусха олиб юборгин. Бухгалтерияда туғилган йили чатоқ ёзилиб қолган экан. Бўлмаса тагин бир йил нафақа тўлашимга тўғри келади». Қайта-қайта такрорлаган бор-йўқ гапи шу экан. Галина бир оғиз ҳам сўз айтмай оҳиста трубкани жойига қўйди, кабинадан чиқди-ю, беҳол деворни ушлаб бориб стулга ўтирди, ҳушидан кетди. Кўзини очганда бегона одамлар қўлтиғидан тутиб, машинага ўтказиш-ётганини кўрди. Шу ҳолатдаям бир пас ўзини босиб олмоқчи бўлди. Кела келгунча Зояни ўйлаб келди. Унга нима дейди? Сени сўради, ҳеч нарса эшитмаган экан деганга ўхшаган гап қилса-чи? Буни эшитиб, бирдан қизи дедасига хат ёзмоқчи бўлса-чи? Адресини олиб ёзиб юборса нима бўлади? Уйлаб-ўйлаб ҳеч бир баҳона тополмади. Боласини кўтариб кўчага чиқиб, ҳаяжонланиб кутиб турган қизига ҳолатини сездирмасликка уриниб, совуққина «Салом айтди, вояга етганинг билан табриклади» деди-да, неварасининг талпинишига ҳам қарамай эшик томон юрди. Кундузи даданг бўлади, деб ўқдирган онаси ҳозир «даданг» сўзини тилга олмаганиданоқ Зоя аҳволни фаҳмлади, ҳеч нарса демай боласини алаҳситиб хиёбон томонга юрди.

Галина Ксения холага бўлган воқеани ўксиниб-ўксиниб айтиб турганида кўнгироқ бўлди, чиқиб, почтальон келтирган телеграммани ўқиб туриб хўнграб юборди: Маҳкам ака, меҳрибон отаси оламдан ўтибди. Орадан сал ўтмай майор Аширметов кириб келди. Шапқасини қўлида ушлаганича диванда йиғлаб ўтирган Галина ёнига борди, тиз чўкиб, таъзия билдирди. Дафн маросимига Галина билан бирга борадиган бўлиб чиқиб кетди.




«Ҳазрати инсон» турли тилларда нашр этилган.

Навоий область «Зарафшон» колхозининг сут-товар фермаси соғувчиси Гулмира Мирзаева Навбаҳор районида илғорликда ном қозонган. У 22 соғин сигирни меҳр билан парваришламоқда. «Меҳнат — ҳаётимнинг безаги», — дейди Гулмира ўз ишидан мамнун бўлиб. Дарҳақиқат, инсон меҳнат қилсагина унинг яшаш тарзи мазмунли, умри файзли кечади.

Суратда: ферма комсомол комитети секретарининг ўринбосари, илғор сут соғувчи Гулмира Мирзаева.

Э. РАҲИМОВ фотоси, УзТАГ.



Конституция — қонуи демақдир. Ўз-ўзига мустақил бўлган барча мамлакатларнинг ўз конституцияси бўлиб, унда давлатни бошқаришнинг энг муҳим, асосий қонунлари белгиланади.

Бизнинг мамлакатимизда Конституция куни халқ байрамига айланган. Чунки ер юзидаги энг одил, халқ фаровонлиги, тараққиёти ва манфаатини ҳимоя этувчи китоб — Совет Конституциясидир.

Мамлакатимизда 70 йил ичида уч марта Конституция қабул қилинди. Юртимизнинг ижтимоий тузум даражаси, равнақи билан боғлиқ равишда ишлаб чиқилган бу Конституцияларда граждaнларнинг ҳақ-ҳуқуқларига алоҳида ўрин берилган.


Биз учун мактабларда, олий ўқув юртларида ўқиш; ўзимиз ёқтирган касбда ишлаш; дам олиш; уйли-жойли бўлиш; беморлик ва қариллик даврида нафақа олиш; сайлаш ва сайланиш; ўз фикр, таклиф ва тaнқидларимизни ошкор баён этиш одатий кундалик ҳаётимизга айланган. Бундан ўзгача яшашни тасаввур ҳам эта олмаймиз. Мана бу суратларда акс этган ҳаётий лавҳалар бизни ажаблантирмайди. Булар — совет граждaнлари ҳаёт тарзи намуналари.

Конституцияси ҳукмрон синфлар манфаатини ифодалайдиган синфий жамиятларда меҳнатнашлар энг оддий, ҳаёт учун зарурий бўлган ишлаш ҳуқуқига ҳам ҳамisha эга бўлавермаслиги, шу боисдан очлик ва қашшоқликда яшашларини ўйласак, ўз тақдиримизнинг қимматини теярроқ англаймиз.

«Биз Конституцияда кўрсатилган ҳамма ҳуқуқлардан фойдалана олмаймиз», деб эътироз билдиргувчилар ҳам кўп. Ҳа, бугун камчиликларни тан олишдан қўрқмаймиз. Уларнинг келиб чиқишига Конституциямиз қонунларини очик-ошкор менсимай, бузиб яшаганлар, меҳнаткаш халқ ҳуқуқини поймол этганлар сабаб бўлди.

Инқилобий ўзгаришларга тенг бўлган қайта қуриш даврида ҳам барчамизнинг қўлимизда энг ишончли, қудратли кучимиз — Совет Конституцияси! Унда равшан баён этилган ҳуқуқларимизни бирор шахс менсимаслигига, энг одил қонунларимиз бузилишига йўл қўймайлик. Ҳар биримиз ўз ўрнимизда Конституция берган имтиёзлардан тўла баҳраманд бўлайлик, шуни талаб қилайлик.

Ўзлигини англамоқ, адолатли қонунлар билан асосланган ҳақиқатлар тантанасига эришмоқ — бугуннинг, қайта қуришнинг барчамизга тааллуқли бош вазифасидир.



ҲАҚИҚАТ ТАНТАНА ҚИЛСИН





Совхоз директори Ҳамидаҳон Тўхтасинова пахта териш машиналари бўйича инженер Маъмуржон Оринтаев ва механизатор Кимсанбой Отахонов билан суҳбатда.

БУ ЖОЙЛАРДА ҲАЁТ МУҚАРРАР

Бу хўжалик республикамиздаги барча деҳқончилик ихтисосидаги хўжаликлардан деярли фарқ қилмайди. Кўплаб хўжаликлар сингари асосий ишлаб чиқариш тармоғи пахтачилик. 4150 гектар экин майдонининг 3920 гектарига чигит экилади. Республикамиздаги барча хўжаликлар сингари талай муаммолари бор.

1978 йилда Сирдарё областининг Янгиер районидан ташкил топган бу совхоз ўтган йилдан бошлаб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги нишонланиши муносабати билан «Октябрь 70 йиллиги» деб атала бошлади.

Совхозда ўтган ўн йил ичида талай ижобий ўзгаришлар юз берди. Меҳнаткашларнинг яшаш, меҳнат қилиш шароити яхшиланди. Хўжалик нафақат экин майдони жиҳатидан, балки меҳнаткашлар, қишлоқлар сони ошиши билан кенгайиб борди. Совхозда асосан ўзбек, рус, қирғиз, қозоқ, қрим татарлари бир оила кишиларидек меҳнат қилишмоқда. Ҳатто хўжаликдаги бир асаричилик звеноси аъзолари немислар.

Совхоз ҳали янги. Янги бўлганда ҳам қайсидир хўжаликлар базасида эмас, чўлда ташкил топган. Демак бу ерларда муаммолар нисбатан кўп. Муаммоларни ҳал этиш жараёнлари нисбатан қийин кечади. Айниқса, қурилиш ишлари бу хўжаликда бир зум ҳам тўхтаб қолмаслиги керак.

Қишлоқ хўжалиги ишлари кейинги йилларда асосан пудрат усулига ўтказилди. Айниқса, оилавий звенолар ташкил этиш ва уларнинг пудрат асосида ишлашига эришиш меҳнат самарасида ҳам, ишчиларнинг меҳнатдан манфаатдорлигининг ошувидан ҳам ижобий натижалар бермоқда. Ҳозир 8 бригада ва 72 звено ўз ишини ана шу пудрат усулида олиб бормоқда.

Звеноларнинг 14 таси оилавий звенолар. Меҳнатнинг бундай ташкил этилиши совхоз ишчиларининг меҳнатга бўлган онгли муносабатини юзага келтирди. Деҳқончилик ишларига кишиларни зўр бериб жалб қилиш, уларни яхши ишлашга даъват этиш каби заруриятлар қолмади. Энди одамлар ўз ишларига чуқурроқ масъулият ҳисси билан қарайдилар. Яхши меҳнат қилмас — ўз даромадига путур етишини билишади. Шу усулга таянган ҳолда совхоз меҳнаткашлари йғим-терим даврида шаҳарликларни ҳам безовта қилмасликка аҳд қилишди. Ҳар йили хўжалик бўйича 30—35 «зангори кема» кучидан унумли фойдаланишга тўғри келади.

— Ҳама ишлар жойида десак хато бўлади, — дейди совхоз директори Ҳамидаҳон Тўхтасинова, — ютуқларимиз бор — деб-ку хижил бўлмай ёруғ юз билан айта оламиз. Халқ, иягини меҳнат кўтарган халқимиз беминнат мардлик билан ўз юкларини кўтариб боришяпти. Аммо бу — совхозда ҳал этилмаган масалалар қолмабди, — деган гап эмас. Шу жонини жабборга бериб ишлайдиган, пайсаллаш, ўзини сояга олиш нималигини билмайдиган ростгўй меҳнаткашларимизга яратилган шароитларимиздан кўнглим тўлмайди. Зудлик билан ҳал қилишимиз керак бўлган муаммолар ҳали кўп. Ҳалигача хўжалик янглиги муносабати билан пайдо бўлган қийинчиликларни бартараф этолганимиз йўқ. Ер унумдорлиги паст, сув келтириш қимматга тушяпти. Шунингдек, уй-жой масаласи ҳам ҳал бўлмаган. Кадрлар етишмайди.

Директор қисқа қилиб айтган муаммолар ростдан ҳам хўжаликка ўз салбий таъсирини ўтказаятганлиги сезилади. Айнан ана шулар туфайли совхоз қарздорликдан бутунлай қутулиб ололгани йўқ.

Хўжаликда ернинг ҳосилдорлигини ошириш учун алмашлаб экишни йўлга қўйиш керак. Республикамизда юз берган монокультурачилик хўжаликда ҳам юз берган, яъни асосий майдонга ҳар йили пахта экилиб келинган. Ҳозир пахта майдонларига бошқа экинлар экиш йўлга қўйилмоқда. Лекин бунинг учун 5—6 йил керак. Экин майдонларига сув чиқариш асосан насослар орқали амалга оширилмоқда. Насослар ҳам фақат ёқилғи билан ишлайди. Бу ҳам хўжаликка қимматга тушяпти.

Маълумки, совхоз коллективи республикамизнинг турли жойларидан чўл ўзлаштириш иштиёқида келган меҳнаткашлардан ташкил топган. Ҳали кўплар алоҳида уй-жой учун навбатда турибди. Шунингдек, бу ерда ишлаш истагини билдирганларни ҳам айнан шу боис қабул қилиб олиш мумкин бўлмапти. Шунингдек, яна кўплаб маданий машойи ишоотлар қурилиши айна куннинг талаби. Ҳа, «Голодностепстрой» трести бунёдкорларининг ҳиммати хўжалик истиқболида шу сабабдан ҳам катта аҳамият касб этади. Худди шу муаммо боис ҳалигача кўпгина ишчиларнинг хўжаликнинг ҳақиқий аъзоси бўлиб қолишига ишонч йўқ. Ёзда далачилик ишларида мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. Қишда эса уларнинг 500—600 нафари қолади, холос.

— Чўлга келган дастлабки йилларимизда, — дейди директор, — вазият янада мураккаб эди. Ҳозир эса бошқача. Демак йил сайин бу ерларда фақат ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Яқин йилларда ҳозир мавжуд бўлган муаммолар ечилмасдан қолмайди. Энг муҳими хўжалигимиз меҳнаткашлари бундай ўзгаришлар бўлишини ва бу кўп жиҳатдан ўз меҳнатларига боғлиқлигини ҳис қилиб, меҳнат қилишмоқда.

Ҳамидаҳон Тўхтасинованиннг чўл ўзлаштириш учун Фарғонадан Сирдарёга келганига унча кўп бўлгани йўқ. У Фарғона область партия комитети йўлланмаси билан келган, одамлар билан ишлашда оз бўлса-да, тажрибаси бор эди. Шунинг учун уни Сирдарё область партия комитетида 3-совхоз партия ташкилоти секретарлиги вазифасини бажаришига ишонч билдиришди. Орадан бир йил ўтгач, 1986 йилда ўзи бошқараётган хўжалик раҳбарлигига муносиб деб топишди. У хўжаликда янги. Лекин Ҳамидаҳон бу гап билан хўжалик муаммоларини ҳал қилишни кечиктиришга сира йўл қўйгиси йўқ. Ким билади, янгилик, ишга иштиёқ, муҳаббат билан киришиш ҳам руҳий куч берадими одамга... Муаммолар ҳал бўлиши, жумладан меҳнат кўрсаткичлари, меҳнаткашларнинг меҳнатдан манфаатдорлиги оша бориши, хўжалик илғорлар сафига чиқиши керак. У ҳар бир кунини шундай муаммолар ечимига бағишлайди.

...Меҳнат ҳаёт маромини белгилайди. Тонг билан ҳар ким ўз меҳнат объектига, ўз корхонасига йўл олади. Деҳқон корхонаси эса бесарҳад — чексиз экинзор. Унинг иш режими ҳам чекланмаган, вақту соатсиз, бошқаларникидан фарқлироқ. Лекин, ўзини пахтакор аташ — вақту соатсиз меҳнат тарзига кўникишгина эмас. Бугунги пахтакор ҳам яхши меҳнат шароити асосида турмуш кечирishi кераклигини давр ўзи талаб қилапти.

Ҳар тонг янги меҳнат кунини бошланаркан, янги ниятлар ҳам кўз очади, ҳар тонг уни даласидаги ўзгаришлардан бир қувонтиради. Улар чўлда нафақат ҳосил етиштирмоқдалар, улар шу ерларда ҳаёт муқаррарлигини ҳам юзага келтирмоқдалар.



Шундай уйлардан яна қанчаси керак...



Қишлоқ шифокорига кабинетда ўтир-
вериш тўғри келмайди. Врач Толиб Исма-
туллаев ва медицина ҳамшираси Мўтабар
Давронова дала шийпонида гўдаклар соғ-
лигини кўздан кечиришмоқда.



«Дала юлдузлари» демай қўя қолинг
бизни. Биз — пахтакорлармиз. Бизнинг
қимлигимизни аслида шу сўз яхшироқ
ифода этади».



Тунда
сизга...


Сув оқими — аслида ҳаёт оқими.



а таралган сув гўзанинг тани-жонига
и.



Болалар қувончи — оналар учун ҳордиқ.



ЁШЛИК, БАРКАМОЛЛИК, ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

Халқимиз уйига ташриф буюрган меҳмон иззатини кўз устига кўяди. Яқинда гўзал Тошкентимизда бўлиб ўтган Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон ёшларининг биринчи Санъат фестивали давраларида ҳам мана шу эзгу туйғу ҳукмрон бўлди. Фестиваль давомида гурунглар шеърга, шеърлар мусиқага айланиб бутун Ўзбекистон бўйлаб қанот ёйди.

Бугун шу анжуман иштирокчиларидан айримларининг ижодларидан намуналар билан танишасиз.

Фотима АБДОЛОВА.
Қирғизистон ССР

Ёз киради тушимга

Қачонлар бир ўтиб кетган
Ёз кирар-ей тушимга
Бегона йўл, синиқ кўприк
Дарддош-ей нолишимга...

Мен адашган йўл ўртаси,
ёнбошимда бешигим.
Уйда ушлаб кезар шамол,
Очиқ қолган эшигим...

Эшигимнинг тирқишидан,
Кун кўринар-балқиган.
Муздай уйга қандай тушин —
Ўтаверар ёнидан.

Кунботарда деразамдан
Денгиз имлаб чақирар.
Уйни кўмиб ўтар тўлқин,
Тўлқин мандан ёзғирар.

Қачонлар бир ўтиб кетган
Ёз кирар-ей тушимга
Бегона йўл, синиқ кўприк
Дарддош-ей нолишимга...

Баҳром ҒОЙИБ таржимаси.

Баҳоргул КАРИМОВА.
Туркманистон ССР

Мен оқардим сочларни

Ёр бошингни эгмасман,
Эгсамда ўз бошимни.
Юмуш бўлса айтабер,
Чимирмасман қошимни,

Менинг бош дўстим.

Нечун эрта кумуш соч
Кўпайибди бошингда?
Ё менмикин гуноҳкор,
Айтгин, сенинг қошингда,

Фикрдош дўстим.

Ёр, бошингни эгдингни,
Эга кўрма, ҳеч эгма.
Тикла дарров қаддингни,
Қарилликка йўл берма,

Юракдош дўстим.

Узоқ йўлни ўтдик биз,
Яна йўллар босармиз.
Ўғил бор, қаримасмиз,
Қиз бор, гуллаймиз ҳаргиз!

Естикдош дўстим.

Йўлдош ЭШБЕК таржимаси.

Турсуной УРОЗБОЕВА.
Қозоғистон ССР

Қиз бола

Сенга қараб яйрамаган ким?
Олов, соҳир кўзларинг чиндан.
Ўз ортидан бошлаб кетар жим,
Юлдузлардек қоронғу тунда.

Қадамингда баҳорий бир файз,
Кулгуларинг — ирмоқ бамисли.
Ҳаттоки бахт-шодлик булоғи —
Табассумингнинг бир нафаси.

Њзокатга юрагинг очик,
Шуъла сен, деб оқади кўкдан.
Йигитларнинг давлати — тожи,
Бир боқсанг гар бор бўлар йўқдан.

Чорлаб турсин кўзларинг пинҳон,
Сеҳргар, шўх бир салом билан,
Чулғанмасин лекин ҳеч қачон
Бевақт қиров ва шабнам билан.

Муртазо ҚАРШИБОВ таржимаси.

Зебо МИРЗАЕВА.
Ўзбекистон ССР

Т у ш

Оққуш кўз ёшига ювдим юзимни,
Қарғага тилимни бердим, сийладим.
Кетдим, дарёларга солдим изимни,
Балиқлар тилида бийрон сўйладим.
Сусамбил шаҳрининг султони эдинг,
Парилар зотидан эдим, ўйнардим.
Бир тун учиб борган эдим, қошингга,
«Севаман!» деб айтдинг, куйдинг,
қўймадинг...

Беҳишт боғи эди, учиб юрардик,
Қайғудан, қадардан дил форуғ эди.
Сен эдинг, мен эдим, бир юрак эдик,
Осмон ёруғ эди, тун ёруғ эди...

Исминг нима эди, сўрамадим мен,
Исмим нима эди, унутган эдим.
Ё сен тушган эдинг арши аълодан,
Ёки бу дунёдан мен ўтган эдим!..
Қайси аср эди, қайси тун эди,
Ёлғон эди дейман, йўқ, тонолмайман;
Минг йил кўзи очиқ ухладим, аммо
Ҳамон ўша тушдан уйғонолмайман!..

ФАРЗОНА.
Тожикистон ССР.

Бағишлов

Кипригим қатида бўлдинг намоён,
Кўз очиб кўрганим, синиққинамсан.
Ҳаёт қучоғи бу — бағримга шоён,
Ҳаёт бағридаги тирикқинамсан.

Қароғинг каломи толмагай тўзим,
Зеро у ёритгай қалбим қаърини.
Ёруғ кўзларингнинг тонгида кўрдим,
Бепоён орзум чўққиларини.

Эзгулик йўлига инондим фақат,
Боиси, эзгулик осмони — сенсан.
Сард кўзга тиладим оташ, ҳарорат,
Боиси ҳарорат ошени — сенсан.

Мени ошно этдинг ашъор хайлига,
Асраб қолар дединг балолардан ҳам.
Ҳаётим дастхати, юрак дардидай,
Сенинг кўзларингда порлар, волидам.

Едим билан асраб, ўраб ўтарман,
Бевада навода бокира бунёд.
Сенинг каломингни сўраб ўтарман,
Эй, даҳо хилқатим, эй гўдак дунё.

Тожиқчадан Одил ИКРОМ таржимаси.



Тақдир эшиги

Драматург Шароф Бошбековнинг саҳна асарлари республикамиз ва қардош республикалар театрларида муваффақият билан қўйилмоқда. Автор ўзининг «Тақдир эшиги» деб номланган асарини жиддий комедия деб атаган. Зотан асардаги биз-сизга кулгили туюлган воқеа-ҳодиса, гап-сўзларда ҳам қисматимизнинг аччиқ ҳақиқати бор.

...Икки қўшни ўз уйларида машғул. Музикачи эркак бас-труба чалиб, қўшниси архитектор аёлнинг ишига халақит беради. Аёл қўшннинг деворини уради. Эркак қўшни трубагини кўтариб кириб келади. Орадаги кулгили, аччиқ-аччиқ гап-сўзлардан маълум бўлишича, уларнинг ҳар иккиси ёлғиз яшайди. Эркак чиқиб кетмоқчи бўлганда кўрадики, эшик очилмас бўлиб бекилиб қолган. Қуйида ана шу воқеадан кейин улар ўртасида бўлиб ўтган диалогдан ларча ўқийсиз.

АЕЛ: Шунақа ўтираверамизми?
ЭРКАК: Утирдингиз келмаса туринг, у ёқдан-бу ёққа юринг. Мен, масалан, у ёқдан-бу ёққа юрсам яхши фикр қиламан.
АЕЛ: Маслаҳатингизни пишириб енг!
ЭРКАК: Хўп.
АЕЛ: [Асабийлашиб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлайди]. Слесарь чақирши керак. [Телефонда номер тера бошлайди].

ЭРКАК: Ана, айтмадимми, юрсангиз яхши фикр қиласиз, деб! Қаранг, иккови-мизнинг ҳам одатимиз бир хил экан. Биласизми, баъзан шунақа бўладик...

АЕЛ: Бирпас сайрамай туринг!
ЭРКАК: [бир оз кутиб]. У ёқдан нима деб сайрашяпти... э, нима маслаҳат беришяпти? Эшикни бузинглар, дейишмаяптими?

АЕЛ: Ҳа, шу етмай турувди, ярим кечаси тақир-туқир қилиб, қўшниларни уйғотиб!

ЭРКАК: Соат ўндан ўтяпти. Ҳозир ЖЭКнинг ертўласидаги каламушлар ҳам ухляяпти.

АЕЛ: [ҳеч ким жавоб бермади шекилли, хўрсиниб трубакани қўяди, бирдан кўзи бас-трубага тушиб, тўтоқиб кетади]. Илтимос, анавинингизни кўринмайдиганроқ жойга қўйинг, кўрсам асабим кўзияпти!
ЭРКАК: [трубани бошқа жойга олиб қўйиб]. Битта яхши невропатолог оғайним бор, бир ўзингизни кўрсатмайсизми?

АЕЛ: Менинг ҳам бир психиатр дугонам бор!

ЭРКАК: Яхши дугона эмас экан, даволамай, ўз ҳолингизга ташлаб қўйибди...

АЕЛ: [ўзига-ўзи гапиргандай]. Ут ўчирувчиларни чақирсаммикан?

ЭРКАК: Кўрдингизми, ўтириб ўйлаганда яхши фикр келмайди. Хўш, улар келиб нима каромат кўрсатишади? Кимни... э, нимани ўчиришади? Ошхонада қайнаб турган човгумнимми?

АЕЛ: Нарвонини балконга қўяди, сиз тушиб кетасиз.

ЭРКАК: Илтимос, у ёқдан-бу ёққа юриб ўйланг, фикрларингиз борган сари суюқлашиб кетяпти!

АЕЛ: Нима қилай, сиздан қуюқроқ фикр чиқмаса! Ишқилиб бу ердан даф бўлсангиз бўлди-да!

ЭРКАК: Биринчидан, ўт ўчирувчиларни бесабаб чақирганингиз учун жарима тўлайсиз...

АЕЛ: Бор бисотимни сотиб тўлашга розиман, фақат сиз чиқиб кетсангиз бўлди!

ЭРКАК: Иккинчидан, балконингиздан бегона эркакнинг тушиб кетаётганини кўрган қўшниларингиз сиз ҳақингизда нима деб ўйлашади? Тагин ярим кечаси. Тумонат одам тўпланади. Прожекторлар ёқилган, тақир-туқир нарвонлар кўтарилган, сирена овози, бақир-чақир! Қарабсизки, эртаси куни «Маҳаллада дув-дув гап»: «Ҳай, Ҳуринисо, эшитдингизми, ўргилай, кеча ярим кечаси анави архитектор аёлнинг уйига битта эркак кириб қопти. Нима қилишганини билолмадим-у, лекигин ўт ўчирувчилар келиб ўша эркакни архитектор аёлнинг балконидан сўғириб олишди». Кейин Ҳуринисо хола келган жойидан оладилар: «Ва-ай, одамни билиб бўлмас экан-да, Мастон. Кўринишидан ҳечам унақа деб ўйламайсан, бирам сипо, бирам одобли. Ичгинасидан пишган экан-да жувон ўлгур!»

АЕЛ: Бас келинг!

ЭРКАК: Мен-ку, бас қиламан-а, лекин Ҳуринисо, Мастон деган холаларимиз бас қилмайди-да.

АЕЛ: Узингиз ҳам ўшалардан қолишмас экансиз! Ҳозирги гапларингизни қаранг! Бунақа нарсалар менинг хаёлимга ҳам келгани йўқ. Минғир-минғир, шивир-шивир масаласида эркаклар ҳам хотинлардан қолишмайдиган бўп қопти!

ЭРКАК: Воқеага реал қараш керак. Мен гапираманми, гапирмайманми — шу нарса бўлади.

АЕЛ: Э, бўлса, бўлиб ўлмайдимми!
ЭРКАК: [чизма столига ишора қилиб]. Илтимос, сиз ҳам манавинингизни кўринмайдиганроқ жойга қўйинг, кўрсам менинг ҳам асабим кўзияпти!

АЕЛ: Ие, нега бошқа жойга қўяр эканман! Бу менинг уйим, қаерни хоҳласам ўша ерда туради, тушунарлими?! Э, тавба-ей.

ЭРКАК: Гап йўғида — гап-да.
АЕЛ: Гап йўқми, алжирамасдан жим ўтиринг!

ЭРКАК: Шу, бир нарсани ўйлаб-ўйлаб, ҳе-еч ўйимга етолмаяпманда. Бир цистерна захар шу кичкинагина жуссангизга қандай жо бўлди экан-а?

АЕЛ: Ажаб бўпти.
ЭРКАК: Келинг, яхшиси, бирон нарса ҳақида гаплашиб ўтирайлик.
АЕЛ: [пичинг билан]. Ҳа, шунақа қилмайлик!

ЭРКАК: Олимларнинг айтишига қараганда, шовқиндан кўра жимлик кишининг асабига зарар етказар экан. Шунинг учун гаплашиб ўтирайлик, деяпман-да.

АЕЛ: Сиз билан ниманиям гаплашардик.

ЭРКАК: Э, гапираман десангиз, гап кўп. Истасангиз, сиёсатдан гаплашамиз, истасангиз экология ҳақида. Мана, масалан, Орол денгизининг суви қуриб турибди...

АЕЛ: Ҳозир менинг шўрим қуриб турибди!

ЭРКАК: Эрталабгача жим ўтириб бўлмайди-ку, ахир! «Пақ» этиб ёрилиб кетсам, нима бўлади?

АЕЛ: Унда уйингизда нима қиласиз, ёлғиз яшайсиз-ку?

ЭРКАК: Ўзим билан ўзим гаплашиб ўтираман. Нимага десангиз, ақлли одам билан гаплашсанг маза қиласан киши.

АЕЛ: Яхши, ўзингиз билан гаплашиб ўтираверинг. Мен билан гаплашиб барака топмайсиз.

ЭРКАК: Йўқ, ҳеч ким бўлмаганида ўзим билан гаплашаман-да. Ҳозир сиз борсиз-ку.

АЕЛ: Унда мен сизларга халақит бермай, чиқиб тураман. [Балконга чиқиб кетади].

ЭРКАК: Ие... Қўйсангиз-чи, ёш болага ўхшаманг. [Балконнинг эшигини тортиб кўради, нариги томондан бекилган бўлса керак, очилмайди]. (Э, очсангиз-чи, шамоллаб қоласиз! Ихтиёрингиз. Совуқ есангиз ўзингиз кириб келасиз, Шимолий қутбдан келган экспедиция аъзосига ўхшаб. [Бирпас хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юради.] Рўмолингиз билан пальтонгизни олиб берайми? А? [Бирдан.] Менга қаранг, бу эшигингиз ҳам анави эшикка ўхшаб очилмай қолса-я? Кейин сизни ўша суяниб турган деворингиздан пичоқ билан қирқиб оламанми?

АЕЛ: Нега очилмас экан...
Аёл эшикни очиб кўрмоқчи бўлади. Эшик хиёл очилиши билан эркак унинг қўлидан тортиб олади.

ЭРКАК: Хўш келибсиз Она-Ватанга!
АЕЛ: [совуқдан қалтираб]. Намунча қўполсиз!.. Қўлим чиқиб кетай деди...

ЭРКАК: Кирмасангиз нима қилай? Одам ҳам шунақа ўжар бўладими? Елкангизга бирон нарса ташлаб олинг. Ҳозир... [Шифоньерни титқилай бошлайди.]

АЕЛ: Э-эй, нима қиласиз?!
[Эркак шоша-пиша шифоньерни бекитади.]

Уйлаш керак мундоқ!..
ЭРКАК: [ноқулай вазиятдан чиқиш учун]. Манави гулнинг номи нима?
АЕЛ: Қайси?

ЭРКАК: Манави-чи, алоэга ўхшайди. Ие, мунча юмшоқ...

АЕЛ: И-и, тегманг, тегманг, бузиб қўясиз! Пластиндан ясаганман.

ЭРКАК: Ҳа-а... Унда кўзмунчоқ илиб қўйсангиз бўларкан — ёмон кўздан асрайди.

АЕЛ: Ҳа, ёмон кўздан ҳам!

ЭРКАК: Шунақа денг... Яхши. Хў-ўш... Теладаги қаватда ким туради? Ҳа, бу охириги қават-а... Хўш, деганингиздан билсак, телевизорда нима бўлаётган экан. [Телевизорни қўймоқчи бўлади.]

АЕЛ: Ишламайди. Анави кунги шамолда антеннаси узилиб кетган.

ЭРКАК: Бизнинг телевизоримиз ҳам шунақа. Антеннасининг ўрнига михми, қайчими тикиб қўявераман — кўрсатаверади. Ҳатто, бармоғимни тиксам ҳам кўрсатади.

АЕЛ: Бунга бошингизни тиксангиз ҳам кўрсатмайди.

ЭРКАК: Э-э, таг-туги билан, денг? Лекин, эрингиз жудаям дангаса одам экан. Тузатиб қўймайдими бунақа нарсаларни.

АЕЛ: Тузатиб қўймайди, нима дейсиз?

ЭРКАК: Нима, қўлига чипқон чиққанми?

АЕЛ: [Бир оздан кейин]. У йўқ.

ЭРКАК: Кечирасиз, билмабман...

АЕЛ: Таъзия билдирмай қўя қолинг, у ўлгани йўқ.

ЭРКАК: Ажралишганмисизлар?

АЕЛ: Бунинг сизга қизиғи йўқ.

ЭРКАК: [столни чертиб]. Қизиғи йўқ, қизиғи йўқ, қизиғи йўқ... Битта шаҳарда, битта бинода яшаймиз. Манави деворнинг нарёғида мен, бу ёғида сиз, кўчиб келганимга икки йил бўлди. Бир-биримиз ҳақимизда ҳеч нима билмаймиз. Баъзан зинапояда учрашиб қоламиз. Саломлашсак саломлашамиз, бўлмаса уям йўқ.

Улар бирпас жим қоладилар.

Биласизми, бизнинг қишлоғимиз шундоқ Зарафшоннинг қирғоғида. Онам, укаларим бор. У ерда бунақа эмас. Кимнинг уйида шодлик бўлсаям, қайғу бўлсаям ҳамма билади, бутун қишлоқ кўчиб келади. Бу ерда-чи, олти ой уйингиздан чиқмасангиз ҳам «нега бу кўринмай қолди?» деб биров хабар олмайди. Мана, сиз қизиғи йўқ, дейсиз. Сизга қизиғи йўқ, менга қизиғи йўқ, унга қизиғи йўқ — ҳеч кимга қизиқмас. Аслида қизиқ бўлиши керак-ку! Ҳаммага! Ҳамма нарса! «Дўстим» деган сўзини борган сари камроқ ишлатаймиз. Чунки, дўстларимиздан танишларимиз кўпроқ... Бунақа майда-чуйда нарсаларга вақтимиз йўқ. Уни қилиш керак, буни қилиш керак, унга улгуриш керак, бу ёғи қолиб кетди, у ёқни сув олиб кетди, бу ёқни ўт олиб кетди! Мундоқ қарабсанки, сен билан ёнмаён қадам ташлаб келаётган одам йўқ! Қаёққа кетибди? Улибди... Кейин пешонамизни тириштириб ўйлаймиз: қанақа одам эди у, юзи қанақа эди, нимани яхши кўрарди-ю нимани ёқтирмасди? Эсда йўқ!.. Ана шунақа яшаймиз... [Бир оздан сўнг.] Ҳамма қаёққадир шошади. Нега шошасан, қаёққа шошасан, десанг, давр шунақа дейди. Давр қанақа экан? Ён-веримиздагиларни топтаб кетаверадиганми? Қизиқ, ҳамкасбимизнинг бугун қанақа кийиниб келганига эътибор қиламиз. Бунга вақт бор! Туфлиси қанақа, қўйлаги қанақа — буни диққат билан ўрганамиз. Нега ишга кўзлари қизариб келди — ана буни билмаймиз. «Қизиғи йўқ!» Баъзида, ўшанақа шошиб юрадиган одамнинг шундоқ ёқасидан олиб, ҳў, инсон, нега довқлқасан, тўхта, атрофинга бир қара, нега кечаси билан қўшинингнинг бешиқдаги чақалоғи ухламай йиғлаб чиқади, нега анави эшикдаги кампир кўчага чиқиб, эрталабдан кечгача почтачини кутиб ўтиради, нега юзига



Рассом Раҳима ҚУНҒИРОВА.

сепкил тошган сап-сарик болани боғчадан ота-онаси эмас, «боғча опаси» олиб келади, нега пастки қаватдаги бешинчи синф ўқувчисидан тамаки ҳиди келади, қара, кўзингни каттароқ оч... дегим келади. Шунақа...

АЕЛ: Нега энди бу гапларни менга гапирасиз?

ЭРКАК: Кимга гапирай? Стулгами? Бошқа одам бўлмаганидан кейин... Бўлмаса, менга бирор эрмак топиб беринг, бунақада зерикиб ўлади-ку одам.

АЕЛ: Бу ер луна-парк эмас.

ЭРКАК: У-бу нарса тўқимасизми?

АЕЛ: Йўқ.

ЭРКАК: Мен тўқийман, гап шу ерда қолсин. [Эгнидаги свитерга ишора қилиб.] Манавиниям ўзим тўқиганман. Ишонмаяпсизми? Тўқийдиган нарсаларингизни беринг, ҳозир кўрсатаман.

АЕЛ: Мен чиндан ҳам тўқийман.

ЭРКАК: Бекор қиласиз. Асабларни шунақа тинчлантирадими, қўяверасиз. Уйда тўқийман. Бир-икки марта ишхонагаям олиб борувдим... Одамлар қизиқ, кулишад-ей.

Аёл ҳам кулимсираб қўяди, эркак пайқамайди.

Уйда ҳеч бекор ўтиролмайман, нимадир қилмасам бўлмайди-да.

АЕЛ: Бекор ўтирмаслигингизни биламан, ҳар куни эшитилади... [Айёрона]. Хўш, унда хамир-памир ҳам қилиб кетаверсангиз керак! Ун-пун олиб чиқайми?

ЭРКАК: [оғир олиб]. Мабодо, эчки-печкингиз йўқми, соғиб бераддим!

АЕЛ: Тўртинчи қаватга ҳар хил айиқ-пайиқларни олиб чиқишга сиз устасиз!

ЭРКАК: Айиқмас, фил!

АЕЛ: Нима фарқи бор. [Акса уради.] Ап-чшу!..

ЭРКАК: Соғ бўлинг.

АЕЛ: Раҳмат.

ЭРКАК: Суратларингиз солинган альбомингиз қаерда?

АЕЛ: Суратга тушишни ёқтирмайман.

ЭРКАК: Э, нимани ёқтирасиз ўзи?

АЕЛ: Ёлғиз қолишни!

ЭРКАК: Жон деб ёлғиз қолдирардим-у, иложи йўқ-да! Эшигингиз ҳам ўзингизга ўхшаб...

АЕЛ: Нима, ўзингизга ўхшаб?

ЭРКАК: Ужар-да!

АЕЛ: Ужармас, бир сўзли. Очилса очилади, очилмаса очилмайди!

ЭРКАК: Баттар бўлсин. [Бир оздан кейин.] Менинг қорним очди.

АЕЛ: Табриклайман!

ЭРКАК: Раҳмат. Ошхона қаёқда?

АЕЛ: [қалам билан столни чертиб]. Узингизнинг уйингизда эмассиз! Унутган бўлсангиз, ёдингизга солиб қўйишим мумкин.

ЭРКАК: Менинг-ку, эсимда-я, лекин қоринда эс борми, қўшиникида эканлигини билмайди, шўрлик. Хўш, шундай қилиб, ошхона қаёқда? Бу ёқда. Гуд бай! [Кета бошлайди.]

АЕЛ: Қаёққа?.. У ёқ ванна...

ЭРКАК: И, маъзур тутадилар... [Қайтиб, бошқа томондаги эшикка йўналади. Ошхонанинг эшигини тортади — очилмайди. Яна тортади. Қаттиқроқ силтаган эди, эшикнинг дастаси суғирилиб чиқади.] Ие... Қизиқ бўлди-ку...

АЕЛ: Ҳар қалай, эркак киши — эркак киши-да! Шунга фаросатингиз етмади-ми, эшик нарёққа очилади!

ЭРКАК: [эшикни секингина итарган эди — очилади, эшик дастасини ўйнаб].
Ҳозир тузатаман...

АЕЛ: Ҳозирда яшаётганимиз йўқ, одамлар ухлашаяпти.

ЭРКАК: Ҳа-я... [Ғуноқдорларча келиб ўтиради.]

АЕЛ: Овқатланмадингиз?

ЭРКАК: Тўйдим.

АЕЛ: Ош бўлсин.

СУКУТ

ЭРКАК: [тўсатдан]. Сиз менга бақирманг, билдингизми! Бунинг суғирилиб чиққанига ким айбдор? Менми ё сизми? Ким қурган бу уйлари? Сиз! Еки сизга ўхшаган архитекторлар! Кўчада, ҳалиги... думалоқ папканларни қўлтиқлаб, кеккайиб юрасизлар — бурнингларга хода етмайди! [Дастанни кўрсатиб.] Қилган ишинлар шуми? Уйнинг аҳволини қаранглари! Уйми шуям, уйми? Одамнинг кулгиси келади! Йўқ, йиғлагиси келади! Деворни қаранглари — пиёзнинг пўсти! Қўшникида пиёла синса эшитилади! Ваннада иложи борича шاپиллатмасдан чўмиламиз — эшитилади! Эр-хотин мундоқ бир ёзилиб, бемалол... уришолмайди — эшитилади!

АЕЛ: [акса уради]. Ап-чшу!..

ЭРКАК: Секин, эшитилади! [Ен томондаги деворни тақиллатади.] Қўшни, хў, қўшни!

АЕЛ: У хонадан овоз берадиган труба эгаси билан шу ерда!..

ЭРКАК: Ҳа-я, бу ўзининг уйим-а... [Полни телиб, пастдаги қўшнига мурожаат қилади.] Хў-ў, қўшни!

АЕЛ: Нима қиляпсиз!.. Жиннилик қилманг, қанақа одамсиз ўзи!

ЭРКАК: [парво қилмай]. Мени эшитяпсизми, қўшни? Яхши тушлар кўриб ётинг. Ухламаяпсизми? Овқатланяпсизми? Илтимос, овқатингизни чапиллатмасдан енг, бизга халақит беряпсиз! Шунақа бўлсин! Мени қандай эшитяпсиз, приём! [Аёлга.] Эшитилади! Архитектор! «Бизнинг ишимиз муҳим!» «Сизнинг «ғат-ғутингиз» иккинчи даражали нарса!» Ишингизнинг нимаси муҳим? Одамларга ҳузур бағишламайдиган, асабини бузадиган қанақа муҳим иш экан ўзи у? Бунақамас-да! Одам деган сал камтароқ бўлиши керак. Уф... [Креслога ўтириб қолади.]

АЕЛ: Бўлдими? Ўзингизни босиб олдингизми?

ЭРКАК: [дарс тайёрламай келган ўқувчига ўхшаб]. Нима, нотўғрими гапим?

АЕЛ: Йўқ, нега энди. Тўғри. Лекин, сиз иложи борича камроқ ҳаракат қилинг. Маслаҳат-да. Мана, деворни тақиллатдингиз, қўлингизни паҳса қилдингиз, у ёқдан-бу ёққа юрдингиз, шунга чарчаб қолдингиз. Нима, қонингиз камми?

ЭРКАК: [тутоқиб]. Яна бир оғиз гапирсангиз...

АЕЛ: Ҳа, нима қиласиз?

ЭРКАК: Трубамни чалвораман! Ўзи машқ қиладиган вақтим бўлди.

АЕЛ: Йўғ-э! Қўрқитиб юбордингиз-ку!

ЭРКАК: Яқинда бизникига ноғорачи дўстим кўчиб келади. Икки киши яхши-да, зерикмайди одам. Ана ундан кейин кўрасиз! Иккаламиз шунақа машқ қилайликки, деворларингизнинг сувоғи кўчиб кетсин! Шунақа бир-икки марта деворингизнинг сувоғи кўчса, кейин ўзингиз ҳам кўчиб кетасиз!

АЕЛ: Нима деб алжираяпсиз ўзингиздан-ўзингиз? Ҳали-ку, ноғорачи дўстингиз экан, артиллериячи дўстингизни кўчириб келсангиз ҳам ниятингизга етолмайсиз, билдингизми! Ап-чшу!..

ЭРКАК: Соғ бўлинг.

АЕЛ: Раҳмат. Сиз айтган ҳалиги чиройли

гапларни бошқалардан ҳам кўп эшитганман. «Меҳр-оқибат», «одамлар бир-бирига доим яхшилик қилиши керак», «эзгуликка эзгулик билан жавоб беришади!» Э, худойим! Чўнтақдан тушиб қолган гаплар. Йўқ, умуман, тўғри, шундай бўлиши керак. Лекин, қани улар? Ранги қанақа? Ёғочдан ясалганми, пластмассаданми? «Ўзаро ишонч», «Одамгарчилик», «меҳр-муҳаббат» — биз болагимиздан бу нарсаларни бор деб ишониб келамиз. Бизни шундай тарбиялашган. Боғчада шундай тарбиялашади, мактабда шундай. Китоб ўқисанг шу гап, кинода шу ҳаёт, театрда эзгуликка ишонадиган одамларни кўрсатишади. Кўчага чиқсанг, ҳаёт бутунлай бошқа. Кейин довдираймиз, қайси кўчадан юришни билмай, адашиб қоламиз. Шунақа адашиб-адашиб яшайверамиз... Менга қолса, мактабларда тарих, тригонометрия, жамият-шунослик билан бирга тубанлик, хиёнат, олчоқлик деган дарсларни ҳам киритардим. Шундай дарсликлар чиқартирдим. Токи ёлгонларнинг олдида довдираб қолмайдиган бўлайлик, хиёнат йиғлатолмасин! Рўпара келиб қолганда биз уларни танийлик, кўзларига дадил, тик қарайдиган бўлайлик! Оғизда ҳаммаси тўғри чиқади: икки қарра икки — тўрт. Амалда бўлса, етти ярим чиқади! Гап ҳаммаси, гап... Чиройли, қулоқни эркалайдиган, ёқимли гап...
ЭРКАК: Лекин, бизнинг қишлоқда одамлар унақа эмас.

АЕЛ: [аламли жилмайиб]. Худбинликнинг ватани бўлмайди, миллати ҳам бўлмайди, территорияларга бўлинмайди. Сиз анчадан бери қишлоғингизга бормаган кўринасиз. Одамлар ҳамма жойда бир хил. Кўчага чиқиб, бир одамларга қаранг-а. Ҳамма кўмондон, жанг қиладиган одам йўқ. Сал бўлсаям, нимада бўлсаям бир-бирдан устун бўлишга ҳаракат қилишади. Ҳатто, биз яхши одам деб ўйлаганларимиз ҳам. Ҳали сиз «эркак киши — эркак кишида» дедингиз. Кўрдингизми, келганингизга қанча вақт бўлди, шундай нимададир устун бўлишга ҳаракат қиляпсиз!

ЭРКАК: Ҳечам-да...

АЕЛ: Йўқ, буни одам ўзи сезмайди. Худбинлик радиацияга ўхшаган гап — билинмайди, оғритмайди. Тавба... «Ҳар қалай, эркак киши — эркак киши-да!»

ЭРКАК: Бўпти энди, бир гапириб қўйбиз, вой-бў!

АЕЛ: Хўп, сизнингча нега, нима учун эркак киши ҳамма нарсада ҳақ бўлиши керак? Нима, ҳеч нарсада адашмайдиган, ҳамма нарсани биладиган авлиёми у? Йўқ, мен бир нарсани ҳеч тушунолмайман, мана, сиз эркак киши-сиз-а? Мендан қайси жиҳатдан устунсиз? Нима фарқингиз бор? Кўпроқ овқат ейсиз, каттароқ кийим киясиз — фарқи шу! Ахир, менинг ақлим етмаётган нарсага сизнинг ҳам ақлингиз етмаяпти-ку — эшикни очолмаяпмиз! Мен телевизорни тузатолмайман, сиз ҳам тузатолмайсиз! Хўш, нима, нима, нима? Бу кватирадан бошқасига кўчаётганда шифоньери биз эмас, эркалар кўтаришади — шуми? Куч ҳўкиздаям бор! Э-э, ҳаммаси бир гўр!..

ЭРКАК: Кечирасиз, эрингиз сизни бунчалик ҳўрлаганини билмаган эканман...

АЕЛ: Йўқ, уни қўйиб туринг. Мен эрим билан чиқиб олганимни айтаётганим йўқ, мен одамлар билан чиқиб олмаяман! Узоқдан қарасанг туппа-тузук кўринади, яқинроқ борсанг — ичи бўм-бўш, ичак-човоқдан бошқа ҳеч нима йўқ! Яна ишонсанг, умид қилсанг, хўп, худо юрак бермагандир, ҳеч қурса калласида бирон нима бордир, деб ўйлайсан... Қарайсанки, у, ер ҳам эгаси кўчиб кетган ҳовлидай бўлиб ётибди!



Қашқадарё областининг Чирокчи район уйга иш олиб ишлаш фабрикаси ишчилари тикаётган кийимлар қулай, арзон, сифатлилиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Суратда: Район совети депутати, устоз тикувчи Зухра Омонова (чапдан) ёш ишчи Насиба Эркаеванинг ишини кузатапти.

Ш. ШАРОПОВ фотоси.
ЎзТАГ

ЭРКАК: Ие, унақада одамзоднинг ҳаммаси чиқитга чиқиб кетади-ку.

АЕЛ: Хўп, узоққа бориб ўтирмайлик. Мана, сизнинг каллангизда нима бор?

ЭРКАК: Нима бор... Мия бор.

АЕЛ: «Мия бор!» Мия маймундай бор! Ҳм, қаранг! Мен деворни тақиллатдим, сиз ўпкангизни қўлтиқлаб югуриб келдингиз. Биласиз, бу ерда битта аёл яшайди. Ёлғиз!

ЭРКАК: Туҳмат.

АЕЛ: Мана, ҳозир мен сизникида қамалиб қолганимда нима қилардингиз?

ЭРКАК: Нима қилардим... Битта аёл учун нима керак бўлса, тўғриллардим. Шароит яратиб берардим.

АЕЛ: Нега? Мана, мен сизга ҳеч нарса тўғрилаб берганим йўқ-ку. Шароит ҳам йўқ. А? Ҳатто, ўтиришгаям тақлиф қилмадим... ўзингиз ўтириб олдингиз, катта холангизнинг уйидай. Хўш, нима учун?

ЭРКАК: Кимдир ёрдамга муҳтож бўлгани учун, кимнингдир қорни оч, бир кеча тунагани бошпанаси йўқлиги учун. Мен кўнгилчан одамман...

Азиз журналхон, нечоғли мушоҳада қилсанг-да, бардошу юрагинг кўтара олмайдиган ҳақиқатни айтишга мажбурман. Зеро, неча ўн йиллар давомида қалбимиз йиғлаб туриб юзимиз «кулди». Бағримиз ҳувиллаб, музлаб қақшаса-да, оташин нутқлар сўзлайвердик... Касални яширавердик, яширавердик, ҳатто сўтмаси ошкор бўлгандаям, оқибатда фожиалар рўй бермоқда.

Бугун фожиаларни очиқ-ойдин айтаётганимизнинг сабаби шовшув кўтариш ёки бир-биримизни ҳайрон қолдириш учун эмас. Англадикки, бугунги кунимизнинг осойишу оғриқларини бор ҳолича тан олмас эканмиз, бошимизни, руҳимизни эгилтираётган хатоларимиз, иллатларимиз ҳақида ошкор сўзламас эканмиз, уларни ҳеч қачон тузата олмаймиз.

...Шу йил 28 май куни Андижон областининг Жалолқудук районида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даҳшат юз берди: эрта тонгни равшан нигоҳ, соғлом вужудлари билан қаршилаган тўрт норасида гўдак — энг каттаси етти, кенжаси бир ярим ёшли акасингил-укаларни Жанубий Оламушук посёлкаси аҳли қатор тўрт қабрга қўйдилар. Дастлабки далилларга кўра гўдакларнинг қотили деб гумон қилинган, ўз жонига қасд айлаган, аммо тирик қолган Замира Тешабоевани аввал касалхонада даволадилар, сўнгра қамоққа олинди. Кейинги айрим далил, гумонлар туфайли болаларнинг отаси Иброҳим Тешабоев ҳам ҳибсга олинди. Уларнинг қайси бири маъсум гўдакларнинг юрагига чангал солди? Воқеа қандай юз берди? — Буни суд органлари аниқлаши шубҳасиз. Лекин ҳар бир туғилган чақалоқ билан янгидан туғилгучи, яшариб яшагучи дунёнинг тўрт тақдири жувонмарг бўлди. Бахтсиз тасодифми бу? Асло!

«Районимиз шаънига жуда ёмон гап бўлди». Бу фикрни районда кўп масъул одамлардан эшитдим. «Шавла кетса кетсин, обрў кетмасин» деган нақлга жуда қалбимиз кетади бу хавотир. Йўқса, кичкинагина посёлка ичида Иброҳим етти йилдан буён кун-кун ора маст бўлиб келиб, кечалари хотинини уради, ҳақорат қилади, ноҳақ равишда ахлоқий бузуққа чиқаради, лекин унга бирор тегишли ташкилот маъмурий чора кўрмайди, минбарлардан «аёлларнинг тенг ҳуқуқли, қийналмай ҳаёт кечириётган»лари ҳақида маъруза ўқиладигани-ю, чок-чокидан ситилиб бораётган оила охир оқибат ер билан яксон бўлганда ҳам «районнинг шаъни» учунгина қайғуриб ўтиришармиди? Воқеалар билан чуқурроқ танишганинг сайин, баъзилар «районнинг шаъни»дан ҳам кўпроқ шу ернинг номига қўшиб айтиладиган ўз номларига гард юқиб қолишидан ташвишга тушаётганлари аниқ сезилади...

Қатор суҳбатдошларим ичида фожеа юз берган ҳовлининг ён кўшнисини — Тожихоннинг туб-тубигача дардли кўзлари, мунг билан айтган гаплари энг самимий туюлди.

— Замирани ақлдан озган дейишлари нотўғри, — қатъий рад этди Тожихон. — Болаларини шунақаям яхши кўрардики, ҳеч кир-чир юришганини кўрмаганман. Бирорта боласи касалга чалиниб касалхонага тушмаган. Вой, у болаларнинг чиройлилиги, мунчоқдек эди. Икки ўғил, икки қиз... Яқиндагина Миродил (тўнғич ўғли)га жемпер тўқиганди...

Кейин Тожихон Замира ва Иброҳимлар 1981 йилда қўшни бўлиб кўчиб келишганини, биринчи марта энг катта жанжал тўнғич ўғиллари туғилганда бўлганини сўзлади.

— Ушанда Иброҳим хотинини уч қўшни эркакка ўйнаш деб ҳақоратлаган. Маҳалладагилар ўртага олиб уялтиришгач, узр сўраган. Лекин ичишни ташламади. Шундан кейин уларнинг жанжалига ҳеч ким аралашмай ҳам қўйди. Илгари Замира эрининг калтакларидан қўшниларникига қочиб чиқарди, дод солиб йиғларди. Кейинги пайтларда қанча калтак эмасин, овозини ҳам чиқармайдиган бўлиб қолди... — Тожихон яна ўйга толди... — Қўшни қўшниларникига чиқиб кўнглини очмасди, эри қўшнилар билан гаплашиб туришини ёқтирмасди, шунинг учун уйдан кам чиқарди...

Ҳа, ёмонга ҳар ким ҳам бас келолмайди. Топган пулини ичкиликка сарфлайдиган сартарош Иброҳимни тўғри йўлга солиш учун тўрт гўдакни ўз фарзандидек севиб қадрлайдиган, Замирага ўз опа-синглиси, қизи каби жони ачишадиган қўни-қўшни, қариндош-уруғлар қалби, «Мен шу жой аҳолисининг осойишта, хотиржам яшашлари учун масъулман» деган масъул шахсларнинг зийрак, меҳрибон нигоҳию совет қонунларини қаттиқ ҳимоя қиладиган раҳбарлик қўли керак эди.

Жамиятимизнинг қайта қуришга муҳтож бўлиб ётган энг хавфли бурчаклари — бу ўз тўрт девори ичидаги тўқлигу тинчликдан кўнгли тўлиб, атрофидогиларга лоқайдликдан ҳам баттар — бемеҳрлик балосига йўлиққан қалблар.

Иброҳимни дастлаб инсофу тартибга чақирмоқчи бўлган ён қўшнилар унинг навбатдаги мастликлари, мастликдаги беараҳлик, беҳаёликларига қарши уддабурролик, жиддийлик, ақллилик билан курашиш ўрнига осонгина четга чиқиб қўя қолдилар. «Беҳаёда шарм борми?» Иброҳимга атрофдогиларнинг айни шу ҳолати — ўз уйларида ҳеч нарсани кўрмаган, билмагандек бўлиб яшайверишлари қўл келгани шубҳасиз! Топганини ичкиликка сарфлаб, кечалари оилани қон қақшатиб, эрталаб ҳеч нарса

Партия ташкилотлари масъулиятли лавозимларда туриб ишга юзаки муносабатда бўлаётган, одамларнинг эҳтиёжларига нисбатан бағритошлик, лоқайдлик қилаётган коммунистларга ишонч билдиришдан воз кечишлари керак. Бундай кишилардан бир тўғаноқсиз халос бўлиш, уларни бошқа раҳбарлик лавозимларига кўчириб ўтказиш йўлидаги уринишларга чек қўйиш лозим.

Партия XIX Бутуниттифоқ конференцияси резолюцияларидан.

кўрмагандек, ҳеч кимдан уялмай маҳаллада бош кўтариб ишга жўнайверди...

«Замира эрини яхши кўрарди» — бу ҳам ён қўшни Тожихоннинг гапи. Э-воҳ!.. Ҳаётда ҳамма нарсага қўл силтаб, энг сўнги йўлни танлашдан олдин Замира бағридаги энг суюқ, энг гўзал, маъсум ва мунис, меҳру шафқатталаб дунёси — муҳаббатини ўлдирмаганмикин? Худди Анна Каренинага ўхшаб! Йўқ, кибор дунё аёли Анна Каренина билан қозон-товоғу бир сидра кўрпатўшаги ва кийим-кечаги бўлган Замира ўртасида қандай ўхшашлик бор? — деб эътироз билдирманг! Ҳақиқий муҳаббат ҳамма аёллар қалбини нурдек нафис, гўлдек нозик, қуёшли осмондек

ҲУЖЖАТЛАРГА

● «Шавла кетса кетсин, обрў кетмасин».

● «Саида посёлкадан чиқиб кетсин!» деб талаб қилганлар ҳақмиди? Район газетаси ҳодимлари-чи!

● Замира яна кимдан нажот кутса бўларди!

ярқироғу ҳароратли қилади. Бу қалбга лойқа фикрлар билан нопок қадам қўйишдан қўрқинг, суюкли эркаклар!

Орзулари, меҳру оқибати топталган, қўшниларга арз қилишни ор деб билган Замира, балким, онасиникига кетиши керакмиди? Бир оғиз сан-манга араз қилиб онасиникига кўчиб оладиган келинларга ўхшаб нега кетмади Замира?

Турмушни кўнгилишуи кийимлар каби осонгина алмаштиравериш мумкин эмаслигини, эридан ажралса ёки бошқа эрга тегса, аввало фарзандларига жуда қийин бўлишини эндигина йигирма еттига кирган Замира, балким, аллақачон англаб етгандир?.. Фарзандларининг болаларча ғашликлари, инжиқликларидан аччиғланиб онаси, опаси: «Отасининг боласи-да» десаям, Замира эзилиб, сиқилавераркан.

Энди ўйлаб кўрайлик: ҳамма боланиям ўзига хос инжиқлиги, шўхлиги, қайсарлиги бор. Наҳотки, боланинг ҳар бир хислатини ўртага қўйиб, эрининг номаъқулчиликларини аёлнинг юзига солавериш шарт бўлса? Аксинча, ўзи сиқилган, эзилган қизининг кўнглини кўтармоқ учун она уни тинчлантирмоғи, ҳадемай болаларнинг ақли кириб, ҳаммаси унут бўлишига ишонтирмоғи, озгина бўлса-да, кўнглига таскин бермоғи жоиз эмасми? Ҳам болаларидан, ҳам эридан бирдай таъна қилаверадиган онасининг, опасининг олдига бориб ўтириш осонмиди Замирага? Уйлаб кўрайлик...

...Шу ўринда айрим оналаримизга беҳад оғир ботса ҳам, айтман: «Тўшган ерингда тош қот», «Кўз очиб кўрганинг», «Чумолининг ҳам рўзғори бузилмасин»... бу каби халқ ҳикматларининг моҳиятини, афсуски, жуда кеч англаймиз. Шунчалар кеч англаймизки, аллақачон бу ҳикматлар сабоғини босиб ўтган бўламыз ва бу умрга татиғулик хато қадамимизнинг доғу дардлари фарзандларимизга ҳаётига, қалбига сачраган бўлади. Замира Тешабоева,

эҳтимол, ўз онаси каби уч марта янги рўзгор қуриш (уч опасингил уч отадан туғилишган) қанчалик оғирлигини ҳис этгандир. Тўрт фарзанди билан иккинчи эридан ҳам ажралган қайнонаси — Иброҳимнинг онаси каби ўзи ёлғиз ва ночор қолиб онаю аёлга бемехр, беписанд фарзандлар тарбиялашни истамагандир... Бу хаёллар Замиранинг кўнглида бормиди, йўқмиди? Лекин бир нарса — хўрланган аёл ҳар жиҳатдан ночор аҳволда қолгани, ишончи суянғудек яқин кишиси бўлмагани — ҳақиқат.

Ана энди «Битта пиёниста, хотину фарзандлар уволит тутгур Иброҳимни тартибга қақриб қўядиган расмий ёки жамоат ташкилотиди йўқмиди?» деб сўрашимиз табиий.

— Замира посёлка советига ўтган йилнинг октябрь ойида биринчи марта эридан шикоят қилиб келган, унганча мурожаат қилмаган, — дейди посёлка советининг раиси Қодилжон Қодиров. — Эрини қақиртирдик, яраштирдик. Лекин Замира нимагадир ўша кунидек онасиникига кетганича, январда қайтибди...

Посёлка советининг ёш, аммо бу вазифада анчадан буён ишлаётган раиси ана шу «нимагадир»ни аллақачон аниқлаштириши кераклигини ҳалигача тушунмайди. Сабр қосаси тўлиб-тошган аёл олти йиллик оилавий нотинчликдан биринчи марта совет ташкилотига мурожаат қилиб, у ердан ишонарли таянч топмагач, онасиникига кетганмикин? Оила тинчлиги учун аввал Иброҳимни ичкиликбозликдан қайтариш зарур эди. Утган йили посёлка милиционерни уни бир мартагина маст ҳолда ушлаб кетиб, ҳеч чора-тадбирсиз ўша ониёқ қўйиб юборганини ҳисобга олинмаса, безорининг мушугини ҳеч ким «пишти» демади. Замира болалари билан шу йил бошида уйига қайтгандан сўнг ҳам аҳвол ўзгармади, хўрлик давом этверди. Ҳолбуки, посёлка советининг ўтган йилги йиғилишларидан бирида маҳаллий совет

раисман, лекин Замира Тешабоева менга бирор марта ҳам шикоят қилмаган, — сўзлайди 20-ўрта мактаб директор ўринбосари Садбархон Шаробиддинова.

Садбархон ўзини оқламоқ учун айтаётган худди шу «бирор марта ҳам шикоят қилмаган»ликда бутун иллат намойи бўлмай-дими? Кичкинагина посёлка аёллари бир йилдан ортиқ вақт ичида ҳам хотин-қизлар Советининг раисини таниб, оғир пайтларда ундан ёрдам сўраш мумкинлигига ишонч ҳосил қилмабдиларми, демак, лойиқ одам сайланмабди!

Посёлканинг нуфузли шахслари бу фикримга эътироз билдиришлари мумкин. С. Шаробиддинова Балки тажрибасизлик қилгандир? Яна минг афсуски, Жанубий Оламушукда шу йил 15 февраль куни савдо ташкилотиде ишловчи Саида Рўзиева ҳам ўз ўзини осиб қўйганди. Ушанда районнинг «Олга» газетаси 28 январь кунги сониде С. Рўзиевани ахлоқий бузуқликда айблаб, «Қабоҳат» номли бир саҳифалик фельетон эълон қилган, фельетонда маҳалладошларининг «Саида маҳалладан чиқиб кетсин» деган ноқонуний талабини редакция ходими, автор П. Абдуллаев қўллаб-қувватлаганди. Бу ҳам етмагандек, орадан бир кун ўтгач, газета «Қабоҳат»га жавоб тариқасида фельетон С. Рўзиева ишлайдиган ташкилотда муҳокама қилиниб, у ердагилар Саиданинг 24 соат ичида посёлкадан чиқиб кетишини талаб қилганликлари ҳақида хабар босганди.

Қайси қонунга асосан бундай талаб қўйилапти, Саида посёлкани ташлаб қаёққа боради, шу йўл билан инсонни тўғри йўлга бошлаб бўладими — булар ҳақида на қарор чиқарганлар ва на уни районга шов-шув қилиб кетма-кет босган район газетаси ходимлари ўйлаб ҳам кўрмадилар.

Шу ерда биз ўз ҳамкасбларимизни ўта бағритошлиқда, партиямизнинг гуманизм ғояларига тескари иш юртишида айблаймиз. Қонун ҳимоячилари ҳам индамадилар. Ушандаям ноғоралар чалиниб бўлгач, хотин-қизлар советининг раиси пайдо бўлганди.

«5 февраль куни галантерея фабрикаси хотин-қизлари билан «Қабоҳат» ва «Бетга айтганининг заҳри йўқ» мақолалари юзасидан йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда совет аъзоларидан Ғаниева ва Шаробиддиновалар иштирок этди. Бу фельетон посёлкадаги барча ташкилотлар хотин-қизлар Совети йиғилишида кўриб чиқилди». Бу — С. Шаробиддинованинг ҳужжатларидан кўчирма. Қоғозбозликдан бошқа нарса эмаслигини шарҳлашнинг ҳожати йўқ. С. Рўзиева ўз-ўзини ҳалок қилгунча орадан 18 кун ўтди ҳамки, газетада эълон қилинган ноҳақ талаб кучини йўқотадиган бирор тадбир кўрилмади. Посёлкада аёлни аёлларча тинглаб кўрадиган одам топилмади. Эркагу аёл талаб қилди: чиқиб кетсин! Шунда С. Рўзиева икки ўғлини жазо муддатини яқиндагина тугатиб қайтган эрига ташлаб, сўнгги йўлни танлади...

Район партия комитети, посёлка совети учун февраль фожиаси сабоқ эди. Лекин мулоҳазалар ҳам, хулосалар ҳам асосан кабинетларда, қоғозларда бўлди. Посёлкадаги аёллар, айниқса, Замира Тешабоева каби ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдамга муҳтож оналарни аниқлаш, уларни ёлғизликдан, ноҳорликдан, хўрликдан қутқариш чораларини кўриш керак эди. Бундай қилинмади. Балким, Тешабоевлар хонадондаги фожиа масъул раҳбарларнинг кўзини, кеч бўлса-да, ярақлатиб очиб қўйгандир, дерсиз! Афсус, минг афсус!

30 май куни Жанубий Оламушук посёлка Советининг XX чақриқ йиғилишида муҳокама қилинган «Посёлка хотин-қизлар советининг иши ҳақида»ги бир ярим бетлик қуруқ ахборот посёлка советининг, хотин-қизлар советининг аввалу охир чиқарган «хулоса»си. Унда 28 май куни посёлкада оғир фожиа бўлгани бир жумлада (ким, қаерда бўлгани ҳам айтилмаган) қайд этилган. Мен районда бўлган пайтимгача, яъни июль ойининг охиригача С. Рўзиева фожиасига сабаб бўлган шахсларнинг бирортасига ҳам ҳали жиддий чора кўрилмаганди. Бизнингча, «Бу фельетон посёлкадаги барча ташкилотлар хотин-қизлар советлари йиғилиши»дагина эмас, аввало партия, совет органларида ўрганилиб, муҳокама қилиниб, бундай тузатиб бўлмас хато яна қайтарилмаслиги учун чоралар кўриш, амалий тадбирлар белгилаш шарт эди. Тешабоевлар хонадони фожиаси ҳам район партия комитети олдига шундай вазифани кўндаланг қўйиб турибди.

Мана, узоқ вақт давом этган ва оғир йўқотишлар билан тугаган икки оила фожиасининг энг қисқа баёни. Воқеалар билан танишгач, азиз журналхон, оғир мусибатлар сабабчиларидан нафратланамиз, бундай одамлар инсонликка нолойиқ, деб хулоса чиқарамиз. Аммо... улар орамизда юрибдилар, ўзгалар ҳаётини келириб, бахтини поймол этиб... Биз-чи! Уларнинг ноҳақ кўтарилган қўлларини қайтариб, ноҳўя ҳақорат чиқаётган оғизларини мардлик билан ёпишга, ёрдаму ҳимояга муҳтожларга ўз ҳаловатимиз, ширин орому уйқумиз, тинчлигимиздан кечиб жону жондош бўлишга, кабинетларда қоғоз тахлаш билан овора бўлганларнинг мудроқ қалбларини уйғотишга иродамиз, инсонийлик бурчимиз кучи етадими! Фожиаларнинг яна қайтарилмаслиги мана шунга боғлиқ...

СИҒМАГАН ФАРЁД

депутатлари Жанубий Оламушукда ичкиликбозликка қарши кураш ва унинг натижалари ҳақидаги масалани муҳокама қилганлар.

— Посёлкада пиёнисталар шу қадар кўпми? — сўраймиз Қ. Қодировдан. У савол мақсадини тушунмай:

— Йў-ўқ, — дея жавоб қилди.

— Нега бўлмаса посёлка миқёсида ичкиликбозлик муҳокама қилинади-ю, олти йилдан буён ҳаммага ошкор ичиб, бола-чақасини бахтсиз қилиб яшаётган Иброҳим Тешабоев ҳақида йиғилишда бир оғиз сўз йўқ?

— У район марказида ишлаган, эр талаб кетиб, кечқурун қайтган, — деган жавоб бўлди.

Ана шунақа, иш планлари тузилган, йиғилишлар қанда бўлмаган, ҳужжатлар тахланган, аммо амалга келганда... Қани ўша ичкиликбозликка қарши тузилган комиссиянинг маҳаллалардаги активлари? Ахир, ҳозир ҳамма ароқхўрлар ҳам куппа-кундуз кунни тентираб юргани йўқ-ку! Иброҳим Тешабоевни етти йиллик узлуксиз пиёнисталиги оқибатида оила аъзолари тортган азобу беҳаловатликлар том босган қулоқларгаям охир оқибат эшитиларди-ку! Афсус...

— Фожиадан уч кун олдин Иброҳим маст ҳолда тунги соат 12 ларда тўрт боласини ташқарига чиқариб қўйиб, хотинини уйга қамаб шунақаям урди-ки! Болалари роса додлашди... — баён этди қўшни аёл... — Эртасига қизим Гулнора қайноқ сув сўраб уйларига кирса, Замира «ўзинг ол» деб ишора қилиб, яқин келмабди ҳам. Юз-кўзлари кўкариб кетган экан...

Энди воқеаларни шарҳлай олмайман! Иброҳим Тешабоевнинг одам боласига номуносиб қилмишлари, маҳалла-кўйининг оқибатсизлик ва журъатсизлиги, маҳаллий совет ташкилотидегиларнинг инсон тақдирини жилд-жилд қоғозларчалик қадрламасликлари, йигирма етти ёшли аёл ва унинг тўрт гўдаги учун оғта айланган ҳаёт ҳақида эшитиб туриб тингловчининг бардоши етмайди-ю... Замира яна кимдан нажот кутса бўларди!

Посёлка хотин-қизлар совети раисиданми?

— Мен ўтган йилнинг март ойдан хотин-қизлар Совети

Мухтарам УЛУФОВА.

МАНГУ ЁНАР ШАМЛАР ОРАСИДА



Лидия Михайловна миллионлаб оналарга ўхшаган оддийгина она. Лекин унинг тақдири турли миллат вакиллари ўртасида асрлардан буён яшаб келаётган дўстликнинг нурли лавҳаларидан...

Лидия Михайловна ҳаёти афсонага ўхшайди. Бобоси Владимир Гаврилович Каракалпаков ота-онаси ўлиб қолиб, оч-наҳор, дарбадар кезгин йилларда ўн яшар бола эди. Ҳатто уни рус солдат казаклари учратиб қолиб, Сирдарёнинг Орол денгизига туташ соҳилидан Москвага олиб кетишганда ҳам бола ўзининг кимлигини билмас, ҳеч нарсага тушунмасди. Рус офицери уни Москвага олиб келгач, Солянкадаги ота-онасиз болаларни асрайдиган «Тарбиялаш уйи»га топширди. Унга Владимир Гаврилович Каракалпаков деб ном қўйишди. У яхши ўқиди, кейин Петербургдаги Рассомчилик академиясини кумуш медал билан тугатди ва Москвадаги 1-Кадетлар корпусига рассомчиликдан ўқитувчи сифатида йўланма олди.

Уйланди... Павлушани бўлди. Ушанда 1828 йил эди. Владимир Гаврилович Каракалпаков етишмовчилик ҳамда хотини Просковьянинг касаллиги туфайли Павлушани ҳам ўзи тарбияланган «Тарбиялаш уйи»га топширди. Уғилчани помешчик Тверкин ўз қарамоғига олиб, улғайтирди. Етарли тарбия олган Павел Владимирович Каракалпаков чекка театрларда ном қозониб, 1853 йил Москва Малий Театрига таклиф қилинди. Хизмат давомида у Жаноб Востоков (тахаллуси) номи билан машҳур бўлади ва қизи Лидия туғилган йили вафот этади. Уч етим қиз Лидия, Екатерина, Людмила асраб қолиш, тарбиялаш онаси Елена Васильевна Востоковага осон эмас эди. Лидия 13 ёшлигида ўлиб кетган артистнинг қизи сифатида А.Н. Островский томонидан Большой Театр ёнидаги балет мактабига жойлаштирилади. Уч йил ўқигач, уни Большой Театрнинг балет группасида қолдирадилар. Шундай қилиб, Лидия Михайловна Каракалпакова (Востокова)нинг театрдаги илк қадами 1886 йилда бошланган эди. Шу-шу бўлдию, Лидия Михайловна ўз умрининг куч-гайратига тўлган мазмунли қисмини халқ хизматида бағишлади. Большой Театрга келган жажжи қиз «Госпожа Востокова» даражасига эришди.

Онаси каби чиройли, қора қош ва қора сочли ўн саккиз яшар қизнинг қадди-бўйи сарвага ўхшарди. Ҳа, кўрган-билганларнинг хотирлашлари, ёзишларича, онаси ҳам ёшлигида ҳамманинг ҳайратига сазовор чиройли артистка бўлган экан.

Нижний Новгород театрининг директори А. С. Гацкий Елена Васильевна ҳақида шундай ёзган эди: «Госпожа Востоковага табиат истеъдодига қўшимча чиройини ҳам

ато этган. Бу чиройлилик унинг ҳамма характерларига нафислик қўшиб туради. «Ақллилик балоси»даги чиройсиз, бемаъни ҳисобланган Софьянинг роли госпожа Востокова томонидан масъулият билан ижро этилди. «Водевильлар»да госпожа Востокова шундай чиройли эди...»

Онасининг гўзал фазилатларидан баҳраманд бўлган Лидия Михайловна ўз ишига қўнғил билан киришди. Қатъий, нафис ҳаракатлари балетмейстерларнинг қалбини забт этди. Шунинг учун бўлса керак, Лидия Михайловнага Большой Театрда илк марта ўйналадиган балетлардаги роль ва партиялари нишонч билан таклиф этардилар.

«Уйқудаги малика», «Раймонда», «Қўғирчоқ пари», «Сехрли ойна» каби кўп балетлардаги роллари Лидия Михайловнага шон-шўҳрат келтирди, унинг номи театрда бағишланган газета ва журналлар саҳифаларидан тушмади. Балет танқидчиларининг таърифлашларига кўра, бу асарлар рус балет санъатининг энг юксак чўққисига кўтарилганди. Лидия Михайловнанинг ижросида бундай роллар ва партиялар сони 150 дан ошиб кетди. Бу—маҳорат, истеъдод меваси. Шу маҳорат балет тарихчиларини қизиқтириб қўйди. Улар Лидия Михайловна тўғрисида ёзганда, таърифга муносиб сўз тополмай қолганликлари учун узор сўраш билан чекланидилар.

СССРда биринчи бор нашр этилган «Балет энциклопедияси»да (Москва, 1980) Лидия Михайловнанинг чиройли балет ўйинларига алоҳида ўрин берилган.

Афсуски, Рус балет санъатининг ривожланишига катта улуш қўшган бу истеъдодли аёл тўғрисида яқингача ҳеч нарса билмасдик. Бобоси Владимир Гаврилович Каракалпаков ҳақида 26 йил мобайнида изланиб юрганымда, унинг ўғли Павел Владимирович Каракалпаков — Востоков, унинг рафиқаси Елена Васильевна Востокова ва унинг қизлари Лидия Михайловна, Екатерина, Людмила Михайловна Востоковаларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳам равшанлаша борди.

Ҳа, ростдан ҳам ҳали кўп элу юртлар тўла-тўқис номини ҳам билмайдиган қорақалпоқ халқи фарзанди турмуш тақозоси билан Москванинг Большой Театри саҳнасида оламга доврўқ солиши қорақалпоқ халқи учунгина эмас, Шарқ хотин-қизлари учун ҳам катта ифтихордир.

Умум маданиятимиз, санъатимиз тарихининг қайсидир бурчларини ёритиб яшаётган улкан истеъдодли одамлар, мангу ёнар шамлар орасида қондош онамиз Лидия Михайловнанинг борлиги бизнинг ҳам кўксимизни, руҳимизни кўтаради.

У. БЕКБАУЛОВ.

БАХТЛАРТА

...Заҳарли дориларни қўзғаб эсган шамолнинг алласи...

...Ҳам энига, ҳам бўйига бирдай ўсган план.

...Мингларнинг соғлиғи эвазига бунёд этилган уюм.

...Элимиз улуг дарё!..

Турғунлик йилларидаги пахтакор аёл... Унинг олган маоши на титилиб кетган устбошини, на эртадан-кечгача онасининг ортидан эргашиб юрган, чарчаб зах, заҳарли дорилар сингишиб кетган эгатларга онасининг фартуғини ёйиб ухлаб қолган болажонларнинг қорнини тўйдиришга етарди. Оддий ишчиларнинг болалари учун боғча йўқ, кўпинча ўринлар «банд» бўларди. Ота-она эса пахтазорга чиқишга мажбур, план мажбуриятдан ҳам оширилиб бажарилиши керак, йўқса раҳбарлар уларни уйдан бадарға қилиши турган гап...

Бурчин тонг отгандан, кун боғгунга қадар меҳнат қилиш, камқувватликдан толиб йиқилса ҳам планни бажариш керак, деб тушунган келинчак ҳали суяғи қотиб улгармаган чақалоғини пахтазор ёнидаги тут шохига осилган беланчакка солиб ишга чиқди... Уларнинг болаларига тут барглари шитирлаши, пахтазор узра заҳарли дориларни яна бир бор қўзғаб эсаётган шамоллар алла айтди... Келинчакнинг алла айттишга вақти йўқ эди...

Боласининг йиғлайвериб, овози бўғилганини узоқлардан эшитган келинчак бир зумгина боласининг ёнига ошиқди-ю, ҳатто ариқдаги бўтана сувга қўлини чайқаб олишга ҳам вақтини қизганиб гўдагига кўкрак тутди... Гўдак ҳали она исига тўйиб улгурмасдан у яна пешонасига мангу битилгандек туюлган пайкалларнинг орасига шўнғиди... Аввало аёлни уйини, боласини ҳам унуттишга мажбур этди бу пахтазору йилдан-йилга ҳам бўйига ҳам энига бирдай ўсган план, мажбуриятлар.

«Улар учун ҳамма шароит муҳайё» деб номи газета-журналларда эъзозланган, кўкларга кўтарилган пахтакор аёл ўша шароитнинг қандай ва қаердалигини тушуниб етмади, ўз ҳуқуқини кимлардир поймоллаётганини билолмади... Атиги бир зумгина эғнидаги қоржомасини, оёғидаги оғир чоригини ечиб кино-театрларга боришга ҳаққи борлигини ўйламади, ҳатто бундай ширин тушлар ҳам ўзини ундай аёллардан узоқ тутарди. Унинг тушига на боши, на адоғи кўринмайдиган далалар, кўз илғаб олмайдиган пайкаллар, кейин... ҳеч вақоси қолмаган пахтазордан пахта излаш, кунлик планни тўлдирмай уйга қайтмаслик ҳақидаги буйруқ, даланинг бир чеккасидаги беланчакда йиғлаб ётган боласи кирди. Шунда чўчиб уйғониди-ю, ёнида чақалоғининг ширин ухлаётганидан севинди. Совуқдан жунжикиб, кўрпаларини бошига қадар ёпиб олган—қатор ётган болаларига термуларкан: «Раиснинг ваъдасига ҳам ойдан ошяпти, ҳануз кўмига йўқ. Кундузи гўзапоё ёқиб, чўгини танчага солсам, болалар ҳузур қилади» дея ўйлади...

Она қайси бир тонгда фарзандининг ноғирон эканлигини англади-ю, юм-юм йиғлайверди. У билмадики, турли химиявий дорилардан обдан «тоб»га келтирил-

АЛМАШИЛГАН БОЙЛИК...

ган пахтазор шамолининг алласини эшитиб улғайган бола бундан ўзга аҳволга тушмаслигини... Унинг кучи фақат кўзига етди, ишда ўта «талабчан», «қаттиққўл» раҳбари эшитиб: «Боласи шундай бир сенмисан? Йигидан фойда йўқ. Ўзи дард берган, ўзи шифосини ҳам беради, далангга чиқ, дардинг ёзилади», деди.

Ўз ҳуқуқларининг қуң сайин кўмилиб кетаётганини кўриб туриб ҳам аёл тишини тишига қўйди, айтмадики: «Ахир мендайларнинг бошига бу кулфатларни солиб, яна ҳатто шифо излашга ҳам фурсат бермайсизлар».

«...далага чиқ, дардинг ёзилади». Аёл тонгги шудринглар ҳам қуриб улгурмасдан ишга отланаркан, унинг юрагига сиғмаган дарди пайкалларга, ғўзаларнинг ҳар бир баргига тўкилди... Аёл қўлини чаноққа узатганда, шу пардай енгил пахтанинг юрагига темир-тошдек оғир дард солганини англаб етди. Далага чиқиб унинг дарди ёзилади. Аксинча, шундай аёлларнинг, ногирон норасидаларнинг дарди далага ёйилди чоғи. Ерни, ўз ҳуқуқини вақтида танимаган элни шўр босди. Энди заминни поклаш қийин бўлаётир.

Ўзлигини вақтида англаб етмаган, итоаткор кишиларнинг ҳақлари эвазига кимлардир қаср қурди, саройлар солди, тўқликка шўхлик маишат мақсадида боғу эрамлар, бунёд этди. Меҳнаткаш халқнинг қозонида қора шўрва қайнаши эвазига унинг ҳам ҳаққидан уриб, ҳам бирор сўзига жавоб қайтаролмай жим қолган ишчини таҳқирлаш учун миллионлар сарфланган зоналар қурилди...

Бугун ўша амалдорларнинг уйларидан топилаётган тиллалар, бехисоб пуллар сурати туширилган расмлар газета-журнал саҳифаларида ошқора босилаётир... Биз уларни кўриб — бойликни эмас, ногирон гўдакларнинг юракни эзувчи ноаларини, Оналик бахтидан маҳрум бўлган — ширин орзулари абадий саробга айланган келин-чакларни, фарзандлари қошида иложсиз кўз ёш тўкаётган оналарни кўргандек бўламиз...

«Бундан тўрт йил муқаддам пахта туфайли ўз саломатлигимни йўқотдим,— деб ёзади Ховос район Мичурин номли совхоздан Зоҳида Сиддиқова.— Учинчи курсда, пахта йиғим-терими мавсумида касалланиб қолдим, лекин ўз вақтида даволанишнинг иложи бўлмади: Пахта даврида саломатлигини йўқотаётганидан шикоят қилган студент баҳона қилганликда айбланиши сир эмас... Мен ҳолдан тойиб, йиқилгунимча далада юрдим. Гоҳ-гоҳ юрагим санчарди. Ушанда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичагимда яра борлигини билмасдим... Ниҳоят, олти соатли операциядан сўнг жарроҳлар менга ҳаёт бахш этди. Афсуски, кейин ҳам бутунлай тузалиб кетмадим. Ҳозирги долзарб паллада ҳамма пахтазорда, мен бўлсам энди ҳеч қачон пахта теролмайман, 22 ёшимда четга чиқиб қолдим».

«Мен ҳозир 26 ёшдаман,— дея мактуб йўллади Гулистон шаҳар 3-микрорайонда яшовчи Б. Латипова.— Ушанда 2-курс талабаси эдим. Пахта мавсумида цистит билан оғридим. Бир-икки кун баракда ётиб, яна ишга чиқдим. Кейинги йил пахта

даврида яна шу касал такрорланди. Бу сафар ҳам яхши даволанмадим. Биринчидан, шароит ёмон бўлса, иккинчидан врач номигагина врач эди, дардимга даво бўлгулик бирор муолажани кўрмадим. Энди бу касал тез-тез такрорландиган бўлиб, мана ҳалигача давом этмоқда, ҳанузгача қийнамоқда».

«Халқимиз пахтакор халқ. Пахта муҳабати жон-дилимизга сингиб кетган,— деб бошлабди ўз хатларини Қорақўл район халқ маорифи бўлими ходимлари Расуллова, Саидова ва Қурбоновалар.— Аммо оқ пахтамининг шаъни қора, унинг йўлида қурбонлар бўлишини асло истамаймиз. Сир эмас, пахта даврида ўқувчилар, студент йигит-қизлар соғлигини йўқотяпти. Биз оналарнинг қатъий талабимиз колхоз, совхоз раҳбарлари инсон ҳаётини, соғлигини асрашни биринчи ўринда ўз олдиларига вазифа қилиб қўйсалар... Пахта мавсумида кишиларнинг соғлиғига масъул шахсларнинг айримларига икки оғиз эътирозимиз бор: Ҳурматли шифокорлар! Қайси бир соғлом, виждонли инсон ўзини касал деб айтади? Ким сафдошларнинг қувноқ даврасидан чиқиб, шифтга термулиб ётишни истайди? Ўзбекларнинг одати — дард жонидан ўтмагунча врачга мурожаат қилмайди. Бу масаладаги Сизнинг бефарқлигиниз, бепарволигиниз қимматга тушади? Биз болаларимизни ишдан олиб қочмаймиз. Улар меҳнатда тобланин. Аммо уларнинг соғлигини асрашни халқимиз сиз шифокорларга ишониб қўйибди. Бу ишончини асло йўқотман!»

Бундай хатларнинг сон-саногини йўқ. Айниқса, журнализимизнинг ўтган йил ноябрь сонидан эълон қилинган «Унутман! Улар бўлажак оналар!» номли мақоладан сўнг бу мавзудаги мактублар оқими янада кўпайди. Булар кишиларнинг юрагидан йиллар давомида йиғилиб қолган изтироблар эди.

...Кўлимизга яна қайси бир газета ё журнал тушиб қолади-ю, уни варақларканмиз кимнингдир қулаб тушай деб турган унинг остонасига хумларда бехисоб бойликлар кўмилганидан воқиф бўламиз... Ишон-

маймиз, аммо ишонишга мажбурмиз. Шунда бу бойликларга хаёлчан термулиб, ўйга толамиз: унда дунёнинг бир бўлаги — кичкинагина қишлоқ қизларининг пахта теримида орттирган катта ташвишларини, чехрасига муҳрланиб қолган азобларини кўрамиз. Эртанги кунимиз яратувчиларининг кўзларидаги мунг кишини эзиб юборади.

Бўғзимизга бир сўз тиқилади: айтсак тилимиз, айтмасак дилимиз куяди: Бу — бойлик эмас, мингларнинг ҳузур-ҳаловати, сихати, БАХТИ эвазига бунёд этилган уюм холос. Бу уюмга мингларнинг бахти, соғлиги алмашилган... Энди элнинг еридаги шўрни ювиш, бахтини бут қилиш бирмунча қийин, оғир кечади...

Яна бир инқилоб — ошқоралик, демократия кенг қанот ёйган элда қайта қуришни ҳар бир киши юрагининг туб-тубидан бошламоғи керак...

Йигит киши мағрур елка керган юртда, аёл ардоқланган элда халқнинг бахти — Ватанинг бойлиги бўлади. Зеро, бундан ўзга «бойлик»лар саробнинг селидай яқинлашиб келаётган уммонга қиёс.

Халқимизнинг бахти эса энг покиза, фаровон, қутлуғ денгизга оқиб бораётган улуғ дарёга ўхшайди. Бу дарёга гард юк-тирмоққа ҳеч кимнинг эғироча ҳам ҳаққи йўқ. Элимиз улуғ дарё! Шу улуғ, тоза дарёнинг бир тиниқ томчиси бўлиш қандай яхши. Бу улуғ дарё бугун кун сайин, соат сайин ўзини ҳар хил чиқинди, хор-хаслардан собитлик билан тозалаб бораётди. Кун келиб бу улкан дарё тулкиндари эл тупроғидаги шўрни ҳам, эл тақдиридаги иллатларни ҳам батамом ювиб юборишига гумон йўқ.

Дилфуза ШОМАЛИКОВА

Расм Лайло САЛИМЖОНОВА.



ОНА ҲАҚИДА СЎЗ

УМР БЎЙИ ТУШУНИШ

Бундан ўттиз йил олдин илк шеъримни шу азиз сиймо — онажонимга бағишлаган эдим. Мени ижоддай машаққатли, сеҳрли оламга бошлаган, шарафли йўлга солган ҳам унинг ўзи. Ҳозир ҳам мен учун бош мавзу — онажоним — Сарвар момо Берди қизига бўлган муҳаббатим! Турли касб эгалари бўлмиш ака-укаларим ҳам унинг меҳри тафтида исиниб вояга етган, она-юрт хизматида юрган инсонлардир.

Яқинда Самарқандда бир оила даврасида бўлдим. Хонадон бекаси Раънобиби қувонганидан ўзини қўярга жой тополмайди. Чунки унинг етмиш йиллик тўйи нишонланаяпти. Қани энди, унинг турмуш ўртоғи тирик бўлса! У Султон ота Темирхўжаев билан 67 йил бирга яшади. Султон ота совет ҳокимиятини мустақамлаш, унинг ички ва ташқи душманларига қарши курашларда қатнашган инқилобчи коммунист эди. Раънобиби ўша йиллардаги суронли лаҳзаларни хотирларкан, эрининг унга такрор-такрор айтадиган гапини эслайди. «Бу оловли курашлар бекорга, деб ўйлайсанми? Ҳали шундай кунлар келсин-ки...»

Мана, ўша кунлар келди. Буни биргина набирасининг уни табриклаб ёзган шеъридан ҳам билса бўлади. Қаранг, у бувижониси ҳақда нималар ёзибди:

Яхши ҳамки сиз бор, онажон,
Меҳрингиздан оламиз нафас.
Сиз — буюк зот, Сиз — буюк
инсон,
Оқ сутингиз оқлай олсак бас!

Мен ҳам у қизалоққа жўр бўлдим:

Тинчлик диёридир
Совет ўлкаси,
Оқила инсонга,
Таъзимда башар!
Меҳнаткаш, бунёдкор,
Кўнгил таянчи —
Азиз оналарга —
Гуллар ярашар...

Украинанинг Суми шаҳрида ҳарбий бурчини ўтаётган ўғлимизни кўриб қайтар эканмиз, у ердаги қардошлиқ қабристонини зиёрат қилдик. Сочлари кумуш ранг, меҳр билан гулларга сув қўяётган аёл — Мария Ивановна би-

лан суҳбатлашдик. У уруш йиллари жангда ҳалок бўлган, турли миллат вакиллари бўлмиш 150 нафар совет жангчиларини елкаларида ташиб дафн қилганларини гапириб берди. Қаҳрамон аёл қабр тепасидаги гулларга сув қўярган кўзига ёш олди: «Бу ерда ётганлар менга бегона эмас, улар менинг фарзандларим — жигар-гўшаларимдир...»

Москвалик шоир дўстларим даврасида бир суҳбатнинг гувоҳи бўлдим. Бир онахон хасталаниб, узоқ йиллар беҳуш ётибди. Унга шифокорларнинг дори-дармонлари ҳам кор этмабди. Шу кунлар бир мўйсафид ўша қишлоққа меҳмон бўлиб келган экан. Воқеа тафсилотини эшитиб узоқ ўйла-нибди. Сўнгра кампирнинг болалари борми, деб сўрабди. Қишлоқдошлари, бор, дейишибди. Бемор уларнинг қайси бирини яхши кўради, — сўрабди яна меҳмон. Қўшнилари ҳайрон: «Ахир қайси она ўз фарзандини яхши-ёмонга ажратади?!» Охири беморнинг тўнғич қизининг боласига меҳри бўлакча эканлигини билишибди. Мўйсафид ўша қизалоқни олиб келишлари буюрибди. Набираси пионер лагерда дам олаётган экан... Қизча уйга кириб келган лаҳзада кўрпа-тўшакка миҳланиб ётган бемор кўзларини очибди. Онанинг мажруҳ кўнглига набирасининг овози малҳам бўлибди...

Баъзи ёшларимиз борки, оналаримизнинг дардларига дард қўшиб, уларнинг тинчлигини бузиб яшашади. Не орзу-умидларда дунёга келтириб тириклик, қувонч ато этган ота-онасига озор берадиган фарзандни кечириб бўладими?! Бу сиз ҳам турмуш ташвишларига берилиб кетиб, унинг олдидаги қарзни унутиб юбормаяпмизми? Яхши кунларда унинг иссиқ дийдори, ўйчан, ғамгин қарашларини унутиб қўймапмизми?

Яқинда «Туш» деган шеър ёздим:

Қаршимда турармиш катта чорраҳа,
Қоп-қора булутни бошимдан қувиб —
Тилармишлар менга оқ йўл — фотиҳа,
Улиб пешонамдан эркалаб, суйиб.
Ҳаётда нималар бўлмайди содир,
Номатлуб юмушлар тегар ғашимга.
Шунда таскин бериб, ҳар ишга қодир,
Онажоним кирар тушимга.
Ташвишлари камдай ҳушларида ҳам,

Оббо, тинч қўймадим тушларида ҳам.

Ҳа, Она — ҳаёт муаллимаси. Ундан ўрганмоқ, уни умр бўйи тушунмоқ керак. Одам бир-бирини тушунсагина уни қадрига етади. Уларни умр бўйи тушуниш, пойи қадамларини кўз устига қўйиб қадрлаш биз фарзандларнинг ҳам қарз, ҳам фарз — бурчимиздир.

Ҳозир, мен юрагим орзиқиб уни ўйлаётган дамларимда онажоним Сарвар момо Берди қизи қандай юмушлар билан машғул, қандай ўйлар билан банд экан?! Дарвоқе, онажонларимиз ҳамиша ўзларининг ширин хаёллари билан тирик ва тетиклар. Оналарнинг дуолари ўзларидайд содда: «тани сихатлик ва хотиржамлик бўлсин!» Одам боласи учун бундан олижаноб, бундан теран, бундан улғувор ният йўқ, ахир, беш фарзанди баалоғатга етиб, уй-рўзғор эгалари, жамиятга нафи тегадиган одамлар бўлиб етишганлиги билан ифтихор қилмайдими? Бир ўғли совхозда боғбон, боғдорчилик бригадири, эл дастурхонини ноз-неъматга тўлдириш ишқи билан нафас олади, бир ўғли врач-терапевт — район бирлашган шифохонасида бош врач ўринбосари, халқ саломатлиги йўлида ҳормай-толмай хизмат қилмоқда. Икки қизалоғи эса, турли соҳаларда оддий ишчи бўлиб ишлайдилар. Улар номи «Ҳурмат тахтаси»дан ўрин олган, хўжахайронликлар орасида ҳурмат-эътиборлари баланд. Каминаи камтарин эса, мана қарийб ўттиз йилдан буён қалам билан биргаман.

Онажоним бир қўшиғимдаги «Тандирда нон ёпган элимсан» деган мисрамни ёқтиришларини ўзимга кўп бор айтганлар. Эҳтимол ушбу сатрларни қоғозга тушираётган лаҳзаларимда модари муҳаррамамиз кенжа келинлари ёнларида тандирни қизитиб, қўлларида рапида ушлаб иссиқ нон ёпаётгандирлар? Эндигина тандирдан чиққан ёғлиқ патирни қудуқнинг муздек сувидан косага олиб ботириб еган пайтдаги жонбахш ҳузурнинг таърифига сўз борми?

Сочлари меҳнатда оқарган онажоним, ҳаётнинг бор тенгсиз неъматлари, ҳузур-ҳаловатлари учун Сизга ташаккур!

Журналхон нажот сўрайди

Ҳурматли «Саодат»!

Мен Ҳасанова Вера 1936 йили туғилганман. 11 нафар фарзандим бор, ҳозир пенсиядаман. Лекин мен чўлқувар бўлганим учунми дала меҳнатисиз, чўлсиз яшашни тасаввур қила олмайман. 1983 йили Навоий шаҳридан ўз хоҳишимиз билан Қашқадарё областининг Косон районидаги ХРУ № 40 совхозига кўчиб келдик. Бригада бошлиғи бўлиб ишлайман. Биз «Саодат» журналин мунтазам ўқиб борамиз. Таъсирли мақолалар ёзилади. Азиз «Саодат»! Биз сизнинг «Саломатлик озодаликдан бошланади» деган маслаҳатингизни ўқидик. Жуда яхши ёзилган. Лекин ўқигандан нима фойда, дала шийпонимизда ичишга сувимиз, овқат қилишга эса газ йўқ. Уйга борсак, уйда ҳам шу аҳвол. Болаларимизни шийпонга олиб келамиз. Ясли масаласини-ку сўраманг. Кундузи пашшанинг дастидан уларни ухлатиб бўлмайди. Сизлар қайта-қайта ёзаётган, таъкидлаётган қайта қуриш биз томонларга ҳали келгани йўқ. Санэпидстанция ходимлари ҳали хабар олмаган, медицина ёрдами ҳақида гапириб чарчадик. Аҳволимизни ёзиб, маълум қилиш билан бирга сизларни совхозимизга таклиф қилмоқчимиз. Шароитни ўз кўзларингиз билан кўрсаларингиз, ёрдам кўрсатсаларингиз биз ҳам қайта қуришнинг тозарган, янгиланган ҳаволаридан баҳраманд бўлармидик, — деб бригада бошлиғи В. Ҳасанова. Аъзолари: Эргашев, А. Равшанов, З. Атаева.

Ҳурматли редакция! Мен Мўминова Кимёхон Фарғона область Кувасой шаҳар «Коммуна» қишлоқ Советининг Сўфон қишлоғида истиқомат қиламан. 10 нафар фарзанднинг онасиман. Лекин, афсуски менга ҳали «Қаҳрамон она» унвони берилгани йўқ. Бир неча бор «Коммуна» қишлоқ Советига ва шаҳар Советига мурожаат қилдим, лекин турли баҳоналар билан бу унвонни менга беришмади. Айтишларига қараганда менинг ҳужжатларим ҳанузгача Олий Советга юборилмаган экан. Наҳотки менинг ҳужжатларимни юборишга 5—6 йил керак бўлса? Ахир менинг тўнғич фарзандим бешта болали бўлди. Умр йўлдошим ҳам, мен ҳам пенсиядаман. Саломатлигим яхшилиғи учун 6 гектарлик шафтолизорда звено бошлиғи бўлиб ишлайман.

«Қаҳрамон она» унвони масаласи бўйича менга кўмак бера олсаларингиз бошим осмонга етарди.

Кимёхон МЎМИНОВА,
Коммуна қишлоқ Совети.

Мен бир нафар қизим учун отасидан нафақа ололмаяпман. Чунки у бошқа областда юрибди. Киров район халқ судига борсам, биз яшаш жойига ижро қоғозини юбордик, дейди. Бундай қоғозлар бир неча марта юборилганига қарамай 1985 йилдан буён нафақа ололмайман. Менга сизлар ёрдам бермасангизлар Киров район халқ суди ёрдам беролмаяпти.

Самимий салом билан

Ижобат ЭРГАШЕВА,
Фарғона области.

РЕДАКЦИЯДАН:

Юқоридаги хатларга тегишли ташкilotлардан амалий жавоб кўтамаиз



АЗИЗ ОПА- СИНГИЛЛАР, ДУГОНАЛАР!

Ўзингиз севган «Саодат» журналингизга 1989 йил учун обуна бўлиш ёдингиздан чиқмадимми?

«Саодат» ой сайин ҳузурингизга ошиқади. Ўз сўзи, далдаси, маслаҳати, ҳаёт ҳақидаги ҳақгўй суҳбатлари, ҳикоя ва қўшиқлари билан хонадонингизга, наинки хонадонингизга, қалбингизга кириб боради.

Ҳаммавақт бўлганидек, бугунги кунда ҳам ўз фаолиятлари билан ҳаётимиз равнақига жуда катта ҳисса қўшаётган аёллар меҳнатини, қадрини, оналик ғурурини эъозлашда, ҳимоя қилишда давом этамиз. Кўнгилдагидек яшаб, меҳнат қилишингизга халақит бераётган муаммоларни ҳал қилишда кўмакка шошиламиз.

Журнал саҳифаларида сизга аталган лирик шеърлар, ҳикоялар, мўйқалам соҳибларининг асарлари, санъаткорлар ҳақидаги лавҳалар, энг муҳими дилингизга ёруғлик олиб кирадиган бадиий асарлар бериб борилади. Янги йилда ҳам ҳурматли Ростонбувингиз хатларингизни диққат билан ўқиб, сизга аталган гапларини айтади. «САОДАТ» ўзининг «Азиз меҳмонлари»ни кутиб олишда давом этади.

Кенг далаларда, мактабларда, болалар боғчалари ва завод-фабрикаларда меҳнат қилаётган опа-сингиллар! Дўстингиз «САОДАТ» журнаliga обуна бўлишни унутманг.

«Союзпечать»нинг жойлардаги бўлимларига, ишхонадаги обуна иши билан шўғулланадиган уртоқларга мурожаат этиб, 3 сўм тўласангиз, 1989 йил давомида «САОДАТ» журнали Сиз билан бўлади.



Афсуски, ҳамма аёллар ҳам чиройли юришни билмайдилар. Биттаси баланд пошна туфли кийиб олиб, бедана юриш қилади, омонат, зўрга юради. Бошқаси қўлларини силтаб, худди маршдаги солдатга ўхшаб юради. Учинчиси пошнасини тақиллатиб уриб, ёйилиб, олифта қилиқлар қилиб юради, тўртинчиси жуда букчайиб олади, боши тушиб кетади. Бешинчиси сонларини қилпанглатади, елкаларини учиради.

Қадди-қоматнинг яхши бўлиши кўп нарсаларга боғлиқ. Энг аввало қоматга, бошингизни ва елкангизни қандай тутишингизга боғлиқ. Сўнгра оёғингизни қандай қўйишингизга (аввал ерга товон қўйилади, оёқ кафти, тизза тўғри туради), қўлларингиз ва танангиз ҳаракатига, ниҳоят пойабзалингиз ўзингизга лойиқми, мавсумга, об-ҳавога ярашами, шуларга боғлиқ бўлади. Агар сиз доимо — уйда ҳам, кўчада ҳам баланд пошна туфли кийиб юрадиган бўлсангиз, албатта калта-калта қадам ташлайдиган, бедана юриш қиладиган бўлиб қоласиз. Бу, ўз-ўзидан тушунарли. Бундай пойабзалда оёқ табиий ҳолатда турмайди, гавданнинг таянч майдони жуда ҳам кичиради. Сиз мувозанатни

сақлашга кўп куч сарф қиласиз, тез чарчайсиз. Бунинг устига эсингизда бўлсин, мода орқасидан қувиб баланд пошна туфли киядиган аёлларнинг кўпчилиги тиззасини букмайди. Жуда тор туфли оёқ сиқади, оёқ кафтини хунук қилиб қўяди, юрганда азоб беради. Бироқ жуда ясси, пошнасиз туфли кийганда ҳам одам чиройли юрмайди. Одам эҳтиётсизлик билан қулоч отиб, қадам ташлайди. Яхшиси, пошнасининг баландлиги ўртача пойабзал кийган маъқул. Бунақа пошна-ли туфлида одам енгил, майин, шахдам қадам ташлайди.

Оёқ учун (юришни яхшилайдиган) энг қулай гимнастика шахдам-шахдам қадам ташлаб юришдир. Кўп юринг, ҳар куни юринг, яқинроқ жойга албатта пиёда боринг, транспортга чиқманг, қаддингизни адл тутиб, бошингизни кўтариб, қўлларингизни тирсагингиздан сал букиб (силташ керак эмас), енгил ва тез-тез қадам ташласангиз, ўз организмизга бебаҳо ёрдам берган бўласиз, деярли барча мускуллар ишлайди, қон айланиши яхшиланади, ўпка ҳаво билан яхши таъминланади.

«ҚИЗ-ЖУВОНЛАР КИТОБИ» ДАН

СИРЛАНГАН ИДИШЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Металлни зангдан, юқори температурадан сақлаш ва чиройли бўлиши учун идиш-товоқлар эмалланади, яъни сирланади. Юпқа шишасимон қоплама билан сирланган идишлар озиқ-овқат таркибидаги ҳар хил туз ва кислота таъсирига чидамли бўлади. Шу билан бирга маҳсулотни бевосита металл таъсиридан сақлайди, айни пайтда озиқ-овқат таркибидаги витамин ва фойдали моддаларни сақлаб қолади.

Сирланган идиш узоқ ишлатилиши учун баъзи маслаҳатларга амал қилишни унутманг. Температура кескин ўзгариши натижасида идиш сирини бузилади.

Агар иссиқ идишни совитиш учун совуқ сув қўйилса ёки бу идиш иссиқ плитада қолдирилса сир қоплама дарз кетади. Идишдаги сир қопламанинг дарз кетиши меъёрсиз иситиш натижасида ҳам юз беради. Бунинг учун кастрюль ёки чойнакни газ плитаси, электр конфоркага тўғри, кўндаланг қилиб қўйиш лозим. Шу маслаҳатларга амал қилсангиз, электр қуввати ва газдан оқилонга фойдаланган бўласиз. Банди пласмассали идишларни газ духовкага қўйиш мумкин эмас. Идишнинг банди бурама михлар билан мустаҳкамланган бўлса, уларни вақти-вақти билан бураб туриш керак. Чунки юқори температура таъсирида бурама михлар бўшаб қолади.

ИДИШЛАРНИ ТОЗАЛАБ ЮВИШ ВА ЗАРБ ТАЪСИРИДАН САҚЛАШ

Сир қопланган идишни суюқ совунли иссиқ сувда ювган маъқул. Агар идишда бирор нарса куйган бўлса, идишга сув солиб, куйинди ивигунча олиб қўйилади. Идишни тозалаш учун металл чўтка ёки мочалка ва қаттиқ губка, таркибида қум бўлган препаратлардан фойдаланманг. Улар сир қопламани қиради. Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси сирланган ванна ва раковиналарга ҳам тегишли. Уларнинг эмали юқори сифатли бўлса ҳам, дағал препаратлар ва кислоталардан фойдаланиш мумкин эмас. Кўпинча кастрюль, това устма-уст ёки ёнма-ён қўйилади. Ана шундай ҳолларда бир-бирига урилишдан сақлаш керак. Сир қоплама зарб таъсирида дарз кетиши ва зарарланиши мумкин.





Расмларни
Лола БОБОВА чизган.

Кўзимдосяри

Mustaqil Bosh Idoralar Boshqaruvi

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИШОНАМИЗКИ, НОУМИД ҚАЙТМАЙСИЗ...



Редакцияга мактуб йўллаган журналхонларнинг кўпчилиги баъзи касалликларнинг келиб чиқиши ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида маслаҳат сўрасалар, кўпгина мухлислар ўзларининг, яқин кишиларининг хасталиклардан фориг бўлиш мақсадида мутахассис шифокорлар ёрдамига муҳтожликлари ва қаерда даволаниши мумкинлиги ҳақида сўраганлар.

Биз хатларга алоҳида жавоблар ёзиш билан бирга бир туркум саволларга журнал орқали жавоб бераймиз. Саволлар юзасидан Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги даволаш-профилактика бош бошқармасининг бошлиқ ўринбосари, медицина фанлари кандидати Равшан Тўлаганович Султоновга мурожаат этдик. Яна шунинг ҳам эслатиб ўтишимиз ўринлики айрим кишилар саволларида ўз исми-фамилиясини аниқ кўрсатмасликни илтимос қилишган.

Савол (Қашқадарё область, Қашани районидан Озодова Малоҳат): — Энди гина 18 ёшга кирдим. Узоқ йиллардан бери қулоқ оғригидан азоб чекаман. Айниқса крш яқинлашган сари юрагим безовта бўлиб, йиринг оқа бошлайди. Район касалхонасида бир неча бор даволандим. Касалхонадан қайтган пайтларимда бир оз яхши бўлиб юраман, бир оз вақт ўтиши билан яна касаллигим безовта қилади. Қулоғимнинг эшитиш қобилияти ҳам паст, кўп сўзларни англамай қоламан. Илтимос, ёрдам беринг; қаерда даволансам бўлади!

Жавоб:

— Бу беморга Тошкент шаҳридаги янги ТошМИнинг қулоқ, бурун, томоқ касалликлари клиникасига — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Мўминов Акром Ибрагимовичга мурожаат этишларини тавсия этамиз. Бунинг учун барча ҳужжатлар яъни олдин даволанганлари ҳақидаги ва шахсини билдирувчи ҳужжат билан ҳафтанинг шанба кунлари қабулга келишлари мумкин.

Савол (Самарқанд областидан Р. Б.): — Менинг бурним ҳаддан ташқари катталашиб борапти. Уялганимдан ҳатто рўмолим билан бурнимни яшириб юрадиган бўлиб қолдим. 18 ёшдаман. Турмушга чиққаним йўқ. Тўғри, табиат яратган нарсани инсон ўзгартириши қийин. Шундай бўлса да шифокорлардан умид билан ёрдам беришларини сўрайман.

Жавоб:

— Бу синглимизга марказга келишга ҳожат йўқ. Самарқанд медицина институтининг қулоқ, бурун ва томоқ касалликлари кафедрасининг мудир, профессор ўртоқ Насретдиновга ёки Самарқанд областа касалхонасининг шу соҳадаги бўлими

мудир, ўртоқ Алпаевага учрашишни тавсия этамиз. Улар Сизга албатта ижобий ёрдам берадилар.

Савол (Андижон область, Андижон районидан Авилова Одина):

— 1983 йили қорин чурраси билан операция бўлганман. Сўнг бирданига Ҳасан-Зухра фарзанд кўрдим. Ёшим 35 да, яна қоринимда чурра пайдо бўла бошлади. Энди операция қилдирсам тузалиб кетаманми?

Жавоб:

— Сизга Андижон медицина институтининг хирургия кафедраси ёки область касалхонасининг хирургия бўлимидаги шифокорлар ёрдам кўрсатадилар. Вақтни кечиктирмай уларга учрашинг.

Савол (Андижон областидан Ю. Н.):

— Менинг яқин қариндошим хизмат пайтида нимадир портлашдан нурланиб қолган экан. Унинг ҳаёти тўғрисида ташвишдамиз. Нурланган одамни даволаш йўллари борми, шу ҳақда тушунтирсангиз!

Жавоб:

— Беморнинг нурланиши қайси вақтда ва қандай даражада бўлганлиги ҳақида ёзилмаганлиги учун аниқ бир нарса айтиш қийин. Лекин Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг Тошкент шаҳри ёнида, Улуғбек посёлкасида жойлашган шифохонасида нурланган кишиларни даволовчи бўлим ташкил этилган. Бемор касаллигини ва шахсини билдирувчи ҳужжат билан стационарда даволанишга келиши мумкин. Бу беморга энг замонавий даволаш чоралари қўлланилади. Ҳаёти тўғрисида ташвишланишга ҳозирча ўрин йўқ.

Савол (Наманган областидан М.):

— Қиз бола бўлсам-да, ўғил болаларникига ўхшаб мўйлов чиқиб, ўсим борапти! Нимага шундай, даволанишни иложи борми?

Жавоб:

— Қиз болаларда мўйлов чиқиши, насл суриш ва жинсий органлар функциясининг бузилишдан келиб чиқади. Шунинг учун қиз болаларда мўйлов ҳосил бўлишини сезган ота-оналар дарҳол эндокринолог врачларга учрашлари зарур. Улар болада жинсий безларнинг нормал ишлаши учун зарур муолажаларни қўллайдилар. Бундай беморлар Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ўлка медицина институтида хизмат қилувчи эндокринолог мутахассисларга ҳар ойнинг шанба кунинда ўтказиладиган «Очиқ эшиклар кунинда» консултацияга ҳам келишлари мумкин.

Савол (Чимкент область, Сайрам районидан Абдизимова Зулхумор):

— Мен онаман. Еш чақалоғим бор, лекин сутим йўқ. Нима қилсам бўлади!

Жавоб:

— Энг аввало яхши дам олишни, овқатланишни ташкил этинг, ҳеч иложи бўлмаса районингиздаги хотин-қизлар консултациясига учранг, зарур дори-дармонларни Сизга тавсия этишади.

Савол (Андижон область, Қўрғонтепа районидан А.):

— Ёшим 24 да. 22 ёшимда турмушга чиққанман, 13 ёшимдан камқонлик касалига чалиндим. Турмушга чиққанганимнинг еттинчи ойи қон (ҳайз) кўришим бузилди. Сонимда, қовуққа яқин жойнинг ҳар икки томонида юмалоқ шиш пайдо бўлди. Даволандим, бўлмади. Асака шаҳрининг туб диспансерида операция қилиниб бир томонимдаги шиш олиб ташланди. Мана турмушга чиққангизга ҳам икки йил бўлди. Фарзандимиз йўқ. Ўзим фармацевт, мен ҳам она бўлиб, бағрим тўлса дейман. Ёрдам беринг кимга учрай, қаерда даволанай, яна!

Жавоб:

— Турар жойингиздаги тубдиспансернинг фтизиатр врач нazorатидан ўтинг. Сизда сил касаллиги йўқлигига ишонч ҳосил қилишгач, сизга ҳам министрликка, бизнинг қабулимизга келишни маслаҳат бераман. Зарур бўлса шу ерда стационарда даволанасиз.

Хулоса: Хатларга жавоб тайёрлар жанмиз кўпгина жойларда даволаш ишларининг қониқарсизлиги, шифокорларнинг бефарқлигидан кўз юмиб бўлмайди. Беморлар маҳаллий шаронда даволанса бўладиган касаллик учун ҳам марказдан ёрдам сўрайдилар. Шунингдек, шифокорлар беморларнинг марказда даволанишлари зарур бўлганда тўғри маслаҳатларини аяшларига ҳам дуч келамиз. Марказга даво истаб келувчиларга шифокорлар зарур анализларни ўша жойнинг ўзида тайёрлаб беришлари зарур. Шунда беморнинг қимматли 4—5 кун беҳуда кетмаслигининг олдини олган бўламиз. Ҳозир Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг барча илмий текшириш институтлари қошида, республика марказий шаҳарлари касалхоналарида ҳар шанба эрталабдан «Очиқ эшиклар кунини» ўтказилади. Истаган киши фақат шахсини билдирувчи ҳужжат билан мурожаат этиши мумкин. Ишончимизки, шифокорларимиз қабулдан ноумид қайтмайси.

Хатларга жавобларни республика санитария маорифи уйи врач Абдумажид ЭРГАШЕВ уюштирди.

СУРАГАН ЭДИНГИЗ

«Хурматли редакция!
Тўрт ёшли ўғилчам анорни жуда яхши кўради ва
кўп ейди. Бунинг ҳеч қандай зарари йўқми?»

Муборак ИСМОИЛОВА,
Кўшкўпир райони».

ҲАМ НЕЪМАТ, ҲАМ ШИФО

Анорнинг ўзига хос шифобахш хусусиятлари бор. Жумладан, медицинада анор мевасининг пўстлоғи ишлатилади. (Шуни таъкидлаш керакки, иттифоқимиздаги анорзорларнинг 30 фоизга яқини Ўзбекистондадир.) Анорнинг поя пўстлоғи таркибида пельтерин моддаси (мевасининг пўсти ошловчи), истеъмол қилинадиган қисмида эса лимон кислота ва С витамини бор.

Анор ҳақида табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино шундай ёзган эди:

«...анорнинг уруғи асал билан бирга тиш оғриғига ва қулоқ оғриғига фойда келтиради... Нордон-чучук анор меъданинг яллиғланишига фойда қилади. Пешоб ҳайдовчидир. Шу билан бирга у иситмаларни даволашда яхши фойда берса, ширини

ўткир иситма билан оғриган кишиларга зарар қилади».

Анорнинг пўстлоғидан тайёрланган препаратлар лентасимон гижжаларни ҳайдаш учун эрталаб кофега қўшиб истеъмол қилинади. Халқ табобатида унинг пўстлоғи, меваси, мева пўсти ва гули қўтир, йўтал, ич кетиш хасталикларини даволашда ишлатилади.

Шу билан бирга қон тўхтатувчи (қон тупурганда, милқдан қон оққанда) оғриқ қолдирувчи дори сифатида ҳам яхши наф беради.

Анор мевасининг суви эса иштаҳа очиш учун ичилади. Агар юқоридаги касалликларни даволамоқчи бўлсангиз бир стакан сувга майдаланган мева пўстидан солиб қайнатинг. Сўнгра 2 соат чамасида тиндириб қўйинг ва доқада сузиб олинг. Сўнг ку-



нига 3 маҳал, таомдан олдин бир ош қошиқдан ичинг.

Ширин анор суви шишага солиниб, қайнаб чиққунча офтоб нурига тутиб турилса ва сўнгра бу сувдан кўзга суртилса, кўз қичишиши йўқолиб, кўриш қобилияти яхшиланади.

Илмий медицинада ишлатиш учун мева пўстидан танин ва мева ширасидан кислотаси олинади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

КАРТОШКА

ВА

ЛОВИЯ

Картошка фақатгина универсал таом бўлибгина қолмай, ажойиб косметика воситаси ҳамдир.

У С, В, В₂ ва В₆ сингари минерал тузлар ва микроэлементларга бой.

Эзилган, илиқ картошқадан тайёрланган маска териға массаж каби унумли таъсир кўрсатади. У терининг эпидемис, деб аталувчи юқориги қатламини тиклайди, янгилайди. Бу масқадан кейин юз териси силлиқлашиб таранг тортилади.

Қайнатилган картошқадан эзиб тайёрланган масқага — озгина лимон қўшсангиз, юздаги чарчоқ аломатларини йўқотади, юз териси тиниқлашиб, рангингиз тоза бўлади.

Қирғичда қирилган хом картошқадан тайёрланган маска эса юзни намлаб, юмшатади. Бу маска қуруқ, тез-тез шўралайдиган юзга ва тез яллиғланиб, қизарадиган териға яхши давс бўлади.



Энсиз, юмалоқ кесилган картошка маска юзни мулойимлаштиради, оқартиради, юз териси силлиқ, соғлом бўлади.

Қуруқ тери учун маска. Қайноқ картошқани тахтакачда эзиб 1—2 қошиқ қайнатилган сут ва тухумнинг саригини қўшасиз. Иссиқ аталани юз ва бўйин терисига суртиб, иситилган

ТАБИЙ КАСМЕТИКА

жун сочиқ билан ёпиб қўясиз. 20 минутдан кейин юзингизни аввал иссиқ, сўнг совуқ сувга чайиб ташлайсиз.

Дағаллашиб, ёрилган қўл терисига картошка пюре сига бир қошиқ қуритилган сут аралаштирилган маска яхши таъсир кўрсатади.

Агар куйган жойга қирғичда қирилган хом картошка қўйсангиз бу оғриқни камайтирибгина қолмай, териде пуфак ҳосил бўлишининг олдини олади.

Ловия: Оқсилларга жуда бой, унда минерал тузлар, темир моддаси ва турли ёғлар бор.

Ҳар қандай тери учун мос маска: бир стакан ловияни қайнатиб, элакдан ўтказасиз ёки тахтакачда эзғилайсиз. Унга бир қошиқ зайтун мойи билан лимон шарбатидан қўшиб юзингизга суртасиз. 20 минутдан кейин юзингизни аввал иссиқ сувда, кейин совуқ сувда ювиб ташлайсиз. Бу маска юзни оқартиради, терини соғломлаштиради, ажин тушишининг олдини олади.

Юз териси қуруқ, таъсирчан бўлган кишиларга ловия қайнаган сувга озгина зайтун мойи ёки бодом мойи қўшиб ювиш тавсия этилади.



Ҳамид Олимжон мукофоти лауреати
шоир Рауф Парфи меҳмонимиз

УШБУ РУБРИКАДА:

Давр билан ҳамнафас сўзлар.
«Саодат»хонлар учун махсус тухфа (Ижодкорнинг насрий асари матбуотда биринчи марта эълон қилинмоқда).

Телевизор экранларида, радио карнайлари қошида, одамлар тўпланган тантанали анжуманларда тез-тез кўриниб туришликни севадиган ўртоқларга ҳавасим келади. Мен ундай қилолмайман. Қаттиқ уяламан. Ҳолбуки, тўғри сўзингни ҳар қайда, ҳар қачон айтиш зарур. Журналхонлар мени тўғри тушунар деб ўйлайман. Гап шундаки, ҳали бизнинг тўғри сўзимиз беқиёс сабрли жафокаш халқимизнинг ўтмиши, ҳозирги, келажак тақдири олдида хиралашиб қолади. Хусусан, ўзбек аёлининг қисмати, болаларимизнинг аҳволи ҳар бир фикрловчи инсонни ларзага солади. Нима қилмоқ керак! Бу кунги давр фақат проблемаларни қўйиш даври бўлиб қолмаслиги керак, албатта. Уларнинг амалий натижаларини ҳам талаб қилишимиз лозим.

Учрашувларда кўпинча турли тоифадаги, фикрлаш даражаси турлича бўлган кишилар таъна қилишади — турғунлик йилларида қаерда эдингиз, нега виждонингиз буюрганни айтмадингиз, энди эса лоф урасиз, ундай қилайлик, бундай қилайлик, деб. Лекин ижодий зиёлиларимиз, меҳнаткаш омма бир дақиқа бўлсин ҳаракатдан тўхтаган эмас — турғунлик уларга ёт нарса бўлган. Янги Инқилоб жараёни моҳият нуқтани назардан ғоят кўламли ва мураккаб жараёндр. Мен «яшасин»чиликка мутлақо қаршиман. Аммо «Яшасин Янги Инқилоб! Яшасин Горбачев!» деб ҳайқиргим келади. Балки мен хато ўйлаётгандирман, ҳар ҳолда мен бу кун шундай тушунчада собитман. Буюк ўзгаришларнинг шоҳиди бўлиб турганимдан хурсандман.

Халқ Янги Инқилобни ҳимоя қилишга қодир деб ўйлайман. Халқ имон-эътиқодига қайтганидан бахтиёрман.

Шахса сиғиниш даврининг асоратлари ҳақида ҳали яна кўп гапирсак керак. Бу даврда ўзбек халқи ўзининг минг йиллик ёзу-

видан айрилди. Аввал латин алифбосига, кейин крилицага ўтказилди. Менимча, бу ўйламай қилинган иш — жиноят эди. Бу жиноят тарихимиз билан бўлган алоқаларимиз ришталарини илдиридан чопиб ташлади, натижада биз ўзимизнинг неча асрлик тарихимиздан, қадим маданиятимиздан ажралиб қолдик. Баъзи сохта олимлар томонидан араб илмоси асосида бунёдга келган ўзбек ёзуви халқимизга бутунлай ёт, деган нотўғри хулосалар олға сурилди. Буни қандай тушунмоқ керак, бир минг тўрт юз йил давомида халқ ривожига, дунё маданияти ва фани тараққиётига мислсиз ҳисса қўшган — Форобий, Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Қошғарий, Яссавий, Наршахий, Навоий, Жомий, Бобур каби улуг сиймоларга хизмат қилган ёзувни ёт ва бегоналиқда қандай айблаш мумкин!! Крилицага ўтишнинг афзалликларидан бири омма томонидан рус тилини интенсив ўрганишга шарт-шароит яратилади, деган олимларимиз ҳам бўлдилар. Аммо бунинг акси бўлиб чиқди. Ўз ёзувларини сақлаб қолган яхудийлар, арманлар, грузинлар, латишлар, эстонлар, литваликлар рус тилини биздан яхшироқ билишади. Мен эски ўзбек ёзувини халққа қайтариш шарт, деб ҳисоблайман.

Ҳар бир миллат ўзлигини англашга, ўз моҳиятига чуқурроқ кириб боришга, ўзининг ўтмишини билишга, келажатини англашга интилади. Маданият, адабиёт, санъат ҳар бир халқ руҳий имкониятларининг ифодасидир. Миллатлараро муносабатларни яна яхшилаш учун СССРда яшовчи ҳар бир халққа ва миллатга ўзининг маданияти, маорифи, адабиёт ва бошқа барча масалаларини мустақил ҳал қилишга шароит яратиш керак. Иқтисодда ҳам ҳар бир республика мустақил бўлмоғи керак, шунда ҳозирги кунларда

Рауф ПАРФИ

Ғойибжон ҳарбий хизматга қақирилгандан кейин олти ой ўтар-ўтмас Мунисхон ота-онасининг уйига жўнаб кетди. Тожихон опа катта ҳовлида якка ўзи шумшайиб қолди.

Кун ботди. Уфқ бўзарди. Совуқ шамол эсди. Чакка ўтмасин учун томга ёпиб қўйилган қумқоғозни шамол қайириб ташлади. Тожихон опа оғилхонадан узун, эски нарвон судраб чиқди. Ошхона деворига суяди. Иккита пишган гишт топиб биттасини томга отди. Биттасини қўлига олиб нарвонга оёқ қўйди. Нарвоннинг иккинчи белбоғи қарс синди. Тожихон опа гуп этиб йиқилди. Нарвон боғларига миҳ қоқди, қўллари билан босиб-босиб кўргач, ҳали ҳам қўлида турган гиштни томга олиб чиқди. Шамол қайириб ташлаган қумқоғозга гишт бостирди.

Пода қайтди, сигир тумшуғи билан дарвозани туртиб очди. Тожихон опа сигирни молхонага боғлаб уйга кирди. Чап оёғи жизиллаб оғирди. Жавондан иккита чакмоқ қанд олиб дастурхонга ўраб чақди. Майдалаб, ун қилиб, сидирилиб кетган оёғига сепиб бойлаб олди. Сигирни соғиб бўлганда ёмғир тезлашган эди.

Уйга кириб якандозга ўтирди. Дереза кўзидаги хамир билан ёпиштирилган қо-



ғоз шамолда шалдирарди. Тожихон опа бир нарса эсига тушгандек, ирғиб ўрнидан турди. Тунука чойнакни плита устига қўйди. Радиони буради. Шодиёна куй янгради. Учирди.

Кўча эшик очилди. Тожихон опа уй эшигига тикилиб турди.

— Ассалом-е, эсонмисиз-омонмисиз. Бир чуқим овқат қилувдим, ўзим ёлғиз томоғимдан ўтмади. Шаққа кира қолдим, Тожиби.

— Ие, келинг, Хайрихон овора бўлиб-сиз-да, Норматжон қаёқдалар?

— Анув, Тошканга кетувди. Сораники-га. Индин келади.

Тунука чойнак чирсиллади. Тожихон опа чойнак қопқоғини очиб кўрди.

— Ҳай, сув қуймасдан қўйибман-а. Қуйгандай бўлувдим-у?

Икки пиёла чой ҳаял ўтмай қайнади.

— Тожиби, келинингиз қаққа кетди?

Оғир оёқ бўлса. Кечаям кўринмади, кеч-қурун девор урдим, эшитмадингиз. «Мунисхон», «Мунисхон» деб тўрт марта чақирдим, эшитмадингиз. Норматингизнинг беданаси касал бўлиб ётиб қолди денг. Бир нарса тушунармикан деб чақиргандим. Бугун қарасам тил тортмай ётибди. Бирам сайрардики... бечора. Нормат келгач нақ...

— Қаранг-а, Ҳай, Норматжон қачон келади дедингиз, индинми? Мунисхон «ров бориб оймаки қўриб келаман» деб кетувди. Ишқилиб, келади.

— Шитирлаган нима? Ие, дарчанинг кўзи экан. Мушук кирадиган бўлиб қопти-ку. Кеча «ойнак тузатаман» келувди-я.

ШУ БИЛАН ҲАҚСАН

тез-тез эшитилиб турадиган биз фалон республикани боқяпмиз, фалон республика қарзга яшаяпти, деган гап-сўзларга ўрин қолмайди. Уртага миннат аралашмайди. Миннат ва таъмалар ортида туриб халқлар дўстлиги ҳақида қанча гапирманг, бунинг самимий жанлигига ишониш қийин.

Онлани планлаштиришга қаратилган барча тадбирлар бу кунги демографик масалаларни чигаллаштирса чигаллаштирадими, аммо ҳал қилолмайди. Онлани планлаштиришдан аввал ўзбек халқининг тарихий психологияси, унинг турмуш тарзи чуқур ўрганилиши зарур. Менимча, аввало, демографик аҳволимизни яхшилаш учун, ижтимоий-иқтисодий программа яратилса. Бу программа ўз ичига уй-жой қурилиши муаммосини ҳал қилиш, қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш, маданий-оқартув хизматини изга солиш каби ларни қамраб олса. Аммо бу масалаларнинг ҳеч бири алоҳида эмас — булар ҳаммаси бир-бирига боғлиқдир. Уй-жой масаласини ҳал қилиш учун маблағ керак, маблағ бўлиши учун эса ўзимизда етиштирилаётган пахтанинг таинархияни одилона баҳолаш, уни четга қамроқ чиқазиб, республиканинг ўзида кўпроқ фойдаланиш керак-да. Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўсиши масаласини ўраб турган «қобил»лар очилгач, муаммони соф ҳолда кўриш мумкин бўлади. Аммо бир нарсага тўхталишни хоҳлардим: болалар ўлими бўйича жаҳонда биринчилардан бўлган халққа яна болалар туғилишини режалаштириш жиноятдир.

Бугун Совет Иттифоқининг бирор ерида бирор аёлнинг аҳволи ўзбек аёлининг аҳволидек оғир ва ачинарли эмас. Бугун энг қийин, энг қора юмушларни аёллар бажаряпти ва эвазига арзимаган ҳақ оляпти. Аёлларимизнинг қўли косов, сочи сунурги бўлди. На ҳомиладорман дейди, на касалман, дейди, индамай меҳнат қилаверади. Аёлларимизнинг турмуш шароитини яхшилашимиз керак, деб жуда кўп сўзлаймиз, аммо ҳеч нарса қилмаймиз. Аёлларимиз ўзини ёндирапти, ўлдирапти, биз эса бунинг неча йиллик сабабларнинг оқибати эканини тан олишни истамаймиз, уларнинг хотирасини ҳақорат қиламиз. Ҳамма гапни эр-хотин ёки қайнона-келли муросасига олиб бориб тақаймиз. Баъзан, ҳатто дин таъсири деб ҳам туриб оламиз. Шу пайтгача ўзини ёққан аёлларнинг турмушини, шароитини фақат фожиа содир бўлгач текшираемиз. Олдини олиш учун эса ҳаракатимиз йўқ. Менимча, текширувчи эмас, ўрганувчи махсус бригадалар тузиш лозим. Бу бригадалар ўзбек аёлининг психологияси, ижтимоий аҳволини чуқур таҳлил қилиши керак. Бу бригадалар таркибида психологлар, социологлар, иқтисодчилар, врачлар ва ёзувчилар бўлса мақсадга мувофиқ бўлурди.

— Қагда. Бурунги очофат мушуклар қайда дейсиз.

Хайри опа чиқиб кетгач, Тожихон опа яна шумшайиб, бир муддат ўзини йўқотиб турди. Деворда осмиғли турган Ғойибжоннинг суратини, жавон ойнасини, чироқни бир соат илгари артган бўлсада артиб қўйди. Ичкари уйнинг эшигини очиб-ёпиб кўрди. Дарвозани тамбалади. Уй эшигига бузук қулфни осди. Ҳовли билан Хайри опаларниқидан ўтиб «Амакимларниқига бориб келай» деб катта йўлга тушди.

Салим акаларнинг ҳовлисига етганда Тожихон опа тўхтади. Қуруқдан-қуруқ келганини эслади. Тўрттагина нон ўраб олмаганига афсусланди. Раҳмонберди велосипед етаклаб чиқди.

— Келинг, амма, саломатмисиз, қани кираверинг.

Раҳмонберди велосипедини қайтарди. Ток устунига суяди.

— Энамлар Аминжон тоғамланиқига кетишган, дадамлар ҳозир келиб қолади-лар. Вақтиям бўлди. Мен Ғойиб акамларга хат ёзгандим. Шуни ташлагани кетяпгандим. Емғирда велосипед минишини яхши кўраман.

— Бўлмаса, менинг номимдан ҳам битта ёзиб берасиз. Қалам-дафтарингизни

олинг. Пакет борми? Атай хат ёздиргани келганман.

— Бор.

Раҳмонберди дастурхон ёзди.

— Қўйинг, қўйинг... қоғоз-қалам оп келинг.

Раҳмонберди ёза бошлади: «Салом хат. Етиб маълум бўлсинки, мен ким, шул гўзал Ўзбекистоннинг гўзал қишлоғида яшовчи онангдан деб билурсан»...

— Амма, нима деб ёзай?

— Ёзаверинг, ўзингиз келиштириб ёзаверинг... Уғлим, мендан асти хавотирланма. Соғ-саломатмисан? Мен соғ-саломатман. Мунисхон ўйнаб-қулиб юрибди. Илоҳим боши омон бўлсин. Суратингни катта қилдириб қўйди... Иннайкайин... Ёзаверинг ўзингиз билиб, Раҳмонберди.

Тожихон опанинг кўзларига йиғи келди. Кўз ёш олдин киприкларига қўнди, кейин томирлари кўриниб турган қўлларига томди.

— Ёзаверинг, Раҳмонберди... Уғлим, начальнигингни ҳурмат қил. Довдир бўлма, мендан ҳеч хавотир олма. Ҳеч камчилигим йўқ. Ёзаяпсизми?

— Ёзаяпман, аммо, йиғласангиз адашиб кетаяпман. Айтаверинг.

Юқорида айтганимдек, ўзбек аёллари шунча ташвишларига қарамадан шеър ёза олишлари мени беҳад қувонтиради. Шоирларимизнинг асримизнинг барча дағалликлари орасидан ўзларининг назокатларини омон-эсон олиб чиқаётганларига тан бермай иложимиз йўқ. Ўзбек халқи азалдан ўзининг шоирлари билан машҳур. Бу кун ҳам ўз халқининг шоираси деган номга лойиқ қизларимиз кўп. Ҳалима Худойбердиеванинг кенг қамровли, Фароғат Камолованинг соғинч, Қўтлибека Раҳимбоеванинг куюнчак, Ойдин Ҳожиёванинг назокатли, Ҳалима Аҳмедованинги жўшқин шеърларини севиб ўқиб бораман. Имкониятдан фойдаланиб «Саодат» журналининг барча ўқувчиларига, шу журнал ижодкорларининг ҳаммасига энг эзгу тилакларимни билдираман. Бундан кейин ҳам «Саодат» журнали АЁЛни ҳимоя қилувчи даргоҳ бўлиб қолишини истайман.

...Албатта, Аёл ҳақида ёзмаган кимса йўқ, дунёда. Мен ҳам бир вақтлар Аёл ҳақида шундай ёзгандим:

Қани, муҳаббатдан тонганлар, келинг,
Бошларга минг савдо солганлар, келинг.
Ҳайкалга айланиб ёнганлар, келинг
Қон ичиб қонларга қонганлар, келинг.
Келингиз жам бўлиб сажда қилмоққа
Муқаддас пойида тинглангиз буйруқ.
Одамлар, топининг, туриб оёққа,
Ўзга меҳроб йўқдир, ўзга қалам йўқ,

Ҳозир жуда оғир сокинлик билан тайёрланаётган, иккиланаётган китобимни «Она Туркистон» деб атадим. Бу китобда «Аёл» туркуми бор. Туркумга Валерий Брюсовнинг «Сен Аёлсан, шу билан ҳақсан» мисрасини тазмин қилиб олдим.

Аёл — бизнинг номусимиз, Ватан каби аччиқ, Ватан каби ширин қисматимиздир...

Имкониятдан фойдаланиб «Саодат» журналининг барча ўқувчиларига, шу журнал ижодкорларининг ҳаммасига энг эзгу тилакларимни билдираман. Бундан кейин ҳам «Саодат» журнали Аёлни ҳимоя қилувчи даргоҳ бўлиб қолишини истайман.

Тожихон опа энги билан кўзларини артди.

— Уғлим Ғойибжон, имкони бўлса, бир келиб кетгин отпускага. Жуда соғиндим. Жуда. Агар келади-дун бўлсанг авваламбор дилгиром бер. Мунисхонга...

Салим ака келди. Этигини тозалаб уйга кирди.

— Келинг, Тожиниса, яхшимисиз. Келганингиз жуда соз бўлибди-да, Сиз томонларга ўтай дейман, ишдан бўшамайман. Раҳмон, кампир қани?

— Аминжон тоғамлар...

— Ҳе, бўпти. Овқатни ўзимиз қиламиз экан-да. Бошлаб турайлик-чи, энанг ҳам келиб қолар. Дарсингни йиғиштир. Менга сабзи-пиёзингни олиб чиқ.

— Дада, дарсман. Ғойиб акамларга хат ёзаяпмиз.

— Ундоқ бўлса ёзавер, ўғлим. Мендан дуом салом ёз. Мен ҳозир чой қўяман. Емғирам тиниб қолибди.

Раҳмонберди хатни тугатди. Қоғозни тўрт буклаб конвертга солди. Уни тили билан ялаб ёпиштирди.

Салим ака чой кўтариб кирди. Раҳмонберди дастурхон ёзиб нон, майиз, асал қўйди.

— Ўзингизни олдириб қўйибсиз, То-

жиниса, — деб гап бошлади Салим ака, — кўпам куйнаверманг. Ҳарбийлик ҳамма-нинг бошида бор. Мана, Раҳмонбердингиз ҳам тайёр бўлиб турибди.

Тожихон опа бир қўлтум чойни зўрға ютди-да, пиёлани қайтиб узатмади.

— Новвосни чакки сотибсиз, — деди Салим ака. — Сабаб? Пулга қийналдин-гизми? Худога шукур қилсангиз бўлади. Биз бор. Қариндош-уруғ нимаичун?

— Пулга қийналганимдан эмас, амаки, ортиқчилиги учун сотдим. Кейин жуда қайсар, менга сўз бермай қўйди. Судраб кетади одамни... Мунисхоннинг ҳам кучи етмай қолди-да, амаки.

— Мол ҳеч қачон зиён қилмайди. Мол — тирик пул, Тожиниса.

— Тўғри-куя, битта сигирнинг ўзини эплашни айтинг. Ғойибжон қайтиб келгунча бузоғи ҳам катта бўлиб қолади.

Тожихон опа жўнайидиган бўлди. Салим аканинг «Тўхтаб туринг, келинбингиз келсин, ахир», деганига қарамай отлана бошлади.

— Уйим ёлғиз, бормасам бўлмайди. Кетиш олдидан Салим акадан битта бедана сўради. Салим ака катта, семиз беданани таги дўппидан бўлган халтага солиб берди.

Ғойибжоннинг ҳарбий хизматга қақирилганига роса саккиз ой бўлди. Бу орада Мунисхон уч-тўрт марта қайнонасида хабар олди. Дадасининг бод касали яна кўзгабди. Ойиси касалванд бўлиб бунинг устига эмизикли боласи билан ўралашиб қолганлигидан Мунисхон у ерни ташлаб бу ёққа келишни эп кўрмади.

Тожихон опанинг кунлари янада узайиб, тунлари янада қоронғулашди.

У сахар туриб ҳовлини супурди. Сигирни подага қўшди. Токнинг ғужум барглари-дан сидириб бузоққа ташлади. «На-на-на» деб эркалади. Оғилни тозалаб бўлиб чой қўйди. Чой қайнагач қўшилларини чақирди. Норматжон: «ўзингиз кира қолинг, хола» деди. Тожихон опа «майлингиз» деди-ю, лекин кирмади.

Хайри хола Норматжонни ишга жўнатгач, Тожихон опа билан нонушта қилиш учун бу томонга ўтди.

— Келиннингиздан хафаман, — деди Хайри хола, — сизни ташлади-кетти-я.

— Келиб қолар. Мен билан ижиқ-ми-жиқ қилиб, юришдан нима фойда Мунисхонга, — деди Тожихон опа ҳазиломуз. — Эри келсин, кейин ҳеч қаёққа кетмайди. Қанотимда ўтиради.

— Норматжонни уйлаб қўяйин дейману ҳарбийга олиб кетади. Кейин мунгайиб қоламанми, деб қўрқаман. Сира айрилмаганман-да, боламдан.

— Сорахон қандай қиз! Ана одобу, ана ҳусн.

— Аммо, лекин у ҳам Мунисингизга ўхшаб бир оз керик.

— Бе, Хайрихон, келиним керик эмас...

— Ая-а-а-а... — Норматжон кирди. Устунга бўшашиб суянди. Юзлари оппоқ. Қўлларини мушт қилган қолда икки чаккасини ушлади, кейин бармоқлари орасида гижимланган, кўкариброқ қолган бир парча қоғозни қалтираб ёзди.

Хайри опа қалишини киймасдан чопиб бориб, ўғлининг пешонасидан ушлади. Дастурхон сурилиб чойнак ағдарилди. Қайноқ чой Тожихон опанинг оёғини жизиллатди.

Ҳеч нарса англамасдан анграйган Тожихон опа «ҳа-ҳа», «ҳа-ҳа» дер, лекин аллақандай фожиани юраги билан сезиб ўтирган жойида анави қоғоз сингари титрарди...

Ғойибжоннинг «ўз эҳтиётсизлиги натижасида ҳалок бўлганлиги» тўғрисидаги машъум телеграмма бутун қишлоқни оёққа турғизди. Бутун қишлоқ фотиҳага келди.

Узоқ вақт Тожихон опанинг ҳовлисидан фарёд аримади.

Узоқ вақт бу маҳалладан ўтгучилар дадил бош кўтариб юролмай қолди.

Узоқ вақт бу ўлимга ҳамма, ҳамма гуноҳкор каби, муштипар она билан ҳеч ким юзма-юз бўлолмади.

Узоқ вақт ёлғиз аёлнинг «о-о-о-оҳ, қасдинг бормиди, фалак» деган нидоси эшитилиб турди.

Тожихон опа жудоликка чиқолмай, қаттиқ бетоб бўлиб ётиб қолди. Ғойибжон тупроққа узатилган кунни Мунисхон ўғил кўрди. Исми Ғойибжон қўйилди. Тожихон опа касалликдан турган бўлса-да, мункиллаб, қариб кетди.

Мунисхон Ғойибжоннинг йилини ўтказиб ота-онасининг уйига бутунлай кўчадиган бўлди. Кичкина Ғойибжонни доимо соғинадиган Тожихон опанинг бир оёғи қудаларниқанда бўлиб қолди. Фақат, Мунисхон Ғойибжонга турмушга чиқмасдан аввал Холдор исмли йигит билан юрган экан, деган гап чиққандан кейингина бу ёққа келишни қамайтирди. Бу гап ростми, ёлғонми, ҳеч ким билмайди. Лекин Холдор Мунисхонга совчи қўйди. Мунисхон Ғойибжонни олиб, шу хусусда қайнонаси билан маслаҳатлашгани келди. Тожихон опа қаршилиқ қилмади.

Мунисхон тўйдан кейин ҳам бир неча марта Ғойибжон билан келиб-кетиб турди. Тожихон опа ҳар сафар Ғойибжонни ўлиб кўзига ёш олар эди.

— Вой, нега йиғлаяпман-а, — деб овқатга уннаб кетарди.

Бир кун Мунисхон ва Ғойибжонлар Тожихон опаникида кечгача қолиб кетишди. Холдор уларни олгани келди.

Набирасини кўтариб олиб ёш боладай у ёққа, бу ёққа юрган Тожихон опа, кеч бўлди, ётиб қола қолинглар, деганига кўнишмади.

Ғойибжон бувисининг қўлидан тушмас, «кетмайман» деб чирқилларди. Мунисхон конфет берди — бўлмади, пўписа қилди — бўлмади.

— Тоҳир, бас эркалик. Учир овозингни, Тоҳир, — деб дўқ урди Холдор.

Ғойибжон бувисининг кучоғидан сирғалиб тушди.

Тожихон опанинг юраги орзиқди, бўғзига бир нарса тикилди. Вужудининг аллақавридаги жароҳат ачишди. Ачишиб тура берди. Судралиб уйга кирди.

Эрига хўмрайиб қараганча, қайнонасининг орқасидан Мунисхон ҳам эргашди. Унинг елкасига осилиб йиғлади.

— Хафа бўлманг, метркада барибир Ғойибжон, — деди.

Кетишди. Тожихон опа бир муддат Ғойибжоннинг суратига қараб турди-да, ташқарига чиқди...

Қош қорайди... Ойнинг сочлари оқарди...

1964 йил.

Бош редактор:

Ҳалима ХУДОИБЕРДИЕВА

Редколлегия аъзолари:

ЗУЛФИЯ

Хосият ЕҚУБЖОНОВА

Мунаввар ИСОҚОВА

Карима МАҲМУДОВА

Саодат МАҲМУДОВА

Мухтарам СОДИҚОВА

Санъат МАҲМУДОВА

(бош редактор ўринбосари)

Жўрабой ХОЛМАТОВ

(масъул секретарь)

Журнали безатувчи:

Лайло САЛИМЖОНОВА.

Тех. редактор:

Олимжон ҲАКИМОВ

Общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный женский журнал.

Саодат № 10.

На узбекском языке.

Редакциянинг адреси:

700000, Тошкент, П. Ленин проспекти, 41-уй.

Телефонлар:

33-68-10.

33-49-03,

32-56-19,

32-56-62,


32-56-38,

32-56-68,

32-56-69,

32-56-70,

32-56-03.



Теришга берилди 12.08.1988 й.

Босишга рухсат этилди 13.09.1988 й.

Р—14135.

Қоғоз формати 60×80^{1/8}.

Шартли босма қоғоз 5,5.

Фотонабор. Ботиқ босма.

Наشريёт ҳисобида 6,75 тобоқ.

Заказ № 4114.

Тиражи 1122947.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент, ГСП, Ленин проспекти, 41-уй.


© «Саодат» № 10.

Ҳамид Олимжон мукофотининг лауреати, шоир Рауф Парфи рафиқаси шоира Дилором Исоқова билан.

В. ЖИРНОВ фотоси.



Даре мажлариға ёзилмиш фазл,
Мансапар эрилиб ўиниди китоб,
Шодланиб ханданлар отар бир лаҳза,
Бир лаҳза оҳ тортиб кўяди офтоб,
Раф ПАРФИ.



ТАРИХИ

БОЙ



САНЪАТ

ҚАДИМИЙ САНЪАТИМИЗ
НАМУНАЛАРИ

Қадимги юнонлар санъати бўлиб ҳисобланган керамика даставвал уй-рўзгор буюмларини тайёрлашда фойдаланилган. Махсус тупроқ ёки тупроқ билан турли минераллар аралашмасидан ҳосил қилинган лойни пиштириб, ундан тайёрланган ва кейин қаттиқ қиздириб ҳосил қилинган маҳсулотлар анча чидамли бўлишини улар жуда яхши билганлар. Аста-секин сопол ва чинни идишлар, буюмлардан ташқари қурилиш учун ишлатиладиган ғишт, черепица, плита ва кошлар ҳам керамика асосида ишлаб чиқиладиган бўшланган. Бу санъатнинг жуда тараққий этишига ишланиш услубининг содда ва қулайлиги қўл келган бўлса ажаб эмас. Керамика буюмларини тайёрлашда асосан қўлда қориб лой қилинган. Гулханда пиштилгач, кулол чархида, қолип ёрдамида шакл берилган. Кейин хумдонда, печларда ва умуман юқори даражадаги иссиқликка дош бера оладиган буюмларда яна қайта қиздирилиб, обдан пиштилган.

Керамика маҳсулотларининг дастлабкиси идиш бўлган. Неолит даврида тухумсимон қилиб ишланган дастлабки идишлардан овқат сақлашда, пиширишда фойдаланилган. Урта Осиёда милoddан аввалги 2-, 3- минг йилларда деҳқончилик билан шуғулланиш халқларнинг ўтроқлашувига са-



баб бўлди. Бу ҳол ўз навбатида ҳунармандчиликнинг бир қанча турлари қаторида кулолчилик ҳам вужудга келишида муҳим роль уйнади. Ўзбекистон ССРда олиб борилган археологик қазилмалар натижасида Афросиёбдан топилган идишлар, нафис безатилган буюмлар IX—XII асрларда сирланган сопол идишлар кенг тарқалганини кўрсатди. Кўп сонли архитектура ёдгорликлари қаторида XIV—XV асрларда Бухорода яратилган Исмоил Сомоний мақбараси ҳам керамика ривожининг ёрқин далилидир.

Тархий манбаларни чуқур ўрганган олимларнинг фикрига асосланиб шунни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда керамика буюмларини тайёрлаш — кулолчилик ўзининг бой тарихига эга. Ажойиб нақшли уй-рўзгор буюмлари ўзбек халқи амалий санъатининг намуналари ҳисобланади. Революциядан олдин минглаб истеъдодли халқ усталари хон ва амирларнинг саройларини нақшлар билан бегаганлар. Совет ҳокимияти ташкил топган дастлабки даврларданоқ кулоллар кичик-кичик артелларга бирлашдилар, сўнг-ра бу артеллар йирик корхоналарга айлантирилди. Ўзбек кулолчилигининг пойдеворини қўйган риштонлик Усто Абдулло, шахрисабзлик Рустам Эгамбердиев ва Карим Ҳазратқулов, гиждувонлик Усмон Умаров, самарқандлик Умарқул Жўрақулов, тошкентлик Туроб Миралиевларнинг ишини ёш авлод меҳр билан давом эттири-



Тарихий санъатнинг кенжа давомчиларидан бири Сабоҳат АҲМЕДОВА



япти. Бугунги кунга келиб кулолчилик ҳақиқий санъат турига айланди. Александр Кедрин, Султон Муродов, Светлана ва Николай Қорлихонов, Шаҳноза Мўминова каби керамик рассомлар бу соҳада баракали ижод қилмоқдалар.

Ана шундай тарихий санъатнинг энг кенжа давомчиларидан бири — Сабоҳат Аҳмедова. Халқ қадимий санъати-га муҳаббатли бу қиз бир неча йил-дирки Тошкент Педагогика институтининг бадиий графика рассомлиги факультетини битириб, Тошкент амалий санъат бадиий-экспериментал комбинатида меҳнат қилмоқда. Сабоҳат кам нусхадаги гўзал кулолчилик буюмлари ва идишлари яратмоқда. Унинг ижодкор сифатида бошқалардан ажралиб турадиган томони шундаки, бу рассомнинг ўз ишидан қаноат ҳосил қилиши жудаям қийин. У ижод тараққиётини ҳамisha изланишда, ўқиб-ўрганишда деб билади. Сабоҳат буюмларга турли-туман рангларни сингдира олиш устида кўпроқ ўйланади. Мана кейинги вақтларда у деворлар керамикаси билан шуғулланиш орзуси ила яшамоқда. Унинг халқ амалий санъатини ривожлантириш йўлидаги бу ёруғ орзуларига биз ҳам тилакдошмиз.



Р. ШАГАЕВ фотоэтюди.

Бошингдан Қуёш нур тўкаверади,
Саболар бўйингни ўпаверади,
Ишқингда сой йиғлаб ўтаверади,
Фақат сен сўлмагил, сўлмагил, гулим...

ISSN 0134—2223
Баҳоси 25 тийин
Индекс 75378

